



**Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси**

**СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРГА
ҚИСҚА МЕТОДОЛОГИК
ТУШУНТИРИШЛАР**

Тошкент 2021й.

КИРИШ

Статистика соҳасининг асосий тушунча ва атамалари халқаро статистик стандартларга асосланган асосий статистик кўрсаткичларни шакллантириш, юритиш ва қўллашнинг методологик асосларини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу тўплам статистик кузатувларни ўтказишда ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида ахборотларни шакллантириш ва эълон қилишда қўлланиладиган тушунчаларнинг тизимлаштирилган рўйхатини ўз ичига олган.

Тўпламда иқтисодий, ижтимоий ва демографик ўзгаришларни таҳлил қилиш учун долзарб бўлган миллий ҳисоблар тизими, молия ва нархлар, товарлар ва хизматлар бозори, бандлик, демография ва ижтимоий соҳа, аҳоли турмуш даражаси, шунингдек саноат, инвестициялар ва қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги каби иқтисодиёт тармоқлари бўйича статистик тушунчалар тақдим этилган.

Шунингдек, статистик кузатувларни ташкил этиш, маълумотларни шакллантириш ва тақдим этишда фойдаланиладиган статистик регистрлар ва таснифлагичлар, Очiq маълумотлар портали ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича асосий тушунчалар ҳам мавжуд.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси” ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Ушбу тўпламни ишлаб чиқишда халқаро ташкилотларнинг методологиялари ва тавсиялари ҳамда хорижий давлатлар статистика идораларининг илғор тажрибаларидан фойдаланилган.

Тўплам давлат статистика органлари ходимлари ҳамда статистик маълумотлардан фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун мўлжалланган.

Мундарижа

1. Миллий ҳисоблар тизими	4
2. Тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси	13
2.1. Банк ва суғурта фаолияти	13
2.2. Корхона ва ташкилотлар молиявий ҳолати	19
3. Нархлар статистикаси	13
4. Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси	31
4.1. Ташқи иқтисодиёт фаолият	31
4.2. Савдо	38
5. Саноат ва ёқилғи-энергетика комплекси статистикаси	39
6. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси	44
6.1. Қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари	44
6.2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	49
7. Инвестициялар ва қурилиш статистикаси	51
7.1. Инвестициялар	51
7.2. Қурилишнинг асосий кўрсаткичлари	59
8. Хизматлар соҳаси статистикаси	63
8.1 Транспорт	63
Темир йўл транспорти	64
Автомобил транспорти	64
Электр транспорти	66
Ҳаво транспорти	67
8.2 Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари	67
8.3 Уй-жой	69
8.4. Хизматлар	71
9. Демография ва меҳнат статистикаси	72
9.1. Асосий демографик кўрсаткичлар	72
9.2. Меҳнат статистикаси	75
10. Аҳолининг турмуш даражаси	78
11. Ижтимоий соҳа	82
11.1. Соғлиқни сақлаш	82
11.2. Таълим	84
11.3. Маданият	88
11.4. Ижтимоий ҳимоя	88
11.5. Ҳуқуқбузарлик	90
11.6. Инновация	91
11.7. Туризм	95
12. Статистик регистрлар ва таснифлагичлар	99
12.1 Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри	99
12.2 Статистик таснифлаш ва ижтимоий-иқтисодий маълумотларни кодлашнинг ягона тизими	100
13. Очиқ маълумотлар портали	102
14. Ахборот-коммуникация технологиялари	103

1. Миллий ҳисоблар тизими

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) мамлакатнинг иқтисодий фаолияти натижаларини ифодаловчи ҳисоблар ва жадвалларнинг муайян тўплами шаклида тузилган, ўзаро боғлиқ статистик кўрсаткичлар тизимини ўзида акс эттиради.

МҲТ кўрсаткичларини шакллантиришда турли **ахборот манбаларидан** фойдаланилади: давлат статистика ҳисоботи шакллари, танланма кузатув маълумотлари, маъмурий ахборот манбалари, билвосита ҳисоб-китоблар, эксперт баҳолашлар ва бошқалар.

МҲТнинг асосий кўрсаткичлари бозор нархларида, яъни иқтисодий операциялар амалга ошириладиган нархларда баҳоланади, булар ишлаб чиқарувчилар нархлари, асосий нархлар ва сотиб олувчилар нархлари.

МҲТда тармоқлар ишлаб чиқарган маҳсулотни баҳолашда асосий нархлардан, бунимкони бўлмаганда эса ишлаб чиқарувчилар нархларидан фойдаланиш тавсия этилади. Товар-пул қийматига эга бўлмаган маҳсулотлар бозорда сотиладиган унга ўхшаш товарнинг бозор нархларида ёки бозор нархи мавжуд бўлмаганда таннархи бўйича баҳоланади. Нобозор хизматлар уларни ишлаб чиқаришига сарфланган жорий харажатлари қиймати билан баҳоланади. Тармоқларнинг оралиқ истеъмоли сотиб олувчилар нархларида баҳоланади. Ялпи ички маҳсулот ҳам сотиб олувчилар нархларида баҳоланади.

Ҳисоб ресурслар ва уларнинг ишлатилишини тавсифловчи иккита кўрсаткичлар мажмуини ўз ичига олган жадвал бўлиб, унда ресурслар ва уларнинг ишлатилиши ҳажмлари орасидаги тенглик мувозанатловчи моддалар ёрдамида таъминланади.

Моддий айланма воситалар захиралари фаолият юритиш жараёнида кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Хом ашё ва материаллар корхонада моддий айланма воситалар захирасида бўлган ва ишлаб чиқариш жараёнида оралиқ истеъмол сифатида фойдаланиладиган маҳсулотлардир.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган, бироқ технологик жараёнда кўзда тутилган қайта ишлашнинг барча босқичларидан ўтмаган маҳсулотлар (ярим тайёр маҳсулотлар), шунингдек, буюртмачилар томонидан қабул қилинмаган тугалланмаган ишлардир.

Етиштирилиши тугалланмаган биологик ресурслар бу ҳисобот даври охирида одатдаги якуний маҳсулот ҳолига келтирилмаган, ўстириш жараёнида бўлган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ишлаб чиқариш ресурсларидир.

Бошқа тугалланмаган ишлаб чиқариш корхона томонидан ишлаб чиқарилган, бошқа институционал бирликларга етказиб бериш учун тайёр бўлган одатдаги якуний маҳсулот ҳолатига келтирилмаган, иқтисодиёт тармоқларида етарли даражада қайта ишланмаган, етиштирилиши тугалланмаган биологик ресурслардан ташқари маҳсулотларни ва тугалланмаган ишларни ўз ичига олади.

Қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар чакана ва улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан мижозларга қайта сотиш мақсадида сотиб олинган товарлардир.

Ҳарбий мақсадлардаги моддий айланма воситалар бу ўқ-дорилар, қурол етказиб берувчи ёки қурол-яроғ тизими каби бир марта ишлатиладиган воситалардир.

Қимматбаҳо буюмлар маълум бир муддат сақланадиган юқори қийматга эга бўлган товарлар бўлиб, улардан ишлаб чиқариш ёки истеъмол мақсадларида фойдаланилмайди.

Ишлаб чиқариш ҳисобот даврида резидент-бирликларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлиб, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий қийматини ўзида акс эттиради

Товарлар ва хизматлар ҳисоби жами иқтисодиёт бўйича товарлар ва хизматлар ресурсларини ҳамда ушбу ресурсларни ишлатилиши йўналишларини ифодалайди. Унда ресурслар сифатида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариши, импорти ва солиқлар (субсидияларни айириб ташлаганда) акс эттирилади. Ишлатилиш қисмида оралиқ истеъмол, якуний истеъмолга харажатлар, асосий капитал жамғарилиши, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши ва товар ва хизматларнинг экспорти акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш ҳисоби маҳсулот ишлаб чиқариш натижаларини ҳамда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда фойдаланилган товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун харажатларни тавсифлайдиган иқтисодий операцияларни қамраб олади. Ушбу ҳисобда иқтисодиёт ривожланишининг энг муҳим умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлган ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг асосини ташкил этадиган қўшилган қиймат аниқланади.

Ялпи ишлаб чиқариш ҳисобот даврида резидент-бирликларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлиб, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий қийматини ўзида акс эттиради. МҲТда ишлаб чиқаришнинг уч тури фарқланади: бозор учун ишлаб чиқариш, нобозор ишлаб чиқариш ва ўзининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқариш.

Бозор учун ишлаб чиқариш иқтисодий аҳамиятга эга бўлган нархлар, яъни товарлар ва хизматларнинг талаб ва таклифига сезиларли таъсир кўрсатадиган нархларда сотилган товарлар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади.

Нобозор ишлаб чиқариш бошқа институционал бирликларга бепул тақдим этилган ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархларда сотилган товарлар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади.

Ўз якуний истеъмоли учун ишлаб чиқариш уй хўжаликлари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотлар, ўз уйида яшаш бўйича хизматлар, ҳақ тўланадиган уй хизматчилари хизматлари, корхонанинг ўзида келгусида ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун қоладиган, ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган асосий фондлар (асосий капиталнинг ялпи жамғармаси) қийматини ўз ичига олади.

Оралиқ истеъмол ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар сифатида истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради (асосий капитал истеъмоли сифатида акс эттириладиган асосий фондлар истеъмоли бунга киритилмайди).

Ялпи қўшилган қиймат ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МҲТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – ҳудуднинг ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич. ЯҲМ иқтисодий моҳиятига кўра ЯИМга тенг кўрсаткич ҳисобланади, яъни у ушбу ҳудуднинг резидентлари бўлган иқтисодий бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ифодалайди.

ЯИМни баҳолашни учта асосий усули мавжуд:

- ишлаб чиқариш усули;
- даромадлар усули;
- якуний истеъмол усули.

Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ялпи ички маҳсулот иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ва маҳсулотлар учун соф солиқлар йиғиндисига тенг бўлади.

Даромадлар усулида ЯИМ иқтисодий резидент-бирликлар билан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимланадиган бирламчи даромадларнинг йиғиндиси орқали аниқланади. Уларга ёлланма ишчиларга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш ва импортга соф солиқлар, ялпи фойда ва ялпи аралаш даромадлар киради.

Якуний истеъмол усулида аниқланадиган ЯИМ товарлар ва хизматларнинг якуний истеъмоли, ялпи жамғариш, товарлар ва хизматларнинг экспорти ва импорти сальдосини ўз ичига олади.

Асосий капитал истеъмоли ҳисобот даврида моддий ва маънавий эскириш ҳамда тасодиқий зарарланиш натижасида асосий капитал қийматининг камайишини ифодалайди.

ЯИМ физик ҳажм индекси (ФҲИ) доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМни (реал ЯИМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

ЯИМ дефлятор индекси – иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ) реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

Даромадларнинг шаклланиши ҳисоби товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этувчи институционал резидент-бирликларда бирламчи даромадларнинг шаклланишини акс эттиради. У қўшилган қийматни ресурс сифатида турли ишлатилиш соҳаларида тақсимланишини кўрсатади. Уларга ишчиларнинг иш ҳақи, солиқлар ва субсидиялар киради. Ҳисобнинг мувозанатловчи моддаси ялпи фойда ҳисобланади, уй хўжаликлари учун у ялпи аралаш даромад сифатида қаралади.

Ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш – ҳисобот даврида бажарган иши учун ёлланма ишчига иш берувчи томонидан пул ёки натура кўринишида тўланадиган ҳақ.

Ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар – бу давлат бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқарувчи бирликлардан товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва импорт қилиш ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлик учун ундириладиган мажбурий беғараз қайтарилмайдиган тўловлардир. Улар маҳсулотлар учун солиқлар ва ишлаб чиқаришга бошқа солиқлардан иборат.

Маҳсулотлар учун солиқлар – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар – ишлаб чиқариладиган ёки сотиладиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ва қийматидан қатъий назар, корхоналар ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун тўлайдиган барча солиқлар.

Соф солиқлар – бу субсидияларни айириб ташлаган ҳолда солиқлар.

Субсидиялар – бу давлат корхоналарга уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан келиб чиқиб, амалга оширадиган беғараз тўловлардир. Субсидиялар якуний истеъмолчиларга тўланмайди. Улар ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар ва инвестицион субсидияларга ажратилади.

Ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар - бу давлат томонидан корхоналарга товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, сотиш ва импорт қилиш ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлик учун маълум бир иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун ўтказиб берадиган жорий бегараз қайтарилмайдиган тўловлардир. Улар маҳсулотлар учун субсидиялар ва ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялардан иборат.

Маҳсулотлар учун субсидиялар – бу давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

Ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялар корхоналар ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганликлари учун давлат бошқаруви томонидан оладиган маблағлар (субсидиялар)дан ташкил топади.

Ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар асосий капитал жамғарилишини молиялаштиришга қаратилган **инвестицион субсидияларни** ўз ичига олмайди, улар капитал трансфертларга киритилади.

Ялпи фойда қўшилган қийматнинг ёлланма ишчиларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар ҳамда ишлаб чиқаришга ва импортга соф солиқларни чегириб ташлангандан сўнг ишлаб чиқарувчиларда қоладиган қисмини ифодалайди.

Уй хўжаликларига тегишли бўлган нокорпоратив корхоналар учун **ялпи аралаш даромад** иш учун тўланадиган мукофот қисмини ташкил этадиган, эгаси ёки тадбиркор даромадидан ажратиб бўлмайдиган мувозанатловчи моддадир.

Бирламчи даромадларнинг тақсимланиши ҳисоби кимлар ишлаб чиқариш фаолиятидан ва мулкдан даромад олаётганини кўрсатади. Даромадларнинг шаклланиши ҳисобида мувозанатловчи модда бўлган ялпи фойда (ялпи аралаш даромад) тақсимланиш ҳисобида ресурс сифатида кўрилади. Шунингдек, ҳисобнинг ресурс қисмида ишчиларнинг иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар (субсидияларни айириб ташлаган ҳолда) ва мулкдан олинган даромадлар акс эттирилади. Ишлатилиш қисмида тўлаб берилган мулкдан олинган даромадлар кўрсатилади.

Мулкдан олинадиган даромад – институционал бирликлар томонидан молиявий активлар, ер ва бошқа номолиявий ишлаб чиқарилмаган активлар (табиий бойлик ва бошқа табиий активлар, патентлар, лицензиялар ва бошқалар)дан фойдаланишдан олинадиган ёки тўланадиган даромадлардир.

Бирламчи даромадларнинг сальдоси институционал резидент-бирликларда уларни ишлаб чиқаришдаги иштироки натижасида шаклланадиган ва мулкдан оладиган даромадларини ифодалайди. У резидент-бирликлар томонидан олинган ва тўланган жами бирламчи даромадларнинг фарқи орқали аниқланади. Жами иқтисодиёт учун бирламчи даромадларнинг сальдоси ялпи миллий даромадга тенг.

Бозор нархларидаги **ялпи миллий даромад (ЯМД)** тўлаб берилган бирламчи даромадларни айирган ҳолда резидент-бирликлар томонидан олинган бирламчи даромадларнинг (ишлаб чиқариш фаолиятдан ва мулкдан олинган даромадлар: меҳнатга ҳақ тўлаш, дивидендлар, фоизлар, рента ва бошқалар) йиғиндиси бўлиб, ташқи дунёдан олинган бирламчи даромадлар сальдоси ҳам ҳисобга олинади.

Ялпи миллий даромад ялпи ички маҳсулотдан институционал бирликлар – резидентларнинг бошқа давлатлардан олинган бирламчи даромадлари ҳажмидан улар томонидан бошқа давлатларга берилган худди шундай даромадларнинг айирмасига фарқ қилади.

Даромадларнинг иккиламчи тақсимланиши ҳисоби жорий трансфертлар тушуми ва тақдим этилиши натижасида ихтиёрдаги даромадни шаклланишини акс эттиради. Бу ҳисоб секторлар ва жами иқтисодиёт бўйича тузилади, ва резидентлар ўртасидаги ҳамда

резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги операцияларни акс эттиради. Ҳисобнинг мувозанатловчи моддаси бўлиб, истеъмол ва жамғаришга йўналтирилган ихтиёрдаги даромад ҳисобланади.

Ихтиёрдаги даромад институционал бирлик якуний истеъмол ва жамғариш учун эга бўлган даромадини ифодалайди. У бирламчи даромадлар сальдосидан жорий трансфертлар сифатида тақдим этилган даромадларни айлантириб, олинган жорий трансфертларни қўшилганига тенг бўлади. Жами иқтисодиёт учун ихтиёрдаги миллий даромад ялпи миллий даромадга норезидентлардан олинган ва уларга тўлаб берилган жорий трансфертларнинг сальдосини қўшиш орқали аниқлаш мумкин.

Трансферт бу институционал бирлик товар, хизмат ёки (молиявий ёки номолиявий) активни бошқа бирликка унинг эвазига товар, хизмат ёки актив кўринишидаги тўловни олмасдан тақдим этиши кўринишидаги операциядир. Жорий ва капитал трансферт турлари мавжуд бўлиб, улар пул ва натура кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Жорий трансфертлар қуйидаги асосий турларга бўлинади: даромадларга, бойликка ва бошқаларга, жорий солиқлар, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ижтимоий нафақалар, ихтиёрий бадаллар ва капитал кўринишга эга бўлмаган совғалар, жарималар ва бошқаларга.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисоби ихтиёрдаги даромадни якуний истеъмол ва жамғаришга тақсимланишини кўрсатади. Ҳисобнинг ресурс қисмида ихтиёрдаги даромад, ишлатилиш қисмида якуний истеъмолга харажатлар кўрсатилади. Ҳисобнинг мувозанатловчи моддаси жамғариш, яъни ихтиёрдаги даромаднинг якуний истеъмолга сарфланмаган қисми бўлади.

Якуний истеъмол резидент-уй хўжаликлари, давлат бошқаруви органлари ва уй хўжаликлари хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг якуний истеъмолга харажатларининг йиғиндисидан иборат.

Уй хўжаликларининг якуний истеъмоли уларнинг истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олишга харажатлари ва уй хўжаликлари томонидан давлат бошқаруви органлари ва нотижорат ташкилотлардан ижтимоий трансфертлар сифатида натура кўринишида бепул олган товарлар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади.

Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмоли соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат бюджет муассасаларининг уй хўжаликларига яқка тартибдаги хизматларни кўрсатишга харажатлари, ҳамда бошқарув, муҳофаза, илм-фан ва бошқалар, бюджет ташкилотларининг жамиятга жамоавий хизматларни тақдим этиш харажатларини ўз ичига олади.

Уй хўжаликлари хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг якуний истеъмоли давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмоли билан бир хил, шу билан бирга, шартли равишда улар фақат яқка тартибдаги товарлар ва хизматларни тақдим этишади деб ҳисобланади.

Капитал билан операциялар ҳисоби институционал резидент-бирликларнинг операциялардаги иштироки натижасида сотиб олинган ёки сотилган номолиявий активлар қийматини ифодалайди ҳамда жамғарма ва капитал трансфертлар ҳисобига капитал соф қийматидаги ўзгаришни акс эттиради. Бу ҳисоб иқтисодиётнинг қайси секторлари бошқа секторларга маблағлар тақдим этиш билан инвестицияларни молиялаштираётганлигини кўриш имконини беради. Ҳисобнинг мувозанатловчи моддаси соф кредитлаш (+) ёки соф қарздорлик (-).

Ялпи жамғарилиш жорий даврда ишлаб чиқарилган, лекин истеъмол қилинмаган товарлар ва хизматларни резидент бирликлар томонидан соф сотиб олишини кўрсатади. Ялпи жамғариш асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалар захирасининг ўзгариши ва қимматбаҳо буюмларни соф сотиб олишини ўз ичига олади.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши – бу ҳисобот даврида ишлаб чиқарувчи томонидан сотиб олинган асосий фондлар (чиқиб кетган асосий фондлар қийматини айирган ҳолда) ва ишлаб чиқарилмайдиган активларнинг қийматини оширувчи баъзи хизматлар учун харажатларнинг умумий қиймати.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши қуйидагилардан иборат:

- ҳисобот даври давомида ишлаб чиқарувчи томонидан асосий фондларнинг сотиб олинishi (чиқиб кетган асосий фондлар қийматини айирган ҳолда) қиймати;
- ишлаб чиқарилмайдиган активларни яхшилашга харажатлар (масалан, ер);
- ишлаб чиқарилмаган активларга эгалик ҳуқуқини ўтказиб бериш бўйича харажатлар.

Номолиявий активлар – ишлаб чиқарилган (асосий фондлар, моддий айланма воситалар ва қимматбаҳо буюмлар) ва ишлаб чиқарилмайдиган активларни ўз ичига олувчи активлар.

Моддий айланма воситалар – жорий ёки олдинги даврларда пайдо бўлган ва кейинчалик сотиш, ишлаб чиқариш жараёнида ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган товар ва хизматларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқарилган активлардир.

Қимматбаҳо буюмлар – бу нархи бир мунча юқори бўлган ишлаб чиқарилган товарлар бўлиб, асосан ишлаб чиқариш ёки истеъмол мақсадларида фойдаланилмайди, лекин қанчадир муддат мобайнида захира сифатида сақланади.

Ишлаб чиқарилмайдиган номолиявий активлар – ишлаб чиқариш жараёнининг маҳсули бўлмаган активлар (табiiй ресурслар; битимлар, ижара шартномалари, лицензиялар; эришилган гудвилл ва маркетинг активлари).

Моддий айланма воситалар захирасининг ўзгариши ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва қайта сотиш учун товарларнинг ўзгаришини ўз ичига олади.

Захиралар қийматининг жорий даврда ўзгариши захиралар қийматининг ҳисобот даври боши ва охиридаги тафовути орқали ҳисобланади. Бунда нархлар ўзгариши таъсир этмаслиги учун захиралар ҳисобот даврининг ўртача бозор нархларида баҳоланади.

Капитал трансфертлар – бу ёки трансфертни амалга оширувчи тараф активларни ўтказиб бериш (нақд пул воситалари ва моддий айланма воситалардан ташқари) ё молиявий талабни тўлаш (дебитор қарздорликдан ташқари) йўли билан тегишли ресурслардан фойдаланадиган, ёки трансферт олувчи тараф айрим активларни (нақд пул воситаларидан ташқари) сотиб олиши керак бўлган, ёки икки шарт ҳам амалда бўлган ҳолатдаги беғараз трансфертлар.

Капитал трансфертлар одатда бир марталик ва қиймат жиҳатидан муҳим операциялар ҳисобланади, ҳамда операция иштирокчиларини активлар сотиб олиши ёки сотиши билан боғлиқ бўлади. Уларга капитал учун солиқлар, инвестицион субсидиялар, бошқа капитал трансфертлар киради.

Қимматбаҳо буюмларнинг соф сотиб олинishi уларнинг сотиб олинishi ва чиқиб кетиши орасидаги фарқ орқали аниқланади. Қимматбаҳо буюмлар қимматбаҳо металллар ва тошлар, антиқа буюмлар ва бошқа бадий буюмларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқарилмаган активларни соф сотиб олинishi шу кўринишдаги сотиб олинган активлардан чиқиб кетган активларни чегириб ташлаш йўли билан аниқланади. Ишлаб чиқарилмаган активларга эгалик ҳуқуқининг топширилиши билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқарилган активлар сифатида қаралади ва асосий капитал ялпи жамғарилишининг алоҳида тоифаси сифатида акс этади. Шунингдек, ерларни яхшилаш ва ерга эгалик ҳуқуқининг топширилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши таркибида кўрсатилади ва асосий фондлар сифатида акс этади.

Соф кредитлаш (+) ёки соф қарздорлик (-) молиялаштириш манбаларининг номолиявий активларни соф сотиб олинишига харажатларга нисбатан ошиб кетиши ёки танқислигини акс эттиради.

Жами иқтисодиёт учун «соф кредитлаш ёки соф қарздорлик» кўрсаткичининг қиймати мусбат сальдо бўлганда «ташқи дунё»га кредит кўринишида тақдим этилган, манфий сальдо бўлганда эса «ташқи дунё» секторидан қарзга олиниши керак бўлган ресурслар ҳажмини кўрсатади.

Муассаса – бу корхона ёки корхонанинг бир қисми бўлиб, у бир ерда жойлашган ва бир турдаги ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлади ёки асосий фаолият турига қўшилган қийматнинг устун ҳиссаси тўғри келади.

Асосий фаолият ишлаб чиқариш бирлигининг шундай фаолиятини тавсифлайдики, унинг жараёнида яратилган қўшилган қиймат миқдори айнан ўша бирликнинг шунга ўхшаш бошқа ҳар қандай фаолиятлари натижасида яратилган қўшилган қийматлари миқдоридан катта бўлади.

Иккиламчи фаолият – асосий фаолиятнинг ишлаб чиқариши каби ушбу ишлаб чиқариш бирлигидан ташқарига маҳсулот етказиб берадиган, асосий фаолият билан биргаликда, ишлаб чиқариш бирлигининг ичида амалга ошириладиган фаолият.

Асосий нарх – ишлаб чиқарувчи томонидан харидордан товар ёки хизматнинг бирлиги учун олиниши лозим бўлган, маҳсулот ишлаб чиқарилиши ёки сотилиши натижасида тўланиши лозим бўлган ҳар қандай солиқни айириб, олинadиган ҳар қандай субсидияларнинг қўшилганига тенг бўлган нарх. У ишлаб чиқарувчи томонидан ҳисобварақ-фактураларда алоҳида кўрсатиладиган ҳар қандай транспорт харажатларини ўз ичига олмайди.

Сотиб олиш нархи – сотиб олувчи томонидан белгиланган вақтда ва белгиланган жойга етказиб берилган товар ёки хизмат бирлиги учун тўланадиган нарх. У товарни етказиб бериш бўйича савдо-воситачилик ва транспорт харажатларини, шунингдек, сотиб олувчи томонидан тўланадиган маҳсулотлар учун солиқларни ўз ичига олади, аммо маҳсулотларга субсидияларни ва чегириб ташланадиган қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ўз ичига олмайди.

Иқтисодий аҳамиятга эга нархлар – ишлаб чиқариш харажатларини қопловчи ва етарлича фойдани таъминловчи бозор нархларидир. Бу нархлар, ишлаб чиқарувчилар етказиб бермоқчи бўлган ва истеъмолчилар сотиб олмоқчи бўлган маҳсулотлар миқдорига сезиларли таъсир кўрсатади.

Савдо устамаси товар қийматини савдо фаолияти орқали уни сотиш жараёнида ўзгариши миқдорини ўзида акс эттиради, яъни товарни сотиш ва сотиб олиш нархлари орасидаги фарқдир.

Транспорт устамаси товарларнинг бозор нархига киритиладиган ва сотиб олувчилар томонидан тўланадиган транспорт хизматлари қийматини ўзида акс эттиради.

Иқтисодий фаолият тури – моддий ресурслар, ускуналар, меҳнат, технологиялар воситасида бир турдаги маҳсулотлар (товарлар ёки хизматлар) тўпламини ҳосил бўлиши жараёни.

Институционал бирлик – ўз номидан активларга эга бўла оладиган, мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган, иқтисодий фаолият ва бошқа бирликлар билан операцияларни амалга ошира оладиган ҳўжалик юритувчи субъектдир.

Бутун иқтисодиётни ташкил қилувчи резидент институционал бирликлар бир-биридан фарқланувчи бешта **институционал секторларга** гуруҳланади:

- а) номолиявий корпорациялар;
- б) молиявий корпорациялар;
- в) давлат бошқаруви органлари;

г) уй хўжаликлари;

д) уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар.

Иқтисодиётнинг институционал сектори – иқтисодиётда бажарадиган вазифалари ва молиялаштириш манбалари бир хил бўлган институционал бирликларнинг мажмуи бўлиб, уларнинг иқтисодий фаолиятини ўхшаш бўлишини талаб қилади.

Номолиявий корпорациялар сектори – асосий вазифаси бозорда сотиш ва фойда олиш мақсадида бозорбоп товарларни ишлаб чиқариш ҳамда номолиявий хизматлар кўрсатиш ҳисобланган институционал бирликлар.

Молиявий корпорациялар сектори – молиявий воситачилик билан банд бўлган ва унга боғлиқ ҳолда кўрсатиладиган бошқа молиявий хизматларни тижорат асосида тақдим этадиган институционал бирликлар.

Давлат бошқаруви сектори – якка тартибдаги ёки жамоавий истеъмол учун асосан нобозор хизматлар кўрсатадиган (ёки товарлар ишлаб чиқарадиган), шунингдек даромадларни қайта тақсимлайдиган институционал бирликлар. Ушбу бирликларнинг маблағлари бошқа секторларга тегишли бўлган институционал бирликлар томонидан тўланадиган солиқлар ва ажратмалар, шунингдек мулкдан олинадиган даромадлар ҳисобига шаклланади.

Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар (УХХКНТ) сектори – уй хўжаликларига нобозор хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган (жамоат бирлашмалари, ижодий ва касаба уюшмалари, диний ташкилотлар, хайрия жамғармалари; алоҳида балансга эга бўлган ва соғлиқни сақлаш, таълим, маданият тизимида хизмат кўрсатувчи юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари), асосий ресурс манбаси ташкилот маблағлари, улар аъзоларининг бадаллари ҳисобланадиган институционал бирликлар.

Уй хўжаликлари сектори асосий вазифалари ишчи кучи таклифи ва якуний истеъмол, шунингдек сотиш ва ўзи фойдаланиш учун товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш бўлган барча резидент уй хўжаликларини ўз ичига олади.

Меҳнат унумдорлиги индекси ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи бўлиб, у меҳнат унумдорлиги ўзгаришини тавсифлайди.

Меҳнат унумдорлиги – фойдаланилган меҳнат ресурслари бирлиги учун тўғри келадиган ишлаб чиқариш ёки ялпи қўшилган қийматни тавсифлайдиган ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.

Дискрет чорак бу ўсиб боровчи қийматга эга бўлмаган, уч ойдан иборат бўлган “соф” чоракдир (масалан, I-чорак, II-чорак, III-чорак, IV-чорак. Ўсиб боровчи қийматга эга бўлган январдан мартгача, январдан июнгача, январдан сентябргача ва ҳоказо даврлар дискрет чораклар ҳисобланмайди).

Экстраполяция қилиш бу базис даврнинг иқтисодий фаолият тури ёки истеъмол элементи бўйича жорий нархлардаги маълумотларини физик ҳажм индексига ёки тегишли иқтисодий фаолият тури ёки истеъмол элементининг ривожланиш динамикасини мос ҳолда акс эттирувчи натурал индикаторга кўпайтиришдир.

Туризм ёрдамчи ҳисоби – тегишли кўрсаткичлар ёрдамида туризм тармоғидаги махсус маълумотларни қўшимча таҳлил қилиш мақсадида ишлаб чиқилган тушунчалар, таснифлар, таърифлар, жадваллар ва умумлаштирилган кўрсаткичларнинг халқаро миқёсда қабул қилинган тизими.

Туризм тармоғи – туризм тармоғи ва одатий сайёҳлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодий фаолият турлари йиғиндиси.

Туризм тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат – ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар туристлар учун мўлжалланган ёки мўлжалланмаганлигидан қатъий назар,

туризм тармоғига кирувчи барча ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган қўшилган қийматлар йиғиндисидир.

Киришга оид туризм бўйича истеъмол норезидент ташриф буюрувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудидаги истеъмолини ўз ичига олади.

Чиқишга оид туризм бўйича истеъмол резидент ташриф буюрувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудидан ташқаридаги истеъмолини ўз ичига олади.

Ички туризм бўйича истеъмол резидент ташриф буюрувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудидаги истеъмолини ўз ичига олади.

Мамлакат ичидаги туризм бўйича истеъмол резидент ва норезидент ташриф буюрувчиларнинг мамлакат иқтисодий ҳудудидаги истеъмолини ўз ичига олади.

Молиявий воситачилик ишлаб чиқариш фаолияти тури бўлиб, ушбу фаолият давомида молиявий воситачилар харажатларни ва маълум таваккалчиликни ўз зиммасига олган ҳолда қабул қилинган молиявий мажбуриятларни молиявий активларга айлантиради. Молиявий воситачиларга тижорат банклари, лизинг компаниялари, инвестиция жамғармалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа молиявий муассасалар киради.

Иқтисодий жиҳатдан аҳамиятсиз нархлар бу – товарлар ва хизматларнинг талаб ва таклифига таъсир қилмайдиган (ёки деярли таъсир қилмайдиган) нархлар.

Натура шаклидаги иш ҳақи – иш учун зарур бўлмаган ва ходимлар ўз эҳтиёжларини ёки уй хўжаликларининг бошқа аъзолари эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлардан иборат натура шаклидаги мукофот.

Натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар – давлат бошқаруви органлари ва УХХКНТ томонидан уй хўжаликларига натура шаклида бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархлардаги трансфертлар сифатида тақдим этиладиган индивидуал истеъмол товарлари ва хизматларининг қийматини англатади.

Тўлов баланси – маълум бир вақт давомида резидентлар ҳамда норезидентлар ўртасидаги иқтисодий операцияларни жамланган ҳолда ифодаловчи тизимлаштирилган акроиктисодий ва статистик ҳисобот.

2. Тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси

2.1. Банк ва суғурта фаолияти

Банк – банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс/

Банклар гуруҳи – молия институтларининг юридик шахс бўлмаган бирлашмаси бўлиб, бунда асосий банк бошқа молия институтларини назорат қилади;

Банк ҳисобварағи – банк томонидан шартномага мувофиқ мижозга очилган ҳисобварақ бўлиб, унга кўра банк мижознинг ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ҳамда бериш ва ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш мажбуриятини зиммасига олади;

Банкнинг барқарор молиявий ҳолати – банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблигини, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, шунингдек барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилишини ифодаловчи ҳолати;

Билвосита эгалик қилувчи (олувчи) – банкнинг акцияларига ўзи назорат қиладиган бошқа шахс орқали эгалик қилувчи (акцияларни олувчи) шахс;

Муҳим аҳамиятга эга ходимлар – банкнинг бошқарув аъзолари бўлмаган, лавозими банк фаолиятига муҳим таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ходимлари;

Мўлжалланган олиш – потенциал олувчи томонидан банк акцияларини олиш ёки уларга ҳал қилувчи эгалик қилишни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган қарор;

Охирги бенефициар мулкдор – юридик шахс бўлган, банк акцияларининг потенциал олувчисига ёки бу акцияларга бевосита ёхуд билвосита эгалик қилувчига бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс;

Пруденциал назорат – банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларининг олдини олиш ва камайтириш мақсадида банклар фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалга оширадиган назорат;

Регулятив капитал – банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали;

Тизимли аҳамиятга молик банк – банк тизимининг барқарорлиги қайси банкнинг фаолиятига боғлиқ бўлса, ўша банк;

Чет эл банки – чет давлатнинг ҳудудида рўйхатга олинган, унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ банк деб ҳисобланадиган юридик шахс;

Ҳал қилувчи эгалик – шахс томонидан ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар томонидан юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) бир ёхуд бир неча битим натижасида олинган камида беш фоизига бевосита ёки билвосита эгалик қилиш.

Қуйидаги шартларнинг барчасига мувофиқ бўлган, қўйилган пул маблағлари **омонатдир (депозитдир)**:

мижознинг талабига биноан ёки муддат ўтганидан кейин фоизлар ёхуд бошқа даромадлар билан ёки уларсиз ёхуд омонатчи ёки унинг ваколатли вакили ва пул маблағларини қабул қилувчи банк ўртасида, келишилган шартлар асосида қайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари;

субординар қарзга, эгалик қилиш ҳуқуқларига ёки хизматларига, шу жумладан суғурта хизматларига тааллуқли бўлмаган пул маблағлари;

пул маблағларини қабул қилувчи банкнинг тегишли ҳужжати билан ёзма шаклда тасдиқланган пул маблағлари.

Пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш бўйича фаолият билан шуғулланишга фақат банклар ҳақли.

Қисқа муддатли кредитлар – бу кредит ташкилотлари томонидан 12 ойгача бўлган муддатга берилган кредитлар.

Узоқ муддатли кредитлар – бу кредит ташкилотлари томонидан 12 ойдан ортиқ муддатга берилган кредитлар.

Факторинг - банкка аксептланган, бироқ тўловчи томонидан тўланмаган етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун тўлов талабномаси асосида регресс ҳуқуқисиз тўловларни қабул қилиш орқали мол етказиб берувчини молиялаштириш хизматидир.

Лизинг – молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Пул маблағлари - кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинadиган депозитлар, шунингдек банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисоб-варақларидаги маблағлар.

Пул эквивалентлари - маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда кийматидаги ўзгаришлар туфайли бироз хатари бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар).

Валюта курси фарқи - хорижий валютанинг миллий валютага нисбатан айирбошлаш курсининг ўзгариши муносабати, амалга ошириладиган операциялар натижасида юзага келадиган фарқ (ижобий, салбий).

Фоишлар - ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятлари бўйича даромадлар, шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек депозитлар ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича даромадлар.

Акция – ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз;

Ахборотни ошкор қилиш – қимматли қоғозлар бозорида манфаатдор шахсларнинг ахборотни қайси мақсадда олишидан қатъий назар, мазкур ахборотдан унинг топилиши ва олинишини кафолатлайдиган шаклларда фойдаланишини таъминлаш;

Вексель – вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир қатъий мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;

Давлат қимматли қоғозлари – Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган томонидан чиқарилган облигациялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари;

Депозит ҳисобварағи – депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган, инвестиция воситачисининг ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар йиғиндиси;

Депозит ҳисобварағидан кўчирма – депонентнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан бериладиган ҳужжат;

Депозитар операциялар – ҳисобга олиш регистрларида депозитар операциялар стандартларига мувофиқ бажариладиган операциялар;

Депозитар тилхатлар – номинал қийматга эга бўлмаган қимматли қоғоз бўлиб, у тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг муайян сонига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқлайди ва унинг эгасининг ушбу қимматли қоғоз эмитентидан депозитар тилхат ўрнига тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг тегишли сонини олишини ҳамда тақдим этиладиган қимматли қоғозлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқларнинг депозитар тилхат эгаси томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди;

Депозит сертификати – банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;

Депонент – депо ҳисобварағига эга бўлган шахс;

Инвестиция активлари – қимматли қоғозлар, пул маблағлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция активлари деб эътироф этиладиган бошқа мол-мулк;

Инвестор – қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан оловчи юридик ёки жисмоний шахс;

Инфратузилма облигациялари – ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва бошқа инфратузилмани барпо этиш ва (ёки) реконструкция қилишни молиялаштириш учун пул маблағларини жалб этиш мақсадида хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналари томонидан чиқариладиган облигациялар;

Клиринг – қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари томонидан рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича ўзаро мажбуриятларни аниқлаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олиш;

Корпоратив облигациялар – акциядорлик жамиятлари ва ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар тижорат банклари томонидан чиқариладиган облигациялар;

Маркет-мейкер – қимматли қоғозларга доир нархлар, талаб ва таклиф даражасини сақлаб туриш учун биржа битимларини тузиш мажбуриятини ўз зиммасига олган инвестиция воситачиси;

Неттинг – мижознинг барча пул талабларини унинг барча пул мажбуриятларига нисбатан ҳисобга олиш орқали амалга ошириладиган клиринг усули;

Ноэмиссиявий қимматли қоғозлар – ушбу Қонунга мувофиқ эмиссиявий қимматли қоғозлар тушунчасига оид бўлмаган қимматли қоғозлар;

Облигация – эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулккий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулккий ҳуқуқларини тасдиқлайди;

Халқаро облигация – сотиладиган эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у эмитент томонидан чиқарилади ва молиявий ташкилотларнинг гуруҳи томонидан жойлаштирилади, эмитентнинг мамлакатидан ташқари бир ёки ундан кўпроқ давлатда таклиф этилади, бирламчи равишда (шу жумладан обуна бўйича) фақат ушбу гуруҳ орқали сотиб олинади;

Опцион – эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди;

Фонд биржаси – оммавий ва ошкора биржа савдоларини олдиндан белгиланган жойда ва белгиланган вақтда ўрнатилган қоидалар асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиш орқали фақат қимматли қоғозлар савдоси учун шароитлар яратиб берувчи юридик шахс;

Эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар – мулкый ҳуқуқларнинг реализация қилиниши ўз эгасининг рўйхатдан ўтказилган бўлишини талаб этадиган қимматли қоғозлар;

Эмиссиявий қимматли қоғозлар – битта чиқарилиш доирасида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар;

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестри – рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг рўйхати;

Эмитент – эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари – эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар эмиссиявий қимматли қоғозлар эгалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига пул маблағлари киритганлигини тасдиқлайди ва бу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати мобайнида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини беради;

Қимматли қоғозлар – ҳужжатлар бўлиб, улар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкый ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутди;

Қимматли қоғозлар бозори – юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлари тизими;

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари – қимматли қоғозларнинг эмитентлари, қимматли қоғозларнинг эгалари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, шунингдек биржалар ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси;

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси – қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг мижози (мижоз) – депонент ёки қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг хизматларидан фойдаланувчи бошқа шахс;

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият – қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича лицензияланадиган фаолият тури;

Қимматли қоғозларга доир битимлар – қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси, ҳадяси, мероси, устав фондига киритилиши ва қимматли қоғозлар эгасининг алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар, шунингдек қимматли қоғозлар гарови;

Қимматли қоғозларга доир фьючерс – қимматли қоғоз бўлиб, у ўзида назарда тутилган муддатда қимматли қоғозларнинг муайян сонини қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқлайди;

Қимматли қоғозларни жойлаштириш – қимматли қоғозларни уларнинг дастлабки эгаларига бериш;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси – депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларни сақлашнинг, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг ва эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминловчи давлат депозитарийси;

Қимматли қоғозларнинг муомаласи – қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар;

қимматли қоғозларни номинал сақловчи – қимматли қоғозлар эгасининг ёки у вакил қилган шахснинг топшириғига кўра қимматли қоғозларни ҳисобга олишни ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда амалга оширувчи инвестиция воситачиси, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси;

Қимматли қоғозларни чиқариш – юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида қимматли қоғозлар пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари;

Қимматли қоғозлар эгаси – қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри – рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга қарашли эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар эмитентининг номи, ушбу қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати, тури ва хили, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборот юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхати;

Қимматли қоғозлар эмиссияси – эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш;

Қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласи – эмитент ва у чиқарадиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек инвесторнинг қимматли қоғозлар олиш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ахборотни акс эттирувчи ҳужжат;

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан опционлар, қимматли қоғозларга доир фьючерслар, депозитар тилхатлар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлар;

Ҳисобга олиш регистрлари – инвестиция воситачисида ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида қимматли қоғозларни сақлаш ҳамда қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича депозитар операциялар стандартлари билан белгиланган ёзувлар тизими.

Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан, шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

Суғурталовчи деб тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс эътироф этилади.

Суғурта агенти суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активлари – суғурталовчи (қайта суғурталовчи) назоратида бўлган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолияти натижасида олинган иқтисодий ресурслар;

Давсуғуртаназорат – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси;

Қайта суғурта қилиш шартномаси – шартнома бўлиб, унга мувофиқ, қайта суғурталовчи қайта суғурта қилиш шартномасида келишилган тўлов (қайта суғурта мукофоти) эвазига қайта суғурта қилиш шартномаси шартлари асосида қайта суғурта

қилдирувчининг суғурта шартномаси бўйича аниқланган суғурта товонини (суғурта суммасини) тўлаш мажбурияти билан боғлиқ харажатларини тўлиқ ёки қисман қайта суғурта қилдирувчига (ёки у томонидан кўрсатилган бошқа шахсга) қоплаб бериш мажбуриятини олади;

Ҳисобланган суғурта мукофоти – пул маблағлари қачон олинганлигидан қатъий назар, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган суғурта мукофоти (қайта суғурта мукофоти);

Ҳисобланган суғурта товони – пул маблағлари қачон тўланганлигидан қатъий назар, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган суғурта товони;

Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади;

Улгуржи савдо товар айланмаси – тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди;

Товар захиралари – товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналар балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиги.

Товар айланмасининг товар тузилмаси – умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат, яъни товар айланмаси таркиби.

Умумий овқатланиш – юридик шахслар томонидан пазандачилик маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ва истеъмолини ташкил қилишга ихтисослаштирилган фаолиятни амалга ошириш.

Аҳоли жон бошига умумий овқатланиш – чакана савдо товарайланмасининг давр учун ўртача аҳоли сонига нисбати тўғрисидаги кўрсаткич.

Савдо тармоғининг жипслиги – Аҳолининг савдо корхоналари билан таъминланганлик даражасини кўрсатувчи кўрсаткич. Савдо тармоғи жипслиги 2 хил усулда ҳисобланади: 1) аҳоли сонининг бир корхона нисбати, 2) корхоналар сонининг 10 минг аҳолига нисбати.

Умумовқатланиш айланмаси жойида аҳолига истеъмол учун, шунингдек турли контингентдаги аҳолини овқатланишини ташкил қилиш учун ташкилот ва якка тадбиркорларга ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини (таом, кулинария маҳсулотлари ва яримфабрикатлар), шунингдек кулинария ишловисиз сотиб олинган товарларни (унли, қандолатли ва нон маҳсулотлари) сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

Товар – ҳар қандай кўчар мулк, шу жумладан валюта ва қийматлари, электр, иссиқлик ва бошқа турдаги энергия воситалари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташувчи транспорт воситалари, контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари.

Резидентлар – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар, дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек иқтисодий ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ташкилотлари ваколатхоналари.

Божхона тузуми – Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган, божхона мақсадлари учун товарлар ва транспорт воситалари белгисини аниқлайдиган қоидалар тўплами.

Товарлар экспорти – Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан товарларни қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса.

Товарлар импорти – Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига товарларни олиб кириш, уларни қайта олиб чиқиш мажбуриятисиз;

Ташқи савдо айланмаси – муайян давр учун мамлакат экспорти ва импорти қийматининг миқдори.

Товарлар келиб чиққан мамлакат – маҳсулот тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишланган мамлакат (товарларнинг етарли даражада қайта ишлаш мезонлари “Божхона тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 360 моддасига мувофиқ белгиланади).

Товарлар юбориладиган мамлакат – товарларни етказиб бериладиган сўнгги мамлакати сифатида жўнатиладиган пайтда маълум бўлган мамлакат.

СИФ (харажат, суғурта, юк) – товарларнинг сотилиш нархига, унинг нархини ва суғурта қилиш шунингдек товарни импорт қилувчи мамлакат портига етказиб бериш харажатларини қўшиш шарти асосида товарларни сотиш.

СИП (кемада ташиш/ташиш ва суғурта) – товарларнинг сотилиш нархига, унинг нархини ва суғурта қилиш шунингдек товарни импорт қилувчи мамлакат чегарасида белгиланган манзилига етказиб бериш харажатларини қўшиш шarti асосида товарларни сотиш;

ФОВ (кемада бепул) – товарларнинг сотилиш нархига, унинг нархини ва товарни кема бортига етказиб бериш ва юклаш харажатларини қўшиш шarti асосида товарларни сотиш;

ДАФ (чегарага етказиб бериш) – товарларнинг сотилиш нархига, унинг нархини ва товарни экспорт қилувчи мамлакат чегарасида белгиланган манзилига ёки қўшни мамлакат чегарасига етказиб бериш харажатларини қўшиш шarti асосида товарларни сотиш.

Саралаш – умумий жамининг вакиллик қисми;

Бош жамланма – сифат белгилари ва миқдорий ўзгаришларга эга барча ўрганилаётган объектлари ва жамият ҳодисалари;

Координатор – кузатувни ташкил этиш, сифатини таъминлаш ва кузатув систематик ҳолатини назорат қилувчи жавобгар мутахассис;

Респондент – социологик ёки бошқа сўровномада иштирок этувчи шахс;

Савдо объекти – савдо ҳажми, иморат ўлчами, мулкчилик шаклидан қатъий назар товар ва хизматларни сотиш учун мўлжалланган бино ва иншоотлар.

Чакана савдо объектларига: бозор, гипермаркет, супермаркет, савдо мажмуаси, савдо маркази, универсам, универмаг, минимаркет, гастроним, ихтисослаштирилган магазинлар, палаткалар, чакана савдо дўкончалари (лотоклар), автомагазинлар, павильонлар, киосклар, дўконлар киради;

Бозор – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда ва белгиланган қоидалар бўйича савдо фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, белгиланган тартибда ана шундай мақом олган доимий ёки вақтинчалик асосда фаолият кўрсатадиган мулккий комплекс;

Дехқон (озик-овқат) бозори – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тайинланган, кенг турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларнинг савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шохобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари)дан фойдаланган ҳолда чакана савдони ташкил этган доимий ёки вақтинча амал қилувчи мулккий комплекс;

Чорва моллари, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар бозори – тирик чорва, парранда ва бошқа ҳайвонлар билан савдо қилувчи юридик мақомга эга дехқон (озик-овқат) бозорининг алоҳида бўлинмаси.

Вақт қатори (динамика қатори, қатор динамикаси) – хронологик тартибда, вақт параметрининг хронологик тартибда тахланган кўрсаткич (белги) мазмунини кетма-кетлиги;

Мавсумий тебраниш – кучли ва аниқ ифодаланган иқтисодий кўрсаткичларнинг йил давомида такрорланувчи тебраниши;

Истеъмол товарлари – биринчи навбатда, шахсий истеъмол учун ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда ишлатиладиган саноат товарлари. Бу – инсон эҳтиёжларини бевосита қондиришга ҳамда оилавий ва шахсий истеъмолга мўлжалланган товарлардир.

Саноат товарларидан ташқари, истеъмол товарларига асосий қишлоқ хўжалигида етиштириладиган озиқ-овқат товарлари ҳам киради ва уларнинг баланс маълумотларидан ушбу услубий низомда фойдаланилади.

Истеъмол товарлари озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларига бўлинади.

Озиқ-овқат товарлари - истеъмол қилинадиган (озик-овқат) маҳсулотларни, спиртсиз ичимликларни, минерал сувларни ва бошқа идишдаги сувларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бу табиий ёки қайта ишланган шаклдаги инсон томонидан истеъмол қилинадиган озиқ-овқат (шу жумладан, болалар овқатлари, пархез овқатлар), сақичлар, озиқ-овқат ва биологик фаол қўшимчалар учун ишлатиладиган маҳсулотлар. Шу билан бирга, озиқ-овқат товарларига вино-ароқ ва пиво маҳсулотлари ҳам кириди.

Нооziқ-овқат товарлари тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар, чемоданлар, саквояжлар, аёллар сумкалари ва шунга ўхшаш буюмлар, маиший асбоблар, спорт товарлари, ўйинлар, ўйинчоқлар ва асосан шахсий истеъмол учун фойдаланиладиган бошқа нооziқ-овқат товарларини ўз ичига олади.

Истеъмол товарлар ресурси – маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқилган, импорт қилинган товарлар ва мавжуд захиралардаги товарларни жалб қилиниши ҳамда оралиқ истеъмол қилинган ва экспорт қилинган чакана савдога келиб тушувчи истеъмол товарлардир.

Товарлар ишлаб чиқариш – ҳисобот даврида иқтисодиётнинг резидент-бирликларининг ишлаб чиқариши натижасида ишлаб чиқилган товарларнинг умумий ҳажмидир.

Товарлар импорти – қайта экспорт мажбурияти олинмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган товарлар. Товарлар импорти импортер давлатнинг франко-чегара (СИФ) қийматида ҳисобга олинади, яъни импортер-давлат чегарасигача бўлган транспорт ва суғурта харажатлари товар қийматига қўшилади.

Товарлар экспорти – қайта импорт қилиш мажбурияти олинмаган Ўзбекистон Республикасидан ҳудудидан олиб чиқилган товарлар. Товарлар экспорти экспортер-давлат чегарасида франко-чегара (ФОВ) қийматида ҳисобга олинади, яъни экспортер-давлат чегарасигача бўлган транспорт харажати товар қийматига қўшилади.

Оралиқ истеъмол ишлаб чиқариш жараёнида харажат сифатида истеъмол қилинган товарлар ҳажмини ўз ичига олади. Бунда товарлар бошқа товарга айлантирилган ёки тўлиқ ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган бўлиши мумкин.

“Истеъмол товарлари” туркумини шакллантиришда қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилди:

а) БМТ ва МДХ Статистика комиссиясининг Халқаро савдо маълумотларини стандарт таснифлагичининг кенг иқтисодий категорияли товарларининг бўлимларига асосланган тавсиялари;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН - 2017);

в) иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ).

Ҳамкор-мамлакат – бу хизматларни экспорт қилишда хизматлар истеъмолчиси қайси мамлакатнинг резиденти бўлса шу мамлакат, хизматларни импорт қилишда эса хизматларни тақдим этувчи (кўрсатувчи) қайси мамлакатнинг резиденти бўлса шу мамлакат ҳисобланади;

Чакана савдо – савдо соҳасида фаолиятни амалга ошириш, товарларни тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз, аҳолига якуний истеъмол учун нақд тўловга доналаб ёки кичик миқдорларда реализация қилишни кўзда тутди;

Дехқон (озик овқат) бозори - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тайинланган, кенг турдаги кишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг ва уни қайта ишлашдан олиннадиган маҳсулотларнинг савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шохобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари)дан фойдаланган ҳолда чакана савдони ташкил этган доимий ёки вақтинча амал қилувчи мулкый комплекс;

Чорва моллари, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар бозори – тирик чорва, парранда ва бошқа ҳайвонлар билан савдо қилувчи юридик мақомга эга деҳқон (озиқ овқат) бозорининг алоҳида бўлинмасы.

Истеъмол товарлари - якуний истеъмолга (оилавий ёки шахсий) қаратилган, бевосита инсон эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар;

Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар - ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади;

Улгуржи савдо товар айланмасы - тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди;

Товар захиралари - товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналар балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиғи;

Товар айланмасининг товар тузилиши - товар айланмасы таркиби. умумий савдода нисбий кўрсаткич - жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмасы ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат.

Товар - ҳар қандай кўчма мулк, шу жумладан валюта ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик ва бошқа энергия турлари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташиш учун ишлатиладиган транспорт воситалари, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари.

Ўзбекистон Республикаси товарлари - Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар, ёки Ўзбекистон Республикасида эркин муомалага чиқарилган товарлар;

Хорижий товарлар - Ўзбекистон Республикаси товарлари ҳисобланмаган товарлар;

Резидентлар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги, дипломатик мақомдан фойдаланувчи дипломатик ва бонда ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг хўжалик ёки бошқа турдаги тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган чет элдаги ваколатхоналари;

Божхона режими - Ўзбекистон Республикаси чегаралари орқали олиб утилаётган товар ва транспорт воситаларининг божхона мақсадларида ҳолатини аниқлаш қоидалари мажмуи;

Ташқи савдо айланмасы - мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси;

Товарлар келиб чиққан мамлакат - товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат «Божхона тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26 - моддасига асосан аниқланади);

Товарларнинг белгиланган манзили - юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат;

СИФ (киймат, сугурталаш, фрахт) - товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кура товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакат портигача етказиб бериш харажатлари киритилади;

СИП (фрахт/гашиш ва сугурталаш) - товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кура товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакатнинг чегарасидаги белгиланган жойгача етказиб бериш харажатлари киритилади;

ФОВ (бортда эркин) - товарни сотиш шарти бўлиб, унга кура товар нархига унинг қиймати ва товарни кема бортигача етказиб бериш ва юклаш харажатлари киритилади;

ДАФ (чегарагача етказиб бериш) - товарни сотиш шарти бўлиб, унга кура товар нархига унинг қиймати ва товарни белгиланган жойгача ёки экспорт қилувчи мамлакат чегарасидаги жойгача ёхуд қўшни мамлакат чегарасигача етказиб бериш харажатлари киритилади;

4.2. Савдо

Улгуржи савдо - тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пульсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

Бошқа шахслар номидан ёки ҳисобидан ёки фирма (комитентлар, ишонувчилар) номидан коммиссион ёки агентлик шартномалари бўйича олди-сотди битимларини тузадиган коммиссионерлар (ишонилган, агентлар)нинг мукофотлари суммаси ҳам улгуржи савдо айланмасига киритилади.

Юридик шахслар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг сотилиши, улгуржи товар айланмаси ҳажмига киритилмайди.

Чакана савдо - товарларни сотиш тармоқларидан қатъий назар, аҳолига истеъмол товарларини нақд ҳисоб-китоб асосида ёки пластик карточкалари, кредит карточкалари орқали (бу ҳам нақд ҳисоб-китоб асосида сотиш каби ҳисобга олинади) сотилган қиймати.

Қуйидагилар чакана савдо фаолияти ҳисобланади:

- асосий фаолияти чакана савдо ва умумий овқатланиш бўлган, савдо объектлари орқали ўз фаолиятларини амалга оширувчи юридик шахслар;
- иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида савдо фаолиятини амалга оширувчи, савдо бўлмаган юридик шахслар;
- деҳқон бозорлари, буюм бозорлари ва махсус озиқ овқат бозорларида товарлар савдоси билан шуғулланувчи жисмоний шахслар.

Алоҳида юридик шахсларга (ижтимоий химоя, касалхоналар, болалар уйлари, ногиронлар уйлари, саховат уйлари в.б.) нақд пул ва нақд пульсиз асосида, савдо тармоқлари, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш контингентлари, шунингдек юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларига сотилган озиқ овқат товарлари чакана савдо товар айланмаси ҳисобланади.

Умумий овқатланиш товарайланмаси - ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

Товарлар захиралари – чакана ва улгуржи савдо корхоналари балансида турган ва келгусида сотув учун мўлжалланган товар қолдиқлари.

Товар айланмаси савдосининг хавфсизлиги муайян маҳсулот ёки тўплами учун ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Ушбу кўрсаткич товарлар тўлиқ сотилмагунча товар-моддий захиралари етарли бўлган савдо кунларининг сонини акс эттиради.

Резидентлар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан утган юридик шахслар, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги, дипломатик мақомдан фойдаланувчи дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг хўжалик ёки бошқа турдаги тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган чет элдаги ваколатхоналари.

5. Саноат ва ёқилғи-энергетика комплекси статистикаси

Ишлаб чиқариш фаолияти - бу маҳсулотни сотиш ёки алмаштириш учун ёки жисмоний шахсларнинг шахсий истеъмоли учун мўлжалланган бошқа бирор-бир маҳсулотга ўзгартириш (ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш) жараёни ҳисобланади. Бунда, маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар)нинг ишлаб чиқариш ҳажми озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларга ҳамда саноат характеридаги хизматларга бўлинишини назарда тутиш лозим.

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш - сутни ёғсизлантиришни, қиздирилган, стерилизация, гомогенизация қилинган ва/ёки бошқа юқори ҳарорат таъсирида қайта ишланган сут асосидаги ичимликлар, сутдан олинган қаймоқлар, қуруқ сут, шакарли ёки шакарсиз қуюлтирилган сут, қаттиқ шаклдаги сут ёки қаймоқ, сариеғ, йогурт ёки қатик, пишлоқ, творог, зардоб, казеин ёки лактоза ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Бунда, саноатга оид қайта ишлаш амалга оширилмаган хом/ёғи олинмаган сут ушбу тоифага киритилмайди;

Гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш - мол сўйиш, гўштга (мол, чўчқа, қўй, қуён, туя, от ва бошқа ҳайвонлар гўшти) ишлов бериш ва қадоқлаш, совутиш ёки музлатишни, қурилган, тузланган, дудланган гўшт, гўшт маҳсулотларини, сосиска, колбаса, паштетлар, сардакли, қиймаланган гўштлар, рулетлар, қайнатилган ветчина, гўшт экстрактлари ва шарбатлар, озиқбоп субмаҳсулотлар (ичак-чавоқ, каллалар, туёқлар ва шунга ўхшашлар) ишлаб чиқаришни ўз ичига олади;

Балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш - балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш (музлатиш, юқори ҳароратда музлатиш, қурилиш, қайта ишлаш, дудлаш, тузлаш, зич ёпиладиган идишларга консервалаш ва ҳ.к.), балиқдан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади;

Ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш - тайёр тўқимачилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш – адёл, сочик-дастурхон ва кўрпа-тўшак, парда, ёстик, гилам ва гилам маҳсулотлари, кийим-кечак, ички кийим, рўмол, бош кийим, трикотаж ёки тўқилган буюмлар, оёқ кийим, мебель, ўйинчоқ, қурилиш материаллари (ўз эҳтиёжи учун), заргарлик буюмлари ва бошқаларни ишлаб чиқариш киради.

Қайта ишлаш саноати ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига (2-таҳрир) асосан С секция “Қайта ишлаш саноати”га кирувчи ташкилотларнинг фаолият тури доирасида, таққосланаётган даврларда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар физик ҳажмининг ўзгаришини ифодаладиган нисбий кўрсаткич

Саноат маҳсулотининг физик ҳажми индекси – ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)лар тўплами физик ҳажмининг ўзгариши натижасида, таққослаш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўзгаришини ифодаладиган нисбий кўрсаткич.

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси – қўшилган қийматнинг физик ҳажми маълум бир вақт ўтиши билан ўзгаришини акс эттирувчи ишлаб чиқариш йиғиндиси

Мавсумийлик қолдиғи – мавсумий тартибга солинган қатор ва қолдиқларнинг маъқул бўлмаган белгисидир; мавсумийлик қолдиғининг мавжудлиги мавсумий тартибга солинган маълумотларни талқин қилинишига салбий таъсир қилувчи муайян хавфдир

Мавсумий компонент – йил давомида кузатиладиган ҳамда мунтазам равишда йил сайин такрорланадиган даврий қаторларни тизимли ўзгариши

Даврий қаторлар – маълум вақт мобайнида ўзгарувчанликни кузатишлар мажмуи; мунтазам ораликда ўлчанади, масалан ойлик ёки ҳар чоракда

Декомпозиция – статистик услублар ёрдамида даврий қаторларини таркибий қисмларга бўлиниши; одатда, қаторлар таркибий қисмлари йиғиндиси бошланғич

қаторларни ташкил қилади ёки қаторларнинг таркибий қисмларини кўпайтириш йўли билан тузилиши мумкин

Тренд-цикл компоненти – узоқ ва ўрта муддатли ўзгаришларни ўз ичига олади. Тренд компоненти қаторларни бир неча декада мобайнида кузатиладиган узоқ муддатли ривожланишини, яъни тизимли ўзгаришларни тавсифлаб беради. У қаторларни яширин даражасини акс эттиради ва одатда инфляция, илмий ва технологик тараққиёт ҳамда умумий иқтисодий ривожланиш таъсири натижаси бўлади. Цикл компоненти – бу иқтисодий ўзгаришлар натижасида кенгайишдан тортиб то рецессияга қадар келиб чиқадиган ритмик циклдир

Оралиқ ўзгариш – нуқтавий кескин ўзгариш тури бўлиб, ундан кейин бошланғич ҳолатга текис ҳолатда қайтилади

Мавсумий ўзгаришнинг мақсади – ривожланишнинг яширин омилларини аниқлаш учун такрорланадиган мавсумий эффектлар ва тақвим омилларни ажратиб кўрсатишдир

Истеъмол товарлари - биринчи навбатда, шахсий истеъмол учун ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда ишлатиладиган саноат маҳсулотлари.

Истеъмол товарлари озиқ-овқат товарлари, ноозиқ-овқат товарлари, вино-ароқ маҳсулотлари ва пивога бўлинади.

Озиқ-овқат товарлари – ейиладиган (озиқ-овқат) маҳсулотларни, спиртсиз ичимликларни, минерал сувларни ва бошқа идишдаги сувларни ўз ичига олади.

Вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво – бу дистилланган спиртли ичимликлар, узум винолари, олма ширасидан тайёрланган вино, бошқа мевалардан тайёрланган винолар, дистилланмаган ачитилган бошқа ичимликлар ва пиво.

Ноозиқ-овқат товарлари - тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар, чемоданлар, саквояжлар, аёллар сумкалари ва шунга ўхшаш буюмлар, маиший асбоблар, спорт товарлари, ўйинлар, ўйинчоқлар ва асосан шахсий истеъмол учун фойдаланиладиган бошқа ноозиқ-овқат товарларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш - фаолият натижасида маҳсулот келиб чиқиши;

Буюртмачи томонидан берилган хом–ашё – тузилган шартномалар асосида қайта ишлаб, ундан маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарувчиларга берилган буюртмачининг хом-ашёси;

Ярим тайёр маҳсулот – истеъмол учун тайёр бўлмаган ва келгусида ишлов бериш талаб қилинадиган, қисман ишлов берилган маҳсулот;

Ишлаб чиқарилиши узоқ даврни талаб этадиган маҳсулот – буюртмачи билан бажариладиган ҳисоб-китоблар алоҳида тўлов асосида амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш даври ҳисобот давридан узоқ бўлган маҳсулот;

Тайёр маҳсулот – сотиш учун мўлжалланган ва шартномада ёки бошқа ҳужжатларнинг талабларида кўзда тутилган техник ҳамда сифат тавсифларига мувофиқ келадиган, ташкилотнинг ишлаб чиқариш циклининг пировард натижаси бўлган товар (хизмат).

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми – четга сотиш, ўзининг капитал қурилишига ва носаноат бўлинмаларига бериш, ўз асосий воситалари фонди таркибига киритиш учун мўлжалланган, ҳисобот даврида жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг (тайёрлиги даражасидан қатъий назар), шунингдек саноат хусусиятига эга бўлган бажарилган ишлар (хизматлар)нинг қиймати;

Технология - муайян маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг ҳолатини, хусусиятларини, шакллари қайта ишлаш, ўзгартириш ва ишлаб чиқариш усуллари тўплами.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари индекси – ишлаб чиқаришнинг ўзгармас таркиби бўйича вақт давомида нархларнинг ўзгаришини тавсифлайди;

Бирламчи энергияни олиш – ёқилғидан инерт моддаларни тозалаган ҳолда табиий манбалардан олинган ёки ишлаб чиқилган энергия миқдоридир. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш манбалари бўлиб, газ, нефт, газоконденсат ва кўмирни қазиб олишдаги саноат маҳсулоти ва уларни қазиб олишдаги йўқотишларни акс эттирувчи ҳисобот маълумотлари ҳисобланади.

Якуний энергия истеъмоли – барча энергетик мақсадларда (транспорт, саноат, хизматлар соҳаси, қишлоқ хўжалиги ва уй хўжаликлари) фойдаланиш учун охириги истеъмолчига етказиб берилаётган энергиянинг истеъмоли.

Бирламчи энергия – бу табиий манбалардан ажратиб ёки тўғридан-тўғри олинадиган маҳсулотлардир (хом нефт, тошкўмир, табиий газ);

Иссиқлик энергияси (ёниш жараёнидаги иссиқлик) - иссиқлик таъминоти қурилмаларида иситиш учун ишлаб чиқариладиган (Джоулда ёки килокалорияда) маҳсулотлар;

Иккиламчи энергия - бирламчи ёки бошқа энергияни қайта ўзгартиришдан ҳосил қилинадиган энергия;

Ёқилғи - асосий таркибий қисми углероддан иборат бўлган модда бўлиб, уни ёкишда иссиқлик энергияси олиш мақсадида қўлланилади;

Ёқилғи - энергетика ресурслари - ишлаб чиқариш, экспорт ва ички маиший эҳтиёжларни таъминлаш учун ҳар хил турдаги ёқилғи ва энергия турларининг йиғиндиси;

Ёқилғи - энергетика баланси- маълум бир вақт оралиғида соҳалар ва тармоқлар бўйича келиб тушиш ва сарфланиши ўртасидаги аниқ миқдорий балансни акс этадиган (йўқотишлар ва қолдиқларни ҳисобга олган ҳолда) кўрсаткичлар тизими;

Энергетика – энергия ресурсларини, турли хил энергия манбаларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, узатиш ва улардан фойдаланишни қамраб олувчи саноат комплекси;

Якуний энергия истеъмоли – барча энергетик мақсадларда (транспорт, саноат, хизматлар соҳаси, қишлоқ хўжалиги ва уй хўжаликлари) фойдаланиш учун охириги истеъмолчига етказиб берилаётган энергиянинг истеъмоли.

Кўмир - юқори коксланиш даражали ва 24 МДж/кг (5700 ккал/кг)дан юқори иссиқлик чиқариш қобилияти бўлган кўмир;

Кўмир брикетлари – боғловчи моддаларни қўшишда, босим ва ҳарорат таъсирида бир хил шаклдаги чорқирралар кўринишида брикетланган майда кўмир;

Кокс – кўмирни кокслаш натижасида ҳосил қилинадиган қаттиқ маҳсулот;

Кўнғир кўмир, лигнит – паст коксланиш даражали ва юқори иссиқлик чиқариш қобилияти 24 МДж/кг (5700 ккал/кг)дан кам бўлган қулсиз, нам асосидаги кўмир;

Кўнғир кўмир брикети - кўнғир кўмир брикетлари–юқори босим остида ва боғловчи моддаларни қўшмаган ҳолда, майдалаш ва қуритишдан кейин бир хил шаклдаги чорқирралар кўринишида брикетланган лигнит;

Бошқа кўнғир кўмир маҳсулотлари – қаттиқ ёқилғини қайта ишлаш маҳсулотлари (кокс майдаси ва шу кабилар)

Хом нефть – табиий углеводлар аралашмасидан ташкил топган, сарик ёки қора рангли, ўзгарувчан оғирлик ва қайишқоқлик кўрсаткичларига эга минерал мой; бу тоифага битуминоз минераллардан ажратиб олинган хом минерал нефтьмаҳсулотлари (битуминозли кум ва ҳ.к.) киритилган; хом нефть бўйича кўрсаткичларга қазиб олиш мобайнида сепаратор қурилмаларда газсимон углеводлардан ажратиб олинган газ конденсатлари киритилган.

Суюлтирилган газ ва бошқа нефт газ - суюлтирилган пропан (пропан қотишмалари), бутан, ва изобутан ёки ушбу углеводородлар аралашмаларини ўз ичига олади. Бошқа нефт газларга эса нефт ва газ корхоналарининг стабиллашадиган қурилмалари ажратишидан олинган этан ва бундан ташқари нефтни қайта ишлаш жараёнида олинган газлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

Гидроэнергия - сувнинг гидроэлектростанцияларда электр энергиясига айлантирилган потенциал ва кинетик энергияси;

Қуёш энергияси - қуёш нурларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчи қуёш батареялари ва қуёшда ишлайдиган коллектор қурилмаларидан олинган энергия.

Шамол энергияси - кинетик шамол кучидан шамол турбиналари ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергияси.

Атом энергия - атом электростанцияларида ишлаб чиқарилган электр энергия.

Биогаз – биомассанинг анаэробик парчаланиши натижасида асосан метан ва карбонат ангидриддан ташкил топган газ.

Бошқа турдаги энергия, - юқорида келтирилган энергия турларидан ташқари ноанаънавий ишлаб чиқарилган энергия.

Корхонанинг энергия самарадорлиги (ЭЭ) – маҳсулот таннархи таркибида энергия харажатларининг улуши;

Ёқилғи – асосий таркибий қисми углероддан иборат бўлган модда бўлиб, уни ёқишда иссиқлик энергияси олиш мақсадида қўлланилади;

Ёқилғи-энергетика ресурслари (ТЭР) – ишлаб чиқариш, маиший ва экспорт эҳтиёжларини таъминлаш учун мамлакатда мавжуд бўлган ёқилғи ва энергиянинг турли хил турларининг (нефтни қайта ишлаш, газ, кўмир, торф ва сланец саноати маҳсулотлари, атом ва гидроэлектростанциялар электр энергияси, шунингдек, маҳаллий ёқилғи маҳсулотлари) йиғиндиси;

Иссиқлик энергияси – иссиқлик таъминоти қурилмаларида иситиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар;

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) таннархи – ҳисобот даврида бошқа томонга, ўзининг капитал қурилишига, ўз корхонасининг носаноат бўлинмаларига берилган ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот, ярим тайёр маҳсулотлар, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилиши тугалланмаган узоқ муддатли жараёнда тайёрланувчи маҳсулотни тайёрлаш бўйича ишлар, саноат хусусиятига доир бажарилган ишлар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади;

Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолига қилинган умумий харажатлар – ташкилотнинг ёқилғи-мойлаш материаллари, иссиқлик таъминоти, электр энергияси истеъмоли ва газ таъминотида умумий харажатлари.

Қуёш батареялари – қуёш энергиясини тўғридан – тўғри доимий электр токига айлантириб берувчи, бир неча бирлашган фотоэлектрик ўзгартгичлар (фотоэлементлар) - ярим ўтказгич қурилмалар;

Қуёшда ишлайдиган коллектор қурилмалари – кўзга кўринадиган нур ва яқин инфрақизил нурланиш ёрдамида узатиловчи қуёшнинг иссиқлик энергиясини йиғиш учун мўлжалланган қурилмалар (гелиоқурилмалар); электр энергиясини ишлаб чиқарувчи қуёш батареяларидан фарқли ўлароқ, қуёш коллектори иссиқликни ўзида сақловчи материалларни иситишни амалга оширади;

Бирламчи энергетика маҳсулотлари – бу табиий манбалардан ажратиб ёки тўғридан-тўғри олинадиган маҳсулотлардир (хом нефть, тошкўмир, табиий газ);

Иккиламчи энергия – бирламчи ёки бошқа энергияни қайта ўзгартиришдан ҳосил қилинадиган энергия;

Ёқилғининг иссиқлик чиқариш қобилияти (калориялилик) – бир бирлик ёқилғидан олинадиган иссиқлик миқдорини англатувчи кўрсаткич;

Энергиянинг якуний истеъмоли – барча энергетик мақсадларда (транспорт, саноат, хизматлар соҳаси, қишлоқ хўжалиги ва уй хўжаликлари) фойдаланиш учун охириги истеъмолчига етказиб берилаётган энергиянинг истеъмоли.

6. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси

6.1. Қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари

Қишлоқ хўжалиги статистикаси – бу, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни, хусусан, қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдонлари, кўп йиллик дарахтзорлар ва тоқзорлар майдонлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари бош сони, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи иқтисодий статистика

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини умумлаштирувчи кўрсаткични ифодалайди

Деҳқон хўжалиги - оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Деҳқончилик - айнан қишлоқ хўжалиги экинларини ва ўсимликларни ўстириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси. Деҳқончилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бир, икки ва кўп йиллик экинларни, шунингдек, уруғлик ва кўчат материалларини ўстиришни ўз ичига олади.

Чорвачилик - қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари ва асариларни ўстириш ва урчитиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси.

Ўрмон хўжалиги - фаолият тури ўрмон ресурсларини қайта кўпайтириш ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш, хусусан ўрмончилик, ўрмонзорларни барпо этиш ва ёғочни қайта ишлаш тармоқлари учун бинокорлик думалоқ ёғочларни ишлаб чиқариш, шунингдек, ёғоч бўлмаган ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон маҳсулотларини йиғиш билан боғлиқ бўлган соҳа. Ўрмон хўжалиги фаолияти табиий ўрмонлар ёки сунъий ўрмонзорлар доирасида амалга оширилади.

Ўрмончилик ва ўрмонзорларни барпо этиш - ёш ўрмонларни, баланс ва ёқилғи ёғоч ўрмонларни ўстиришни қўшган ҳолда, тик ўсувчи ўрмон дарахтларини ўтқазиш, қайта ўтқазиш, кўчириб ўтқазиш, шунингдек, новдадан ўтказилган ёш ўрмонларни ва кесиш учун мўлжалланган майдонларни сийраклаштириш ва муҳофаза (ҳимоя) қилиш билан боғлиқ бўлган ўрмон хўжалиги фаолияти соҳаси. Ўрмончилик фаолияти, шунингдек ўрмон дарахтлари кўчатларини кўпайтириш ва уларни парвариш қилиш билан ҳам боғлиқ.

Ёғоч тайёрлаш - ёғочни қайта ишлаш тармоғи учун думалоқ бинокорлик ёғочларини ишлаб чиқариш, шунингдек, ёқилғи ёғоч - ёғоч кўмир, ёғоч парчалари ва бошқаларни йиғиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ўрмон хўжалиги фаолияти турлари.

Ёғоч бўлмаган ўрмон маҳсулотлари - ўрмон хўжалиги томонидан одамлар ёки ҳайвонлар учун озиқ-овқат сифатида, шунингдек, бошқа фойдаланиш йўллари қўшган ҳолда доривор ёки косметик ўсимликлар сифатида ишлаб чиқариладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар гуруҳи.

Балиқчилик хўжалиги - балиқ овлаш ва сув биоресурсларини, аквакультурани сақлаш, сув биоресурсларидан олинадиган балиқ ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича фаолият тури.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларни, балиқларни сақлаш ва кўпайтириш, ёғоч, ёғоч бўлмаган ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон хўжалиги маҳсулотларни олиш, сув организмларини овлашни ўз ичига олади.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар ялпи ишлаб чиқариши - бу соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар ялпи ишлаб чиқариши, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лар ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакультура соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лар қийматидан шаклланади.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лар ялпи ишлаб чиқариши деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар қийматларининг умумий йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг қиймати жорий йил ҳосилидан олинган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг - дон, техник экинлар, картошка, сабзавотлар ва полиз экинлари, мевалар ва резаворлар, узум, озуқа экинлари, уруғлик ва ўтқазиладиган кўчат материаллари, шунингдек, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади.

Деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари келгуси йил ҳосили учун жорий йил харажатларини, ерларга ишлов бериш ва ерларни шудгор қилиш бўйича хизматларни, кузги экинларни экиш учун ерларни тайёрлаш, кўп йиллик дарахтларни ўтқазиш ва хўжаликда фойдаланиш ёшигача ўстириш харажатларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларининг қиймати қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларни, ипак қуртини ўстириш натижасида олинган маҳсулотлар - гўшт, сут, тухум, жун, қорақўл, асал, пилла, мўйна, шунингдек, чорвачиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари йил давомида бир маромда амалга оширилади ва чорвачиликнинг ҳисобот йилидаги барча харажатлари, одатда жорий йил маҳсулотлари таннархи таркибига қўшилади, шунинг учун аралаш йиллар харажатларининг ҳисобида улар тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ажратилмайди.

Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги хизматлар қиймати ҳосилни йиғиб олиш, ерларни яхшилаш бўйича хизматлар, тупроқни кимёлаштириш, ўғитларни тайёрлаш ва солиш бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлардан ва зараркундалардан ҳимоя қилиш бўйича хизматлар, агромилиоратив ишларни ўтқазиш бўйича хизматлар, сув хўжалиги ташкилотларининг ирригацион ва мелиоратив тизимларни эксплуатация қилиш бўйича хизматлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини ва паррандаларини кўпайтириш бўйича қўшимча хизматлар, қишлоқ хўжалигига зоотехния хизмати кўрсатиш ва бошқалар қийматини ўз ичига олади.

Қийматда ифодаланган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти —қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари қийматлари йиғиндиси сифатида аниқланади.

Дехқончилик маҳсулотлари - ҳисобот йили ҳосилидан олинган, яъни дон экинлари, техник экинлар, картошка, сабзавот экинлари, полиз экинлари, озуқа экинлари, мевалар, резаворлар, узум, қишлоқ хўжалиги экинлари ва кўп йиллик дарахтлар кўчатлари, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг ўзгариши ва деҳқончиликнинг бошқа хом-ашё маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади.

Умумий ер майдони - Ўзбекистон Республикаси чегарасидаги барча ер майдонлари (қишлоқ хўжалиги ерлари, аҳоли пунктлари ерлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, рекреация ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар, тарихий ва маданий аҳамиятга эга ерлар, ўрмон ва сув фонди ерлари, захира ерлар). Бу кўрсаткич натура кўринишида (минг гектар) Ўзбекистон Республикаси Давергеодезкадастр маълумотлари бўйича)) ифодаланади

Қишлоқ хўжалиги ер турлари – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиш учун мунтазам равишда фойдаланиладиган ер майдонлари. Қишлоқ хўжалиги ер турлари таркибига ҳайдаладиган ерлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, пичанзорлар ва яйловлар киради. Қишлоқ хўжалик ер турлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг фойдаланишида ижарада, доимий ёки вақтинчалик фойдаланишида бўлган ерлар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар – қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибидан қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажратилади.

Суғориладиган ерлар – қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар.

Ҳайдаладиган ерлар – мунтазам равишда ишлов бериладиган ва кўп йиллик дарахтзорларни ва дам олишдаги ерларни қўшган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги ер турлари

Яйловлар – чорва моллари учун озуқа бўлган ўсимликларнинг табиий қопламига эга ерлардир.

Яйловлар умуммиллий бойлик бўлиб, давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Яйловлар чўлдаги, ярим чўлдаги, тоғ олдидаги, тоғдаги ва текисликдаги, сув билан таъминланган ҳамда сув билан таъминланмаган яйловларга ажратилади.

Тоғдаги яйловлар мавсумий бўлиб, улардан йилнинг фақат муайян вақтида фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдонлари – баҳорги экинларни экиш охирига (баҳорги – самарали) қишлоқ хўжалиги экинлари билан банд бўлган ҳайдаладиган ерларнинг бир қисми .

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари таркибига кузги қишқи даврларда nobуд бўлган майдонларини чиқариб ташлаган ҳолда олдинги йилларда экилган кузги экинлар, nobуд бўлган кузги экинларни қўшган ҳолда жорий йил барча баҳорги экинлари, шунингдек ўтган йиллардаги кўп йиллик ўтларнинг сақланиб қолган майдонлари қўшилади.

Йиғиб олинган қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили – битта хўжалик ёки ҳар қандай ҳудудий бирлик чегарасидаги ҳар хил қишлоқ хўжалиги экинлари, қишлоқ хўжалиги

дарахтлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ерларининг барча майдонларидан ишлаб чиқарилган (йиғиб олинган) маҳсулот.

Йиғиб олинган қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили аксарият ҳолларда физик (бирламчи қирим қилинган) вазнда кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги – майдон бирлигидан ўртача йиғиб олинган деҳқончилик маҳсулотларини тавсифлайдиган кўрсаткич. Ҳосилдорлик одатда бир гектар йиғиб олинган майдонга ўртача центнерда ҳисобланади.

Чорвачилик маҳсулотлари - қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларини ўстириш ва хўжаликда фойдаланиш натижасида олинган хом ашё маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум, жун, қорақўл тери, пилла ва бошқалар), сотилган моллар ва паррандалар, йил давомида ёш молларни ва бўрдоқидаги молларни ўстириш қийматларининг ўзгариши, асаларичилик маҳсулотлари, балиқ боқиш маҳсулотлари, чорвачиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳисобот йилининг жорий (амалдаги) нархларида қиймати кўринишида аниқланади.

Моллар ва паррандалар бош сони - барча ёши жинси гуруҳларининг асосий турлари (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар, отлар, паррандалар ва бошқа) бўйича ҳисобга олинади. Моллар ва паррандалар бош сони натура ҳолида (бош, минг бош, млн. бош) ифодаланади.

Урғочи она моллар бош сони - таркибини барча сигирлар (сутдан чиққан дам олиш давридаги ва қисирларини кўшган ҳолда), асосий ва текширилаётган она чўчқалар, шунингдек уч ёшдан катта биялар, она қўйлар, она эчкилар ва бир ёшдан катта (улар насл берганлиги ёки бермаганлигидан қатъий назар) тўқлилар ташкил қилади.

Ёш молларга – подани тўлдириш учун мўлжалланган ёш моллар, гўштга сўйиш учун мўлжалланган бўрдоқидаги ёш моллар киради

Пода айланиши – моллар ва паррандалар бош сони ва подани қайта тиклашни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими. Моллар ва паррандаларнинг турлари, жинси ва ёши гуруҳлари бўйича қирим ва чиқими баланси кўринишида тузилади.

Балансининг қирим қисмида ҳисобот йили бошига мавжуд, олинган насл (очиб чиққан жўжалар), сотиб олинди ва бошқа қиримлар кўрсатилади.

Балансининг чиқим қисмида сўйилди (сўйиш учун сотилганини кўшган ҳолда), сотилди, ўтказилди ва бошқа тарзда чиқарилди, барча ёшдаги нобуд бўлган ва ҳаром ўлган моллар ва паррандалар, ҳисобот йили охирига мавжуд моллар ифодаланади.

Моллар насли – хўжаликка қарашли она моллардан тирик туғилган барча ёш моллар. Паррандалар наслига бир кунлик ёш жўжалар киради.

Подани қайта тиклашни ва она молларнинг маҳсулдорлигини ҳисоблаш учун асосий подадаги 100 бош она моллардан насл чиқими ҳисобланади

Моллар ва паррандалар ўлими – моллар ва паррандаларнинг қариши, касаллик, жароҳат, табиий офат ва бахтсиз ҳодиса, шунингдек сўйилган моллар ва паррандаларнинг гўшти озиқ овқатга ишлатилмаган мажбуран сўйишнинг барча ҳолатларини кўшган ҳолдаги йўқотишлар .

Моллар ва паррандалар ўлими пода айланишига нисбатан ёки ўртача йиллик бош сонга нисбатан фоизда ҳисобланади. Насл ўлими олинган наслга нисбатан фоизда ҳисобланади.

Моллар ва паррандаларни етиштириш (ўстириш) маҳсулоти - қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларининг ҳар бир тури бўйича моллар ва паррандалар тирик вазнининг ортиши сифатида ҳисобга олинади.

Сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандаларни аниқлашда, ҳам сўйиш учун етиштирилган, ҳам ўз хўжалигида сўйилган ҳайвонларнинг тирик вазни ҳисобга олинади. Келгусида такрор ишлаб чиқариш учун сотилган ёш моллар, сўйиш учун сотиш ҳажмига киритилмайди.

Сут ишлаб чиқариш ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади, бузоқлар эмган сут ялпи ишлаб чиқаришга киритилмайди.

Онасини эмиб сақланадиган бузоқлар томонидан эмган сут миқдори ишлаб чиқарилган сут миқдорига ва битта сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдорини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Тухум ишлаб чиқариш, барча турдаги паррандалардан олинган (синган, бузилган ва шунга ўхшашларни қўшган ҳолда) ҳамда кўрк товуклар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумларни ўз ичига олади

Жун ишлаб чиқариш - хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлангани ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жун, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади

Асал ишлаб чиқариш - асаларилар томонидан йиғилган, уялардан чиқариб олинган, асалариларга қишқи-баҳорги даврларда озуқа учун қолдирилган асал миқдорини ўз ичига олади;

Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларининг маҳсулдорлиги – битта ҳайвон ёки паррандадан аниқ бир даврда олинган маҳсулотлар бирлиги (1 бош сигирдан соғиб олинган сут, 1 бош қўйдан (эчки, туя) қирқиб олинган жун, 1 бош тухум қўядиган товукдан (паррандалар) олинган тухум ва ҳ.к.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир

Дехқон хўжалиги - оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эғалик қилувчи юридик шахс.

Томорқа ер участкаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир

Шахсий ёрдамчи хўжалик – белгиланган тартибда берилган ер майдонида, асосан шахсий эҳтиёжларини қондириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича оила аъзоларининг тадбиркорлик бўлмаган фаолияти.

6.2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

Табиий ресурслари ва атроф-муҳит статистикаси – биринчи навбатда, зарарли моддалар билан ифлосланиш хусусида табиий ресурслар захираси, уларнинг таркиби ва сифати, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш даражасини ўрганадиган статистика соҳаси.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари - ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган

хом-ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа маҳсулотлар ёки уларнинг қолдиқлари, шунингдек истеъмол хусусиятларини йўқотган ва натура кўринишида акс эттирилган товар (маҳсулот)лар (кг, тонна ва бошқ.).

Чиқиндилардан фойдаланиш - товар (маҳсулот) ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ёки энергия олишда чиқиндилардан фойдаланиш.

Атмосферага чиқадиган ифлослантирувчи моддалар - стационар ва мобил манбалардан атмосферага чиқадиган, натура кўринишида (кг., тонна ва бошқалар) ифодаланадиган ифлослантирувчи (инсон соғлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсир этадиган) моддалар

Атмосферани ифлослантирувчи стационар манба - фойдаланиш жараёнида ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқарадиган, ҳаракатланмайдиган технологик агрегат (ускуна, қурилма, аппарат ва бошқалар).

Чиқиндиларнинг стационар манбалари - номутаносиб равишда уларнинг зарар етказмасдан ҳаракатланиши мақсадларини белгилаш мумкин бўлмаган чиқиндилар манбалари.

Чиқиндилар - ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом-ашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, ёки ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар).

Токсик чиқиндилар - улар билан ишлаш жараёнида бўлгани каби, ҳаётининг алоҳида даврларида ва кейинги авлодларида ҳам, инсон организми билан бевосита ёки билвосита алоқада бўлганда касалликларни ёки соғлиқда, шунингдек атроф муҳитда салбий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин бўлган, таркибида зарарли моддалар бўлган чиқиндилар.

Нотоксик чиқиндилар - таркибида организмнинг физиологик функциялари бузилиши ва атроф муҳит учун салбий оқибатларни келтириб чиқаришга қодир моддалари бўлмаган чиқиндилар.

Умумий фойдаланишдаги темир йўллар - темир йўлнинг поездларни қабул қилиш ва жўнатиш, юклар, багаж ва юк багажини қабул қилиш ҳамда топшириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш, маневр ишларини амалга ошириш бўйича тегишли операцияларни бажариш учун очиқ бўлган темир йўл бекатлари жойлашган тармоғи.

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари - ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулки бўлган ва умумий фойдаланишдаги темир йўллар билан туташадиган темир йўллар киради.

Автомобил транспорти

Автомобиль транспортида статистик кузатув объектлари юк ва йўловчилар ташиш, ҳаракат таркиби, улардан фойдаланиш, транспорт ишининг молиявий натижалари, йўл-транспорт ҳодисалари ҳисобланади.

Статистик кузатув бирлиги бу транспорт воситаларидан фойдаланувчи корхоналар, шахсий автотранспорт эгалари ва автомобил транспортида тижорат асосида юк ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар (жисмоний шахслар).

Автобуснинг йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси умумий ҳажми фойдаланувдаги маршрут автобуслар (шунингдек бепул транспортдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларни қўшган ҳолда), маршрут таксилар ва буюртмалар асосида фаолият юритувчи автобуслар томонидан бажарадиган ишлар йиғиндисидан иборат.

Автобуснинг йўловчи айланмаси ташилган йўловчилар сонини йўловчи ташишнинг ўртача масофасига кўпайтмаси орқали аниқланади.

Юк ташиш ва юк айланмаси кўрсаткичлари юк автомобиллари, пикап, фургонли енгил шассисидаги автомобиллар ва тиркамали автомобиллар томонидан бажарилган умумий ҳажмларни ўз ичига олади. Ташилган юкларни ҳисобга олиш, юкларни етиб келиш вақтида амалга оширилади.

Умумий юк кўтариш қобилияти - мавжуд юк автомобилларининг ҳар бир русуми бўйича уларнинг номинал юк кўтариш қобилияти (ишлаб чиқарувчи завод томонидан берилган паспорти асосида) йиғиндисига тенг.

Умумий йўловчи сифими (ўриндиқлар сони бўйича), ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаган ҳолда ҳар бир русумдаги автобуслар (микроавтобуслар) сонини уларнинг ўриндиқлар бўйича сифимига кўпайтиришдан ҳосил бўлган кўпайтмани йиғиндисига орқали аниқланади.

Шаҳардаги ташувлар - шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган ташувлар.

Шаҳар атрофидаги ташувлар - шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километр бўлган масофагача амалга ошириладиган ташувлар.

Шаҳарлараро ташувлар - шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километрдан кўпроқ бўлган масофага амалга ошириладиган ташувлар, шунингдек масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар.

Халқаро ташувлар - масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисидан амалга ошириладиган ташувлар.

Автомобиль йўли - транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ.

Умумфойдаланишдаги автомобил йўллари давлат мулки бўлиб, автомобил йўлларида фойдаланувчилар учун очикдир. Умумфойдаланишдаги автомобил йўллари аҳоли эҳтиёжларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва муҳофаа эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ўртасида юклар ва йўловчилар ташишни таъминлайди.

Хўжалик автомобиль йўллари давлат ёки юридик ва жисмоний шахслар мулкига тегишли бўлади. Хўжалик автомобиль йўлларида технологик мақсадларга хизмат қилувчи, шохобча, хизмат кўрса, патруль ва бошқа шу каби йўллар киради, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси балансидаги йўллар бундан мустасно.

Юк автомобили – юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорт воситаси; юк автотранспорт воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади.

Ташилган юклар (юк ташиш ҳажми) – юк автомобилларида, шу жумладан, автотиркамаларда ташилган юклар миқдори ҳар бир қатнов учун юкнинг тара ёки контейнерлар оғирлигини ҳисобга олган ҳолдаги ҳақиқий оғирлиги бўйича аниқланади (тоннада ўлчанади). Ташилган юк ҳажмини автомобилнинг техник тавсифномасида

кўрсатилган юк кўтариш қобилияти бўйича аниқлаш, фақатгина ташилган юкнинг ҳақиқий оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин.

Юкларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир тонна юк ташиладиган масофа. Бутун автотранспорт бўйича, алоҳида юклар ва қатнов турлари бўйича юк айланмасини (тонна-километрда) ташилган юклар ҳажмига (тоннада) бўлиш орқали аниқланади.

Йўловчиларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир йўловчини ташиладиган масофа. У бутун автотранспорт ва қатнов турлари бўйича йўловчи айланмасини (йўловчи-километрда) ташилган йўловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Автомобиль – энергия манбаси орқали ҳаракатга келтириладиган, иккитадан кам бўлмаган ўқда жойлашган камида тўртта ғилдиракка эга бўлган, йўлларда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ва йўловчилар, багажлар, юкларни ташиш ҳамда махсус ишларни бажариш учун фойдаланиладиган механик транспорт воситаси.

Автомобилнинг ишда бўлиш кунлари (автомобиль-кунлари сони) – ҳисобот даврида гараждан (тўхташ жойидан) йўналишга чиқарилган автомобиллар сонига мос бўлади. Унинг ҳисоби, бир кун давомида амалга оширилган қатновлар сонидан ва автомобилнинг иш соатлари миқдоридан қатъий назар юритилади. Автомобиль бир календарь кунида бир мартадан кўп йўлга чиқарилса, ишда бўлиш автомобиль-кунларини ҳисоблашда ушбу автомобиль бир марта ҳисобга олинади.

Мавжуд автотранспорт воситалари – ташкилот балансида бўлган, техник ҳолатидан ва автомобилнинг жойлашган жойидан (таъмирлашда, хизмат сафарида, консервацияда, ижарада) қатъий назар, барча турдаги, марқадаги ва моделдаги автомобиллар сони.

Йўналишли такси – йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль).

Йўналишсиз такси – таксометр (ҳисоблагич)нинг кўрсаткичи бўйича тўлов тўланадиган, йўловчилар буюртманомалари бўйича ташиш хизматлари кўрсатадиган автотранспорт воситаси.

Умумий босиб ўтилган масофа (километр) - транспорт воситасининг гаражга (тўхташ жойига) қайтиши ва гараждан (тўхташ жойидан) чиқиб кетиши вақтидаги спидометр кўрсаткичлари ўртасидаги бир кунлик фарқни ифодалайди. Умумий босиб ўтилган масофа, ҳисобот даври мобайнида барча фойдаланилаётган автомобилларнинг ҳар кунлик босиб ўтган масофаларини йиғиндиси орқали аниқланади.

Юк кўтариш қобилияти (йўловчи сиғими)дан фойдаланиш коэффициенти (номинал юк кўтариш қобилияти (йўловчи сиғими)дан фойдаланиш даражаси) - ташилган юклар (йўловчилар) сонини автомобилнинг техник тавсифномаси бўйича номинал юк кўтариш қобилияти (йўловчи сиғими)га нисбати орқали аниқланади.

Электр транспорти

Шаҳар электр транспортида статистик кузатиш объектлари йўловчи ташиш, ҳаракатдаги таркиб, ундан фойдаланиш, йўл ва станция объектлари, транспорт ишининг молиявий натижалари.

Статистик кузатиш бирлиги метро, трамвай ва троллейбус транспорт корхоналари ҳисобланади.

Икки ёклама ҳисобдаги трамвай йўлининг фойдаланиладиган (троллейбус линиялари) узунлиги, маршрутларда вагонлар (машина) ҳаракати учун мўлжалланган йўл (линия)нинг узунлигини ифодалайди.

Ёйилган йўллар узунлигига ҳисобот йили охирига трамвай, метрополитен (троллейбус) хўжалиги балансида бўлган барча - йўловчи, юк, депо йўллари, разъездлар,

туташган йўллар, бурилиш ҳалқалари ва бошқа йўллар узунлиги қўшилади ва бир ёқлама (бир линияли) йўл ҳисобида келтирилади.

Метро йўлининг фойдаланиладиган узунлиги, икки ёқлама ҳисобда ҳисобланади ва бекатлар орасидаги асосий йўлнинг узунлигини ташкил этади.

Ҳаракатдаги таркибнинг умумий йўловчи сиғими турлари бўйича ҳаракатдаги таркиб инвентар сонини техник паспортига кўра, ўриндиқлар сонига бўш қолган майдоннинг 1 кв.м.га 5 кишини ҳисоблаб қўшган ҳолда ҳисобланган йўловчи сиғимига кўпайтириш ва ҳосил бўлган кўпайтмани жамлаш орқали аниқланади.

Ҳаво транспорти

Ҳаво транспортида мунтазам ташувлар - йўловчилар, юк ва почта ташийдиган авиакомпаниялар, шунингдек корхоналар ва аҳоли эҳтиёжлари учун авиация хизматлари мунтазам ва шартнома асосида ишлайди. Доимий рейслар - бу эълон қилинган жадвалга асосан режалаштирилган ва тўланадиган рейслар ёки тизимлаштирилган ва жамоат фойдаланиши мумкин бўлган доимий қатновлар, шунингдек, режалаштирилган рейслар тикилиши оқибатида келиб чиққан қўшимча рейслар.

Ҳаво транспортида номунтазам ташувлар - авиакомпаниялар (уларнинг ташкилий-ҳукукий ва мулкчилик шаклларида қатъий назар), корхоналар ва аҳолининг эҳтиёжлари учун юк ва йўловчиларни тижорат асосида ташиш ва авиация ишларини фақат номунтазам (чартер) рейслар, махсус рейслар, туристик йўналишларда амалга ошириш, булар мунтазам ташувларда акс этмайди.

8.2. Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) - ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қидириш, узатиш ва тақдим қилиш учун фойдаланиладиган микроэлектроника воситалари (маълумотлар, матнлар, тасвирлар ва товушлар) технологияси

Алоқа статистикаси — алоқа корхоналари фаолиятини, алоқа воситалари ва тармоқлар ҳолатини ўрганадиган статистика тармоғи.

Алоқа - Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органларининг почта, телефон, телеграф, радио ва бошқа турдаги маълумотларни узатиш ва қабул қилишдаги эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди.

Алоқа воситалари — электр алоқа хабарларини ёки почта жўнатмаларини қайта ишлаш, узатиш, қабул қилиш ва шакллантиришда фойдаланиладиган техник воситалар. Барча алоқа воситалари белгиланган стандартлар, меъёрлар ва техник талабларга мувофиқлиги мажбурий текширувдан (сертификатлаш) ўтиши керак. Мамлакатнинг алоқа воситалари умумий фойдаланишдаги ва идоравий алоқа воситаларига бўлинади.

Алоқа турлари — тақдим этилган ахборотларнинг хусусиятига ва узатишнинг усулларига қараб фарқланади.

Электр алоқаси (электр алоқа) — белгилар, сигналлар, ёзма матнлар, тасвирлар, симли, радио, оптик ва бошқа электромагнит тизимлар орқали сигналларни узатиш ёки қабул қилиш. У телефон, телеграф, факсимиль алоқа, маълумотларни узатиш ва бошқа турдаги хужжатлаштирилган хабарларни (шу жумладан ЭҲМ ўртасида машиналараро алмашинув), шунингдек телевизион, овозли ва бошқа турдаги радио ва симли эшиттиришларни таъминловчи тармоқ ва воситаларни ўз ичига олади.

Почта алоқаси - почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб беришни (топширишни) таъминловчи техника ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат алоқа тури.

Телефон алоқаси - маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларини амалга ошириш, рақамли телефон канали орқали маълумотларни узатишни ташкил этиш.

Радиоалоқа, радио ва телевизион эшиттириш – радио ва телевидения дастурларини эфирга узатиш, радиоканалларни телефон-телеграф маълумотларини ва рақамли ахборотларни узатиш учун тақдим этиш.

Мобил алоқа тармоғи - абонентларга мобил алоқа (телефон, маълумотларни узатиш ва бошқалар) хизматларини кўрсатувчи техник воситалар (коммуникацион ва радиоускуна, абонент курилмалари, уловчи линиялар, иншоотлар ва ш. к.) мажмуи. Мобил алоқа тармоқларига алоқанинг мобил радиотелефон (уяли, транк, локал-транк, радиал-зона, глобал шахсий мобил сунъий йўлдошли) тармоқлари киради.

Асосий телефон аппаратлари - бу шаҳар телефон станциясида мустақил номерларни эгаллайдиган телефон аппаратлари, шу жумладан умумий фойдаланиш учун мўлжалланган жуфт телефон аппаратлари.

Уй телефон аппаратлари - квартира (турар-жой)ларда ўрнатилган телефон аппаратлари.

Аҳолининг хонадон телефон аппаратлари билан таъминланганлиги, хонадон телефон аппаратлари сонининг шу даврдаги ўртача аҳолига нисбати сифатида ҳисобланади.

Ахборотлаштириш - юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни.

Ахборот ресурси - ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси.

Ахборот тизими - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

Интернет – ягона TSP/IP протоколи бўйича ишлайдиган кўплаб тармоқлардан ташкил топган глобал халқаро тармоқ (бошқариладиган тармоқлар ҳамжамияти) бўлиб, шлюзлар ёрдамида бирлашади ва ягона манзил ёки номлар маконидан фойдаланилади.

Телекоммуникация оператори (маълумотлар узатиш тармоғи оператори) - мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида телекоммуникациялар тармоғига (маълумотлар узатиш тармоғи) эга бўлган, унинг ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи юридик шахс.

Телекоммуникация хизматлари провайдер (провайдер) - фойдаланувчиларга операторлар тармоғи орқали тижорат асосида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

Интернет-провайдер - фойдаланувчиларга тижорат асосида маълумотлар узатиш тармоқлари ва операторлар тармоғи орқали Интернет хизматларини кўрсатувчи юридик шахс.

Маълумотлар узатиш – маълумотларни иккиланган сигналлар кўринишида телекоммуникация воситалари орқали, одатда ҳисоблаш техникалари воситаларида кейинчалик қайта ишлаш учун, бир пунктдан бошқасига юборишдир.

Маълумотлар узатиш тармоғи – муайян нуқталар ўртасида маълумотларнинг узатилишини таъминлаш мақсадида улар ўртасидаги боғланишни ташкил этиш учун мўлжалланган телекоммуникация ва каналлар узелларининг мажмуи.

Электрон почта - "электрон почта кутилари"да оралиқ тўпланадиган алоқа каналлари орқали, ҳисоблаш техника воситалари киришида тайёрланган ёки қайта ишланадиган маълумотларни юқори тезликда узатиш.

Локал ҳисоблаш тармоғи (ЛХТ) – бир ёки бир нечта яқин жойлашган бинолар доирасида умумфойдаланувдаги алоқа воситаларидан фойдаланилмаган ҳолда, рақамли маълумотларни узатишда бир ёки ундан ортиқ юқори тезликдаги автоном каналлар

воситасида боғланиб турувчи компьютерлар ва ташқи жиҳозлар гуруҳи тармоғидир. Бир ЭХМнинг ишлаб чиқариш жиҳозлари ёки ташқи қурилмалар билан боғланиши локал тармоқ ҳисобланмайди.

Корпоратив тармоқ – бу жойлашган тармоғи ва боғланиш туридан қатъий назар корпоратив маълумотлар базаси (сервери)дан фойдаланиш ҳуқуқи берилган барча турдаги компьютерларнинг жамланма тизимидир. Корпоратив тармоқ ташкилотнинг мулки ҳисобланади ва корпорация филиалларини бирлаштиради

Жамоавий фойдаланиш пункти - керакли техник воситалар (компьютерлар, модемлар, телефон аппаратлари ва бошқа қурилмалар) билан жиҳозланган Интернетдан жамоавий фойдаланиш хизматини кўрсатувчи пункт.

Интернет хизматидан фойдаланувчи – Интернет тармоғига кириш хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Электрон ҳужжат айланиши – электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин.

Электрон ҳужжат - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот

Электрон тижорат - ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдисини англатади.

Ахборотни криптографик муҳофаза қилиш - криптографик ўзгартириш алгоритмлари (криптографик алгоритмлар) ёрдамида амалга ошириладиган маълумотларнинг бутунлигини, очиклиги ва махфийлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи.

Домен - номли мезон бўйича ажратилган ва уни қўллаб-қувватлаш учун жавоб берадиган ташкилотга эгалик қилиш учун тақдим этилган Интернет тармоғининг қисми.

Домен номи - ахборот ресурсига ёки ахборот тизимига берилган, уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида идентификациялаш учун хизмат қиладиган ноёб ном.

Портал - ташкилотларнинг, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги электрон-ахборот ҳамкорлиги инфратузилмасининг тизим ташкил этувчи элемент.

8.3. Уй-жой

Уй-жой фонди – инсон яшаши учун ярокли бўлган турар жойдан, шу жумладан уйлар, квартиралар, хизмат турар-жойлари, махсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлардан) иборат бўлади.

Уйларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уй-жой фондига кирмайди.

Турар-жой - фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар ҳисобланади.

Якка тартибдаги уй-жой - бир ер участкасида жойлашган, доимий яшаш, дам олиш ва шахсий хўжаликни юритишга мўлжалланган ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар тегишли бўлган бир ёки бир неча турар жой иморати.

Турар-жой майдони - квадрат метрда ҳисобланадиган, уйлар ва турар-жой бинолардаги (ётоқхона, меҳмонхона ва болалар хонаси ҳамда шунга ўхшаш хоналар) яшаш хоналарининг умумий майдони.

Уй-жойларнинг умумий майдони – уйларнинг яшаш учун мўлжалланган хоналари ва ёрдамчи хоналар (ошхона, квартираларнинг олдинги ички йўлаклари, ванна, душ хонаси, ҳожатхона, омборхона ёки махсус хўжалик шкафи ҳамда иситиш тизимига эга бўлган яшаш учун яроқли, болахона ва айвон) майдонининг йиғиндиси.

Кўп квартирали уйлар – умумий мухандислик тизимлари ва квартиралардан ташқари жойлари мавжуд бўлган икки ва ундан ортиқ квартирали уйдир.

Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги – бир кишига тўғри келадиган умумий майдон. Бу кўрсаткич йил охирига мавжуд жами уй-жой фондиди доимий ўртача аҳоли сонига нисбати орқали ҳисобланади.

Уй-жой фондиди ободонлаштириш – турар-жойларни ободонлаштиришнинг алоҳида турлари (сув қувури, канализация, табиий газ, иссиқлик, иссиқ сув таъминоти) билан жиҳозлаш.

Турар-жой жиҳозланган деб ҳисобланади:

сув қувури билан, агар уйнинг ичида марказий сув таъминоти тизимидан ёки артезиан қудуғидан сув оқадиган сув таъминоти тизимининг тарқатиш тармоғи бўлса;

канализация билан, агар уйнинг ичида маиший сувни (нажосат сувни) кўча канализация тармоғига ёки сингдирувчи қудуққа тўкиш учун канализация мосламаси бўлса. Бундай ҳолда, канализация билан жиҳозланган майдон сув таъминоти билан жиҳозланган майдондан ошмаслиги керак;

табиий газ билан, агар турар-жойлар ва хонадонлар табиий газ тармоғига уланган бўлса;

иссиқлик билан, агар турар-жойлар ва хонадонлар марказлашган иссиқлик таъминотига ёки индивидуал ускуналар орқали иссиқлик таъминотига уланган бўлса;

иссиқ сув таъминоти билан - аҳолининг турар-жой эҳтиёжлари учун уй-жойларни иссиқ сув билан таъминлайдиган, марказлаштирилган махсус сув қувурлари уланган ёки квартирали сув иситгичлари, шу жумладан кичик ўлчамдаги иситиш қозонлари билан таъминланган бўлса, жиҳозланган деб ҳисобланади.

Квартира (уй) ларни ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси – ичимлик суви билан таъминланган квартира (уй) ларни мавжуд бўлган жами квартира (уй) ларга нисбати, фоизда аниқланади.

Уй (квартира) ларни табиий газ билан таъминланганлик даражаси газлаштирилган уй (квартира) ларни мавжуд бўлган жами уй (квартира) ларга нисбати, фоизда аниқланади.

Суюлтирилган газ билан жиҳозланган деб ҳисобланади, агар турар-жойлар ва хонадонлардаги газ плитаси, иситиш қурилмаси ва бошқа маиший қурилмаларга газ таъминоти газ балонлар орқали таъминланган бўлса.

Уйларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уй-жой фондига кирмайди.

Турар-жой бинолари фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар ҳисобланади.

8.4. **Хизматлар**

Хизматлар истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирувчи ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активлар билан айирбошлашига кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Хизматнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, хизматни бажариш ва уни истеъмол қилиш даврининг бир хил вақтга тўғри келиши ҳисобланади.

Маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи “Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми” статистик кўрсаткичи, истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, хизматлар бозор учун мўлжалланиб ишлаб чиқарилган ҳисобланади.

Нобозор ишлаб чиқарилган хизматларга, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган нархлар мавжуд бўлмаган шароитларда (бепул асосда) истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар қиради, улар ижтимоий йўналтирилган ҳисобланади ва ҳар қандай даражадаги бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, шунингдек жамоат ташкилотлари жамғармалари ҳисобидан тўланади.

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми, бу хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз, ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

Фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МСТ деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

Бозор хизматлари ҳажми МСТ бўйича таснифланган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади.

Бозор хизматларининг физик ҳажми индекси маълум давр оралиғидаги хизматлар ҳажмининг ўзгаришини акс эттирувчи ўлчанган қийматдир.

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган, шартнома нархлари бўйича аниқланади.

Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар нақд пул, шу жумладан пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Электрон тўловлар — техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш.

Электрон пуллар — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитентлари томонидан чиқариладиган пуллар бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номланиши лозим.

9. Демография ва меҳнат статистикаси

9.1. Асосий демографик кўрсаткичлар

Демография статистикаси (аҳоли статистикаси) – ижтимоий-иқтисодий статистиканинг соҳаларидан бири бўлиб, аҳоли сони, таркиби, аҳоли ёки унинг гуруҳларининг жойлашуви ва такрор ҳосил бўлиши билан боғлиқ маълумотларни статистик усуллардан фойдаланган ҳолда йиғиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва таҳлил қилиш фаолияти билан шуғулланади.

Аҳолининг табиий ҳаракати – аҳоли сонининг табиий ўзгаришини ифодаловчи туғилиш ва ўлим ҳолатларининг мажмуи бўлиб, унга никоҳлар ва никоҳдан ажралиш ҳолатлари ҳам киритилади.

Аҳолини рўйхатга олиш даврида доимий аҳолини жорий рўйхатга олиш аҳолини рўйхатга олиш натижалари асосида ва демографик ҳодисаларни жорий рўйхатга олиш маълумотларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Аҳоли – маълум ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар мажмуи бўлиб, аҳоли сони сифатида ҳисобга олинади.

Доимий аҳоли – бу рўйхатдан ўтказилаётган вақтда маълум ҳудудда доимий яшовчилардан иборат бўлиб, вақтинча яшамаётган аҳолини ҳам ўз ичига олади.

Шаҳар аҳолиси – шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли.

Қишлоқ аҳолиси – шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда - қишлоқ жойларда (овулар, қишлоқлар ва б.) истиқомат қилувчи аҳоли.

Доимий аҳолининг йиллик ўртача сони ҳисобот йили бошига ва охирига доимий аҳоли сонининг ўртача арифметик сонини ҳисоблаш орқали ҳосил қилинади.

Аҳолининг абсолют ўсиши (камайтиши) – маълум даврда аҳоли сонининг миқдорий ўсишини (ёки камайтишини) ифодалаб, кўриб чиқиладиган давр бошига ва охирига аҳоли сонининг айирмаси орқали ҳисобланади.

Ўртача йилда аҳоли сонининг ўсиш суръати – маълум бир даврдаги аҳоли сонининг неча мартага (фоизга) ошгани ёки камайтигини кўрсатади.

Ёш – имкони борида максимал аниқлик билан ўлчанган, туғилган вақтдан жорий дақиқагача бўлган давр оралиғига тенгдир. Масалан, инсонни туғилган вақтини аниқ билган ҳолда айтиш мумкинки, қандайдир вақтда унинг ёши 31 йил 4 ой 13 кун 7 соат 30 минут 28 секундга тенг.

Меҳнат ёшидаги аҳоли сони – 16 ёшдан 60 ёшгача эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллардан ташкил топади 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар **меҳнат ёшидан кичиклар**, 60 ёшдан катта эркаклар ва 55 ёшдан катта аёллар **меҳнат ёшидан катталар** тоифаларига ажратилади;

Тирик туғилганлик мезонлари - нафас, юрак уриши, киндик пулсатсияси, мускулларнинг беихтиёр қисқариши бири мавжуд бўлса ҳам бола тирик туғилган ҳисобланади. Бунда онанинг ҳомиладорлик муддати 22 ҳафта ва ундан ортиқ, боланинг бўйи 25 см ва ундан ортиқ, вазни 500 грамм ва ундан ортиқ бўлиши лозим.

Аҳолининг табиий ўсиши – маълум бир даврда жами туғилганларнинг жами ўлганларга нисбатан абсолют миқдорлари фарқи. Ушбу фарқ мусбат ёки манфий миқдор бўлиши мумкин.

Табиий ўсиш коэффициенти аҳоли табиий ўсишини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш ёки туғилиш ва ўлим коэффициентларининг айирмаси сифатида аниқланади (ўлчов бирлиги - промилле)

1000 туғилганга нисбатан (1 ёшгача болалар ўлими) гўдаклар ўлими коэффиценти - жорий йилда туғилиб, шу йили ўлган 1 ёшгача болалар сони бўлинадиган жорий йилда туғилганлар сонига қўшилади ўтган йилда туғилиб, жорий йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони бўлинадиган ўтган йилда туғилганлар сонига ва 1000 га кўпайтирилади (ўлчов бирлиги - промилле)

1000 аҳолига нисбатан никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар коэффиценти - ҳисобот йилида тузилган никоҳлар сонини (никоҳдан ажралишлар сонини) доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (ўлчов бирлиги - промилле)

1000 аҳолига нисбатан туғилиш ва ўлим коэффиценти – ҳисобот йилида жами туғилганлар (тирик) ва ўлганлар сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (ўлчов бирлиги - промилле)

Туғилишнинг ёш коэффиценти – 1000 та X дан $X+N$ ёшгача бўлган аёлларнинг ҳаёти давомида улардан туғилган болаларнинг ўртача сони.

Туғилишнинг йиғинди коэффиценти ҳар бир ёш оралиғининг узунлигини ҳисобга олган ҳолда ёш коэффицентларининг йиғиндиси сифатида ҳисобланади. Мос ёш гуруҳларидаги аёллардан туғилган болалар сони Мос ёш гуруҳларидаги аёлларнинг йиллик ўртача сонига бўлиниб мингга кўпайтирилиб Мос ёш гуруҳларидаги йиғинди қўшилади ёш гуруҳлари сонига бўлинадиган ва мингга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

100 000 аҳолига нисбатан ўлимнинг алоҳида сабаблари коэффиценти - ҳисобот йилида алоҳида сабабларга кўра ўлганлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 100 000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади

Аҳоли миграцияси – бу аҳолининг(мигрантларнинг) маълум бир ҳудуд (мамлакат, вилоят, туман ва аҳоли пункти) чегараси орқали яшаш жойини ўзгартириш мақсадида кўчиб юриши.

Мигрант – миграция жараёнларида бевосита иштирок этувчи шахс бўлиб, ҳар бир мигрант ўзининг кетган ҳудуди учун кўчиб кетувчи ва келган ҳудуди учун кўчиб келувчи шахс ҳисобланади.

Кўчиб келганлар сони – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат.

Кўчиб кетганлар сони – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудуддан унинг ташқарисига кўчиб кетганлардан иборат

Аҳолининг миграцион ўсиши (сальдо) – маълум бир даврда маълум бир ҳудудга келган аҳолининг ушбу ҳудуддан кетган аҳолига нисбатан абсолют миқдордаги фарқи. Ушбу фарқ мусбат (агар келганлар сони кетганлар сонидан кўп бўлса) ёки манфий (агар келганлар сони кетганлар сонидан кам бўлса) миқдор бўлиши мумкин.

Миграция коэффиценти - аҳолининг миграцион ўсишини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш ёки кўчиб келганлар коэффицентидан кўчиб кетганлар коэффицентларини айирмаси сифатида аниқланади (ўлчов бирлиги - промилле).

Аҳоли сонини баҳолаш – ҳисобот йили бошидаги аҳоли сонига ҳисобот давридаги туғилганлар ва кўчиб келганлар сонини қўшиб, ўлганлар ва кўчиб кетганлар сонини айириб ташлаш натижасида ҳосил қилинадиган, мамлакат ҳудуди ёки унинг бир қисми аҳолиси сонини дастлабки аниқлаш.

Аҳолининг умумий ўсиши – бу аҳолининг табиий ўсиши ва миграцион ўсишининг йиғиндисидир.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўмумий ўсиши - бу табиий ўсиш, миграцион ўсиш ва аҳоли пунктлари ҳолатининг ўзгариши ҳисобига шаҳарга (қишлоқ) ўтган аҳоли сонининг йиғиндиси (қонунчиликка асосан қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарга ёки шаҳардан қишлоққа).

Туғилишда кутилаётган умр давомийлиги – ёшлар бўйича ўлим даражаси кўрсаткичи, ушбу кўрсаткич ҳисобланган йил даражасида сақланиб қолган шартларда туғилган инсонларнинг кутилаётган ўртача умр кўриш йиллари сони.

Аҳолини рўйхатга олиш – маълум бир вақт ҳолатига мамлакат ёки унинг аниқ чегараланган қисмида яшовчи жами аҳоли тўғрисидаги демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш жараёни.

Неонаталь ўлим – туғилишдан сўнг 0-27 кун оралиғида содир бўлган ўлим ҳодисаси.

Болалар ўлими – 0-4 ёшгача бўлган болалар ўлими ҳодисаси.

Оналар ўлими – ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги даврдаги асоратлар ва абортлар оқибатида содир бўлган аёллар ўлими ҳодисаси. Оналар ўлимига, ўлим содир бўлган жойидан (туғруқхонада, ички касалликлар, жарроҳлик, онкология, юқумли касалликлар шифохонаси ёки бўлимларида ва бошқа жойларда), ўлимнинг ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқлигидан (бахтсиз ҳодисалардан ташқари) ҳамда ҳомиладорлик давридан қатъий назар, туғруқдан сўнг 42 кун давомида ёки ҳомиладорлик даврида вафот этган барча аёллар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Никоҳ – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади.

Никоҳ ёши – Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига мувофиқ белгиланади.

Никоҳ ҳолати – шахснинг никоҳга нисбатан ҳуқуқий меъёрлар ва мамлакат урф-одатларига мувофиқ белгиланадиган ҳолати (никоҳда бўлмаган, никоҳда бўлган, бева (тул), ажрашган).

Никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш) – эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи, никоҳларининг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ ФХДЁ ёки суд органларида ажралиш рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.

Аҳолининг миллий таркиби – аҳолининг миллати бўйича тақсимланиши.

Туғилиш – туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич.

Аҳолининг қайта кўпайиши – туғилиш ва ўлим ҳолатлари натижасида аҳолининг янгиланиши (болалар туғилиши ҳисобига авлод алмашинуви).

Репродуктив (фертиль) давр – аёлнинг туғиш лаёқатига эга бўлган (15 дан 49 ёшгача) даври.

Гўдаклар ўлими – ҳаётининг биринчи йилида содир бўлган болалар ўлими ҳодисаси.

Ўлим сабаблари – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек ўлим билан якун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари.

Яшаш жойи – фуқаронинг муайян яшаш жойи бўйича (турар жой, квартира, “Саҳоват”, “Мурувват”, “Меҳрибонлик” уйлари, оила типдаги болалар уйлари, болалар учун мактаб-интернатлар, гўдаклар уйлари, SOS болалар қишлоғи, ётоқхоналар) доимий ёки асосан яшайдиган жой.

Ташқи миграция – жисмоний шахсларнинг бошқа давлатлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёки Ўзбекистон Республикасидан бошқа хорижий давлатларга кўчиб юриши.

Ички миграция – кишиларнинг (вақтинча ёки доимий) мамлакатнинг бир ҳудудидан бошқа ҳудудга яшаш жойини ўзгартириш мақсадида кўчиб юриши.

Демографик жараёнларнинг жорий ҳисоби – ҳар ойда ички ишлар, адлия органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан статистика органларига келиб тушадиган аҳоли тўғрисидаги бирламчи маълумотлар асосида, туғилганлар, ўлганлар, кўчиб келганлар, кўчиб кетганлар, рўйхатга олинган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш.

9.2. Меҳнат статистикаси

Меҳнат ресурслари баланси - меҳнат ресурслари сони ва таркиби мавжудлигини ҳамда уларни меҳнат билан банд бўлган фуқаролар, ишсизлар ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли бўйича тақсимланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими.

Меҳнат ресурслари - меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлган шахслар.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли - ишламаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларидан ва ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар).

Иқтисодий фаол аҳоли - меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли - меҳнат билан банд деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ўқувчилар ва талабалар;
- уй бекалари ва болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;
- ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

Меҳнат билан банд бўлган фуқаролар:

- ёлланиб ишлаётганлар, шу жумладан ишларни тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

- касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сақланиб қоладиган бошқа ҳолатларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар;

- ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган фуқаролар;

- ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, ҳунармандлар, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчилар;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

- нодавлат нотижорат ташкилотларида, шу жумладан, ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган диний ташкилотларда ишловчилар.

Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар) - қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар, шунингдек, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга эга бўлмаган, мустақил равишда иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

Расмий равишда рўйхатга олинган ишсизлар - 16 ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, меҳнат органларида иш қидирувчи, ишлашга, касб бўйича тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга тайёр шахс сифатида рўйхатга олинган шахслар;

Иқтисодийнинг **расмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар** жумласига куйидагилар киради:

- давлат ижтимоий суғурта бадали тўлови бўйича корхона, муассаса ва ташкилотларнинг солиқ ҳисоботларида қайд этилган шахслар;
- ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда қонунчиликка мувофиқ давлат ижтимоий суғурта бадали тўловидан озод этилган ташкилотлар ходимлари;
- якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари, қорамол ўстириш билан банд бўлган ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлганлар, ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловини мажбурий ёки ихтиёрий равишда амалга ошираётган шахсий ёрдамчи хўжаликларда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлганлар.

Иқтисодийнинг **норасмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар** жумласига солиқ органларида ҳисобга турмаган куйидаги шахслар киради:

- давлат ижтимоий суғурта бадали тўламасдан ҳақиқатда деҳқон хўжаликларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган деҳқон хўжаликлари аъзолари;
- уйда пулли хизматлар кўрсатиш бўйича меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаган тадбиркорларда (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобиль ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар) ёлланиб ишлаш билан мустақил банд бўлган шахслар;
- тадбиркорларга ёлланиб ишловчи шахслар, шу жумладан уларнинг оила аъзолари ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловисиз ва меҳнат муносабатлари расмийлаштирилмаган жисмоний шахслар (қурувчилар, юк ташувчилар, фаррошлар, ишчилар ва бошқалар).

Иқтисодийнинг норасмий секторида **бандлик мезонларига** куйидагилар киради:

- ҳафтасига камида икки соат иқтисодийнинг норасмий секторида ҳақ тўланадиган ҳар қандай фаолият тури билан бандлик;
- бандлик мунтазамлиги - иқтисодийнинг норасмий секторидаги бандликдан тушган ҳар ҳафталик даромаднинг мавжудлиги;
- 10 сотих ер майдонида шахсий ёрдамчи хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган уй хўжалиги бошқарувидаги ер майдонининг мавжудлиги.

Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сонига меҳнат шартномаси (контракт) асосида доимий, вақтинчалик ва мавсумий бир кун ва ундан ортиқ муддат ишлаган ёлланма ишчилар киритилади. Ходимлар сони маълум бир санага, яъни ойнинг биринчи ёки охирига санасига кўрсатилади. Бунда ҳақиқатда ишлаётганлар, вақтинча ишламаётган, бироқ ишга расман бириктирилганлиги ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳам ҳисобга олинади.

Ўриндошлар –асосий иш билан бирга бошқа доимий ишни бажарувчи ходим. Ўриндош ташқаридан бўлиши билан бирга ички яъни ташкилотнинг ўзида ишловчи ходим бўлиши мумкин.

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони – мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган, иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сони.

Жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар – мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларга тўлаш учун ҳисобланган пул маблағлари бўлиб, тўлов ҳужжатларига мос ҳолда тўлаш учун ҳисобланган пул маблағлари киради ва Солиқ кодексининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар тўғрисидаги моддаларига асосан шакллантирилади. Бунда кўрсатилган суммалар

қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа ушланмаларни чегириб ташлашларсиз олинади.

Устама, рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов, компенсация ва бошқа қўшимча тўловлар – юридик шахснинг рағбатлантириш тўғрисидаги тартибига асосан, доимий равишда тўланадиган устама, рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов, компенсация ва бошқа қўшимча тўловлар.

Реал иш ҳақи деганда, жорий даврдаги номинал иш ҳақи суммасига базис давр нархларидан келиб чиққан ҳолда сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори тушунилади. Реал иш ҳақи – номинал иш ҳақини худди шу даврдаги истеъмол нархларининг индексига бўлиш орқали ҳисобланади.

Ўртача иш ҳақи – бир ходимга ёки ишланган иш вақтига ҳисобланган ўртача иш ҳақи.

Ҳақиқатда ишланган иш вақти – ходимнинг ҳақиқатда меҳнатга сарфлаган иш вақти давомийлиги.

Таркибий ўртачалар – статистик тўплам тузилишини тавсифлаш учун қўлланадиган махсус кўрсаткичлар.

Ходимлар сони тақсимланишининг интервалли ўзгарувчан қаторлари – ҳисобланган иш ҳақи миқдорининг интерваллари ва тегишли интервалга тушган ходимлар сони ўртасидаги мувофиқликни тенг интервалда гуруҳланган жадвали.

Модал иш ҳақи (M_0) – ҳисобланган иш ҳақи миқдори бўйича ходимлар сонининг тақсимланиши қаторида энг кўп учрайдиган иш ҳақи миқдори.

Иш ҳақи медианаси (M_e) – ҳисобланган иш ҳақи миқдори бўйича ходимлар сонининг тақсимланиши қаторини тенг иккига бўлувчи иш ҳақи миқдорини ифодалаб, тақсимланган қаторни медианадан паст ва ундан юқори бўлган тенг икки қисмга ажратади.

Децил (D) – интервалли ўзгарувчан қаторлар тақсимланишининг ўндан бир қисми.

Квинтил (N) – интервалли ўзгарувчан қаторлар тақсимланишининг бешдан бир қисми.

Квартил (R) – интервалли ўзгарувчан қаторлар тақсимланишининг тўртдан бир қисми.

Табақаланиш коэффиценти (K) – кам ҳақ тўланадиган ходимлар гуруҳларига нисбатан юқори иш ҳақи тўланадиган ходимлар гуруҳлари иш ҳақининг ортиқча миқдорини белгилайди.

Частоталар (f) – мазкур ҳисобланган иш ҳақи миқдори ходимларнинг умумий сонидан қанчасига ҳисобланганлигини ифодаладиган сон.

Тўпланган частоталар (S) – частоталарни (ҳар бир интервалга тўғри келадиган ходимлар сони) энг кичик қийматли интервалдан бошлаб, қадамма-қадам йиғиш йўли билан ҳосил бўлади.

10. Аҳолининг турмуш даражаси

Аҳоли турмуш даражаси статистикаси - аҳолининг ижтимоий турмуш шароитлари ва ишлаб чиқариш ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган моддий ва маънавий манфаатларга бўлган эҳтиёжларини қондириш масалаларини ўрганади. Хусусан: даромадларни шакллантириш; моддий бойликлар ва маданий хизматларни истеъмол қилиш; уй-жой таъминоти; аҳолини бандлиги; таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт тизимини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий таъминот масалалари ва бошқалар.

Турмуш даражаси статистикаси бўйича маълумот манбаи халқаро экспертлар тавсиялари асосида ишлаб чиқилган уй хўжаликлари танлама кузатуви ҳисобланади.

Уй хўжалиги – маълум бир турар-жой манзилида бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзгор юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда, уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас.

Уй хўжаликларининг умумий даромадлари – бу уй хўжаликларининг пул ва натура кўринишида олган даромадларидир. Уй хўжаликларининг умумий даромадлари уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари асосида шакллантирилади.

Оила – никоҳ ёки қариндошлик муносабатларига асосланган, умумий ҳаёт ва ўзаро масъулият орқали боғланган кишилар бирлашмаси.

Уй хўжалиги пул харажатлари – истеъмол ва ноистеъмол харажатлардан таркиб топади. Ўз навбатида, уй хўжалигининг истеъмол харажатлари, истеъмол товарлари ва хизматларини харид қилишга (яъни, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, уйдан ташқарида овқатланишга, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга ва пуллик хизматларга) йўналтирилган харажатларни ўз ичига олади. Ноистеъмол харажатларга солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва истеъмол билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги харажатлар киради.

Уй хўжаликларининг умумий даромадлари – бу уй хўжаликларининг пул ва натура кўринишида олган даромадларидир. Уй хўжаликларининг умумий даромадлари уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари асосида шакллантирилади.

Уй хўжаликларининг умумий ва истеъмол харажатлари – истеъмол ва ноистеъмол харажатлардан таркиб топади. Ўз навбатида, уй хўжалигининг истеъмол харажатлари, истеъмол товарлари ва хизматларини харид қилишга (яъни, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, уйдан ташқарида овқатланишга, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга ва пуллик хизматларга) йўналтирилган харажатларни ўз ичига олади. Ноистеъмол харажатларга солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва истеъмол билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги харажатлар киради.

Истеъмол харажатлари – бу аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларни сотиб олишга йўналтирилган пул харажатлари. Истеъмол харажатлари озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, уйдан ташқарида овқатланишга, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари сотиб олишга ва пуллик хизматларга харажатлардан иборат.

Уй хўжалиги бошлиғи – уй хўжалиги аъзоларининг ихтиёрига кўра аниқланади. Бунда, ушбу уй хўжалигининг ёш жиҳатдан энг катта бўлган вакили ёки хўжаликни бошқарадиган ёки уй хўжалигига кўпроқ даромад келтирувчи уй хўжалиги аъзоси уй хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин.

Саволнома – кузатув давомида уй хўжалиги (унинг аъзоси) тўғрисида маълумот олиш мақсадида аниқ шакллантирилган саволлар рўйхатидан иборат бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат.

Интервьюер – кузатув жараёнида танловга тушган уй хўжаликлари аъзолари билан савол-жавоб (интервью) ўтказадиган ҳудудий статистика бошқармаси ходими.

Респондент – кузатув ўтказиладиган уй хўжалигининг интервью саволларига жавоб берадиган аъзоси. Респондент уй хўжалигининг бошлиғи ёки ушбу уй хўжалиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган бошқа аъзоси бўлиши мумкин.

Информант – кузатув ўтказиладиган уй хўжалиги аъзоларининг кунлик харажатлари тўғрисида маълумотларни белгиланган саволномага (кундаликка) ёзиб борадиган уй хўжалиги аъзоси.

Уй хўжалигининг банд (ишловчи) аъзолари – бир ҳафтага тенг маълум бир қисқа вақт давомида, ёлланма (ҳақ тўланадиган) ходим сифатида ёки мустақил равишда банд бўлган, уй хўжалигининг 16 ёш ва ундан катта аъзолари.

Уй хўжаликларида аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли – уй хўжалигида истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари умумий ҳажмининг (умумий овқатланишни ҳисобга олмаган ҳолда) уй хўжалиги аъзолари сонига нисбати ҳисобланади. Истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий ҳажмига сотиб олинган ва уй хўжалигига тўловсиз келиб тушган (шахсий ёрдамчи хўжалигидан, совғага) шахсий истеъмол учун сарфланган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори киради.

Уй хўжалигида ишлаб чиқариш – уй хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси ҳисобланган, ўз шахсий истеъмоли ҳамда сотиш учун ҳам мўлжалланган товарлар, маҳсулотлар ва хизматлар қиймати.

Аҳолининг умумий даромадлари - доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Аҳоли бирламчи даромадлари - ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар - меҳнат фаолиятдан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар киради.

Меҳнат фаолиятдан олинган даромад - ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

Ёлланма ишчиларнинг даромади – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар қўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш қўринишидаги даромадлар.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад - мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкӣ даромадлар) - мулкӣ эгалик қилиш ҳукуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

Фондлар – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонотлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлар.

Дивидендлар – сармоядор (жисмоний шахс) нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

Муаллифлик ҳақи – яратилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳукуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа

мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

Рента – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлар.

Трансфертлар – бу уй хўжаликларига товар, хизмат ёки актив эвазига қопланмасдан товарлар, хизматлар ва активларнинг келиб тушишидир.

Пенсиялар – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

Нафақалар – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қobiliятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари.

Стипендия – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

Бошқа жорий трансфертларга уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан (мунтазам молиявий ёрдамлар, масалан, алиментлар, болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар, нотижорат ҳомийлик ташкилотларидан, касаба уюшмаларидан ва шунга ўхшашлардан мунтазам равишда тўланадиган) амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансфертлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

Аҳолининг номинал умумий даромадлари - бу тегишли давр нархларида (ҳақиқий нархларда) ифодаланган умумий даромадларнинг мутлақ кўрсаткичи.

Аҳолининг реал умумий даромадлари - бу аҳолининг номинал умумий даромадларини тегишли давр учун истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткич.

Аҳоли ихтиёридаги даромад умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан бериладиган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

Аҳолининг номинал, реал ва ихтиёридаги умумий даромадларининг жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари умумий даромадларнинг умумий ҳажмини тегишли давр учун ўртача доимий аҳоли сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Аҳоли ихтиёридаги даромад умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан бериладиган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади. Аҳолининг номинал, реал ва ихтиёридаги умумий даромадларининг жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари умумий даромадларнинг умумий ҳажмини тегишли давр учун ўртача доимий аҳоли сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Фондлар коэффиценти ва **Жини коэффиценти** аҳолининг ижтимоий табақаланиш даражасини уларнинг даромад даражасига қараб тавсифловчи коэффицентлардир.

Фондлар коэффиценти юқори даражада таъминланган 10 (20) фоизли ва энг кам таъминланган 10 (20) фоизли аҳоли гуруҳларининг даромадлари умумий (ўртача) қиймати ўртасидаги фарқланишнинг мавжудлигини белгилайди.

Жини коэффициент алоҳида шахслар ёки уй хўжаликлари даромадларининг ҳақиқий тақсимланишини мутлақ тенгликдан четланиш даражасини (аҳоли даромадларини тақсимланишида тенгсизлик даражаси) ифода этади. Жини коэффициенти 0 дан (мутлақо тенглик) 1 гача (мутлақо тенгсизлик) оралиғида ўлчанади, яъни индекс 1 га қанчалик яқин бўлса, даромадларнинг жамиятда қутбланиши шунчалик юқори бўлади.

Мустақил равишда банд бўлиш – бу, рағбатлантириш миқдори мустақил равишда ташкил этилган меҳнат жараёнига уй хўжалиги аъзоларининг жалб қилиниши натижасида олинган даромадга бевосита боғлиқ бўлган бандлик;

Уй хўжалигида ишлаб чиқариш – уй хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси ҳисобланган, ўз шахсий истеъмоли ҳамда сотиш учун ҳам мўлжалланган товарлар, маҳсулотлар ва хизматлар қиймати.

Ўртача жон бошига умумий даромадлари даражаси бўйича аҳолининг тақсимланиши – моддий фаровонлик даражаси бўйича аҳолининг табақаланишини ифода этади ва аҳоли сонини (ёки улушини) жон бошига умумий даромадлари даражаси бўйича берилган $((X_{\max} - X_{\min})/n)$ оралиқларда гуруҳланган кўрсаткичларни ўзида акс эттиради.

Аҳолининг табақаланиши кўрсаткичларини ҳисоблаш уй хўжаликлари танлама кузатувлари натижаларига асосланади.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли - ёлланиб ишлаётганлар, шу жумладан ишларни тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сақланиб қоладиган бошқа ҳолатларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар;

ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган фуқаролар;

ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, ҳунармандлар, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчилар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ва бошқалар;

нодавлат нотижорат ташкилотларида, шу жумладан, ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган диний ташкилотларда ишловчилар.

11. Ижтимоий соҳа

11.1. Соғлиқни сақлаш

Соғлиқни сақлаш статистикаси – соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиш кўрсаткичлари (соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи, уларнинг ҳолати ва ускуналари, тиббий ходимлари), умумий аҳоли саломатлиги ҳолати ва унинг алоҳида контингентларининг миқдорий хусусиятлари, аҳоли ва унинг алоҳида гуруҳлари касалланишининг тарқалиши, таркиби ва частотаси.

Тиббиёт муассасалари тармоғига шифохона ва амбулатория-поликлиника, тез тиббий ёрдам, оналик ва болалик ҳимоясини таъминлаш ҳамда санитария-эпидемиология йўналишидаги ва бошқа муассасалар киради.

Шифохона муассасаларида зарурий анжомлар билан жиҳозланган ва банд бўлиши ёки банд бўлмаслигидан қатъий назар беморларни қабул қилиш учун тайёр турган шифохона ўринлари ҳисобга олинади. Аҳолини стационар даволаниш билан таъминланганлик (касалхоналардаги ўринлар) аниқлаш учун "ҳар 10000 кишига тўғри келадиган касалхоналар сони" йил охиридаги аҳоли сонига қараб ҳисобланади.

Амбулатория-поликлиника муассасалари сонига аҳолининг ушбу муассасаларга қатнаб ёки шифокорларнинг уйларга ташриф буюриши орқали аҳолига даволаш профилактика ёрдами кўрсатувчи муассасалар киритилади. Улар қаторига мустақил поликлиникалар, диспансерлар, шифохоналарнинг поликлиника бўлимлари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, тиббий санитария қисмлар, амбулаториялар, кишлоқ (шаҳар) врачлик пунктлари, мустақил врачлик тиббиёт пунктлари, аёллар маслаҳатхоналари ва бошқалар киради.

Нодавлат тиббиёт ташкилотлари - фаолияти лицензияланган давлат соғлиқни сақлаш тизимида кирмайдиган ташкилотлар

Амбулатория-поликлиника муассасалари қуввати бир сменадаги қатновлар сони билан ҳисобланади ва "100 000 аҳолига нисбатан амбулатория-поликлиника муассасалар қуввати" кўрсаткичи билан тавсифланади.

Ўринлар жамғармаси – стационар даволаш муассасалари (касалхоналар, туғруқхоналар, стационарлар, ихтисослаштирилган диспансерлар ва бошқалар) мажмуаси, маълум бир ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Тиббий ихтисослик ўринлари ва барча ўринлар билан аҳолини таъминлаш кўрсаткичи ҳисобланади. Кўрсаткичлар, қоида тариқасида, 10 минг аҳоли учун ҳисобланади.

Кунлик ўрин – бу бемор томонидан шифохонада ўтказиладиган бир кун. Ўринлар жамғармасидан фойдаланган ҳолда шифохона қуввати бирлик ўлчови билан ўлчанади. Касалхона иши ҳажми одатда шифохонадаги барча беморлар ўтказган ётоқ кунларининг умумий сони билан белгиланади.

Тиббий ходимлар таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий муассасалари, бошқа вазирлик ва идоралар, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналар, шу жумладан хусусий муассасалар шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимлари киритилади.

Шифокорларнинг умумий сонига соғлиқни сақлаш муассасаларида, санаторий-курорт муассасаларида, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида илмий тадқиқот институтларида, соғлиқни сақлашнинг бошқарув органи аппаратида ишлаётган олий тиббий маълумотига эга барча мутахассислар ҳисобга олинади. Ушбу кўрсаткичда олий маълумотли ва ўрта махсус маълумотли стоматологларни ҳам ҳисобга олинади. Шифокорлар сони шифокорлар эгаллаб турган лавозимлар сонини эмас, балки шахсларни ўз ичига олади.

Аҳолига тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини аниқлаш учун “ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган шифокорлар сони” ёки “ҳар бир шифокорга тўғри келадиган аҳоли сони” йил охиридаги аҳоли сонига қараб ҳисобланади.

Ўрта тиббиёт ходимларининг умумий сонига тиббий-санитария ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, болалар уйлари ва ҳоказоларда ишловчи ўрта тиббий маълумотга эга бўлган (тиш шифокорларидан ташқари) барча шахслар киради. Аҳолини ўрта тиббиёт ходимлар билан таъминлаш шифокорлар таъминотига ўхшаб белгиланади.

Маълум бир йилда касаллик тури бўйича биринчи марта ташхис қўйилган беморлар (ҳолатлар) сони касалланиш даражасини тавсифлайди. Касалланиш даражаси янги ташхис қўйилган беморлар сони ўртача йиллик аҳоли сонига нисбатан аниқланади. Олинган натижа 100 000 га қўпайтирилади.

Аҳоли касаллиги тўғрисидаги статистик маълумотларни ишлаб чиқиш учун X касалликларнинг халқаро таснифи (ICD-X) қўлланилади.

Ногиронлик ва ўлим билан боғлиқ жабрланувчилар сони – меҳнат мажбуриятларини бажариш пайтида, шунингдек иш жойида ёки корхона томонидан тақдим этилган транспортда ишлаш пайтида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларда жароҳат олганлар ҳисобга олинади.

Аҳолининг касалланиш даражаси йил давомида тиббий муассасага мурожат қилганда ёки мунтазам текширув пайтида аниқланган (ёки диспансер кузатувиغا олинган) беморларнинг сони билан тавсифланади.

Бирламчи касалланиш - ҳисобот йили давомида аниқланган (ёки диспансер кузатувиغا олинган) ҳолатлар сони бўйича аниқланган, биринчи марта ташхис қўйилган, рўйхатдан ўтган беморларнинг сони, ҳаётларида биринчи марта касалликларининг аниқ турлари бўйича ташхис қўйилган беморлар.

Йил охирида тиббий профилактика муассасаларида рўйхатдан ўтган беморлар сонига амбулатория поликлиникаларига ёрдам сўраб мурожат қилган у ёки бу касаллика чалинган барча беморларнинг умумий сони киради. Кўрсаткич йил охирида соғлиқни сақлаш муассасаларида рўйхатдан ўтган беморларнинг йил охиридаги аҳоли сонига нисбати сифатида ҳисобланади.

Аҳолининг 100000 кишига тўғри келадиган касалланиш даражаси доимий аҳолининг ўртача йиллик сонига нисбати сифатида ҳисобланади.

Барча ихтисосликдаги шифокорларнинг сони йил охирига тиббий, санитария ташкилотларида, ижтимоий таъминот муассасаларида, илмий-тадқиқот муассасаларида, шунингдек тиббиёт ходимларини тайёрлаш муассасаларида, соғлиқни сақлаш идоралари ва бошқа ташкилотларда ишлаётган барча олий тиббий маълумотга эга шифокорларнинг сони кўрсатилади.

Ўрта маълумотли тиббиёт ходимларининг сони йил охирига қадар тиббий, санитария ташкилотларида, ижтимоий таъминот муассасаларида ва бошқа ташкилотларда ишлаётган барча ўрта тиббий маълумотли мутахассисларнинг (шу жумладан стоматологларнинг) сони кўрсатилади.

Касалхона муассасаларидаги касалхоналар ётоқлари сонига, рўйхатдан ўтиш пайтида беморлар банд бўлган-бўлмаслигидан қатъий назар, зарур ускуналар билан жиҳозланган ва беморларни қабул қилишга тайёр бўлган, йил охирида амалдаги ётоқлар киради.

Беморнинг касалхонада бўлишнинг ўртача давомийлиги касалхонадаги барча беморлар ётган кунлар сонини кетган беморлар сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Миллий эмлаш тақвими (Ўзбекистон Республикасида белгиланган муддатда мунтазам эмлашлар схемаси) етти асосий юқумли касалликларга қарши эмлашни назарда тутди: сил, полиомиелит, дифтерия, кўкйўтал, қоқшол, қизамиқ, паротит. Эмлашнинг миллий жадвалига мувофиқ, эмлаш (вакцинация) ва қайта эмлаш (ревакцинация) нинг бошланғич курси учун ёш белгиланади.

Биринчи марта ногирон деб тан олинган шахслар сони аҳолининг саломатлик ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлардан биридир. Бу сурункали касаллик ёки жароҳат натижасида доимий ёки узоқ муддатли ногиронлиги бўлган одамлар сонини кўрсатади.

11.2. Таълим

Таълим статистикаси-мактабгача, умумий таълим (бошланғич ва умумий ўрта), ўрта махсус, касб-хунар, олий ва қўшимча таълим муассасалари фаолиятини ўрганувчи статистика соҳаси.

Кўрсаткичлар тизими таълим соҳасида рўй бераётган миқдор ва сифат бўйича ўзгаришларни тавсифлайди, умумтаълим муассасалари сони, ўқувчилар таркиби, ўқув жараёнининг ички самарадорлиги хусусиятлари, таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги маълумотлар, мутахассисларнинг битириши, ҳар бир таълим даражаси учун ўқитувчилар таркибининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, умумтаълим муассасаларининг моддий-техник базаси тўғрисида маълумот олишга имкон беради

Таълим – таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён.

Таълим даражаси – турли даражадаги ўқув дастурлар бўйича бир кишининг ва умуман аҳолининг ўзлаштириш статистик кўрсаткичи бўлиб 16 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг саводхонлиги тушунилади

Таълим турлари қуйидагилардан иборат:

- мактабгача таълим ва тарбия;
- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
- профессional таълим;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим муассасалари - мактабгача таълимнинг турли йўналишлардаги умумий таълим дастурларини амалга оширади, 7 ёшгача бўлган болаларни парваришлайди, назорат қилади, соғлигидан хабардор бўлади, таълим ва тарбия беради.

Мактабгача таълим муассасалари сони – бу мактаб ёшига етмаган болаларни тарбиялаш бўйича доимий муассасалар сонидир. Мактабгача таълим муассасаларига боғчалар (3 ёшгача бўлган болалар учун), боғчалар (3 ёшли болалар учун) ва йилнинг камида 8 ойи давомида ишлайдиган болалар боғчалари (3 ёш ва ундан катта болалар учун) киради.

Мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони – йил охирида мактабгача таълим муассасалари рўйхатига киритилган мактабгача ёшдаги болалар, шунингдек ушбу муассасалардаги биринчи синф ўқувчилари киради.

Болаларни жой билан таъминлаш – доимий мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сонининг улардаги жойлар сонига нисбати. Қиёсий таҳлилда мактабгача таълим муассасаларида ҳар 100 та ўринга тўғри келадиган болалар сони тўғрисидаги маълумот қўлланилади. Натижада мактабгача таълим муассасаларида жойларнинг жорий етилиши билан боғлиқ маълумот келиб чиқади.

Мактабгача ёшдаги болалар учун мактабгача таълим муассасаларида жойлар билан таъминлаш (ҳар 1000 та болалар учун жойлар мавжудлиги) мактабгача таълим муассасаларидаги жойлар сонининг демографик статистикага кўра 1-6 ёшдаги болалар сонига нисбати билан белгиланади.

Таълим муассасалари сони - бу умумий таълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, ихтисослаштирилган ўрта, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларининг умумий сонини ўз ичига олади.

Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар (талабалар) сони – умумтаълим мактаблари, ўрта-маҳсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларидаги ўқувчилар (талабалар) ва ва ўқув йили бошида рўйхатда бўлганлар сони. Статистик ҳисоботларда ўқувчилар (талабалар) сони ҳақидаги маълумотлар ҳудуди, таълим муассасаси турлари, ўқув юртларининг тармоқ ихтисослиги (олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари), шаҳар ва қишлоқ жойлар (мактаблар), синфлар (курслар), жинси, ўқитиш тили ва бошқа кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқилади.

Таълим муассасаларига қабул қилиш маълум ўқув йилида ўқишга қабул қилинганлар сонининг кўрсаткичидир. Қабул қилинган талабалар сонига қайта ўқиётган талабалар ва аввал ўқитилган ўқувчилар сонидан қайтганлар кирмайди.

Таълим муассасаларини битирувчилари - ўқув юртларида ўқиш курсини тўлиқ тугатган ва тегишли таълим (мутахассислик) олган шахслар сони.

Умумтаълим муассасалари – болалар ва ёшларни ўқитиш, ҳар томонлама ривожлантириш ва эстетик тарбиялашни таъминлайдиган муассасадир. Умумий таълим мактаби таълим жараёнини бир ёки бир неча ўқув дастурлари асосида амалга оширади.

Мактаблар таълим даражаси турига қараб гуруҳланади: бошланғич, қуйи ўрта, ўрта, мактаб-интернатлар, турли касалликларга чалинган болалар учун санаторий мактаблари, ақлий ёки жисмоний имконияти чекланган болалар учун мактаблар, турли фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар, гимназиялар, лицейлар ва бошқалар.

Умумтаълим муассасаларида ўқувчилар сони - умумий таълим мактабларида ўқувчилар сони ва ўқув йили бошида рўйхатга киритилганлар.

Умумтаълим муассасаларини битириши - ўрта таълим мактабларида ўқишни тамомлаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида (9-синф битирувчилари учун), олий таълим муассасаларида (11-синф битирувчилари учун) қабул қилинган ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома олган шахслар сони.

Ўқитувчилар сони – ўқувчилар (талабалар) таълим-тарбияси билан шуғулланувчи ўрта, олий ёки маҳсус тайёргарликка эга бўлган шахслар сони.

Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари) ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими билан мутахассислар тайёрлайди.

Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқиш шакллари (кундузги, кечки, сиртки) ва ўқув юртларининг ихтисослик фаолияти бўйича бўлинади.

Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ўқувчилар сони - ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ўқувчилар сони ва ўқув йили бошидаги рўйхатга киритилганлар.

Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 10 минг аҳолига тўғри келадиган ўқувчилар сони ўқув йили бошидаги ўқувчилар сонининг календар йил бошидаги мавжуд аҳоли сонига нисбатан аниқланади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш - маълум ўқув йилида ўқишга қабул қилинганлар сонидан иборатдир. Бу тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битирганлик - ўқиш курсини тугатган ва тегишли таълим ёки мутахассисликни олган шахслар сони. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган шахслар таълим олган мутахассислигига мувофиқ малака ва диплом берилади.

10,000 аҳоли бошига ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мутахассислари битирувчилар сонининг маълум бир йилдаги мавжуд аҳолининг ўртача йиллик сонига нисбатан аниқланади.

Олий таълим муассасалари - бозор иқтисодиёти эҳтиёжларига, замонавий ишлаб чиқариш, фан, техника ва маданият талабларига, иқтисодий ривожланиш истиқболларига мувофиқ олий касбий таълим бўйича мутахассислар тайёрлайдиган ва тадқиқотлар олиб борадиган муассасалардир.

Олий ўқув юртларига қуйидагилар киради: университетлар, институтлар, консерваториялар, академиялар, олий мактаблар ва бошқалар.

Олий таълим икки босқичга эга: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият - камида 4 йил ўқиш даврига эга бўлган асосий олий таълим.

Магистратура – маълум бир мутахассислик бўйича бакалаврият асосида камида 2 йил ўқиш муддати бўлган олий таълим.

Олий таълим муассасалари таълим шакли бўйича бўлинади:

- ишлаб чиқариш жараёни узилиши билан – кундузги таълим, ишлаб чиқаришни узмасдан – масофадан ўқитиш;

- таълим муассасаларининг тармоқ ихтисослиги бўйича.

Олий таълим муассасалари талабалари сони – бу олий таълим муассасаларида ва ўқув йилининг бошида рўйхатда бўлган талабалар сони.

Олий таълим муассасаларида ҳар 10 000 аҳолига тўғрига келадиган талабалар сони ўқув йили бошидаги талабалар сонининг календар йил бошидаги мавжуд аҳоли сонига нисбатан аниқланади.

Олий ўқув юртларига қабул қилиш - маълум ўқув йилида ўқишга қабул қилинганлар сонидан иборатдир.

Олий таълим муассасаларини битириш - ўқув курсини битирган ва тегишли таълим (мутахассислик) олган шахслар сони. Олий таълим муассасаларини битирган шахсларга таълим олган мутахассисликларига мувофиқ малака ва дипломга эга бўладилар.

Ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган битирувчилар сонини ҳисоблаш учун маълум бир аҳоли сонининг ўртача йиллик сонига нисбатан аниқланади.

Олий таълим муассасаларидаги ўқитувчилар сони – олий ёки махсус тайёргарликка эга бўлган, талабалар таълими ва тарбияси билан шуғулланувчи шахслар сони.

Таълим муассасалари ўқувчилари (талабалари) сони – ўқув йили бошида умумтаълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва олий таълим муассасаларида рўйхатда турган ўқувчилар сони. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари ўқувчиларининг (талабаларининг) умумий сонига Ўзбекистон Республикасида таълим олаётган чет эл фуқаролари қўшилмайди. Давлат статистика ҳисоботларида ўқувчилар (талабалар) сони тўғрисидаги маълумотлар ҳудудлар, таълим муассасалари турлари, мутахассисликларнинг тармоқ гуруҳлари, шаҳар ва қишлоқ жойлари, синфлар (курслар), жинси, ўқитиш тили ва ҳоказолар бўйича келтирилган. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар

ўқувчиларининг умумий сонига ушбу таълим муассасаларининг тайёрлов синфларидаги ўқувчилар ҳам қўшилади;

Олий таълимдан кейинги таълим — олий таълимдан кейинги таълимни олий таълим ва илмий ташкилотларда олиш мумкин. Олий таълимдан кейинги таълим докторлик

диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш — кадрларни қайта тайёрлаш таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажми эгалланишини таъминлайди.

Мактабдан ташқари таълим — болаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш, бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, тижорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт йўналишидаги мактабдан ташқари таълим ташкилотларини ташкил этиши мумкин.

Масофавий таълим — масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.

Дуал таълим — таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади.

Инклюзив таълим — алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган.

Экстернат тартибидаги таълим — экстернат тартибидаги таълим олиш ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштиришни ўз ичига олиб, унинг якунлари бўйича таълим олувчилардан давлат таълим муассасаларида якуний ва давлат аттестацияларидан ўтишни талаб этади.

Ўқишга кириш учун назарий ёш — бу мазкур ёш учун мўлжалланган таълимнинг энг қуйи босқичидан ўқишни бошлаши назарда тутилган, ўқиш даври мобайнида тўлиқ кун ўқиб, иккинчи йилга қолмасдан ва қандайдир синфни/курсни ўтказиб юбормасдан мазкур курсда ўқишни тамомлайдиган маълум бир таълим дастури бўйича ёки таълимнинг маълум бир босқичида ўқувчилар ўқишни бошлайдиган ёш. Маълум бир дастур ёки таълим босқичи бўйича ўқишни бошлашнинг назарий ёши таълим олишнинг амалдаги ёшидан фарқ қилиши мумкинлигини инобатга олиш керак.

Таълим муассасасига қабул — ушбу ўқув йилида биринчи йил ўқиш учун қабул қилинган шахслар сони кўрсаткичи. Қабул қилинганлар сонига иккинчи йилга қолдирилганлар ва илгари ўқиб қайтиб келган шахслар қўшилмайди;

Таълим муассасалари битирувчилари — таълим муассасасида ўқув курсини тўлиқ тамомлаган ва муносиб таълим олган (мутахассисликка эга бўлган) шахслар сони;

Педагогик ходимлар сони — олий ёки ўрта махсус тайёргарликка эга бўлган, ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш билан шуғулланаётган шахслар сони.

11.3. Маданият

Музейлар сонига - музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасалари киритилади.

Профессионал театрлар тармоғига опера ва балет, драма, мусикий комедия, болалар ва ёш томошабинлар театрлари киритилади.

Кутубхона тармоқларига, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда аҳолининг адабиётларга бўлган оммавий талабини қондирувчи умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари қошидаги ахборот-ресурс марказлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ахборот-кутубхона марказлари киритилади.

Дам олиш ташкилотлари - одатда курортлар ҳудудида, даволаш-соғломлаштириш жойларида, шаҳар ташқарисидаги ҳудудларда жойлашган деярли соғлом кишиларнинг дам олиши учун мўлжалланган иш тартиби маълум даражада қатъий белгиланган соғломлаштириш муассасалари. Уларга дам олиш уйлари, пансионатлари, базалари ва бошқа дам олиш ташкилотлари киради. Бундай ташкилотлар доимий (йил давомида) ёки мавсум давомида (мавсумий) ишлаши мумкин.

Босма нашрларни чоп этиш кўрсаткичлари таркибига рўйхатга олинган китоблар, брошюралар, журналлар ва газеталарнинг чоп этилган сони киритилади. Ушбу бўлимда босма нашрларни чоп этиш тўғрисидаги маълумотлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси маълумотларига асосан келтирилган.

Дам олиш ташкилотлари - одатда курортлар ҳудудида, даволаш-соғломлаштириш жойларида, шаҳар ташқарисидаги ҳудудларда жойлашган деярли соғлом кишиларнинг дам олиши учун мўлжалланган иш тартиби маълум даражада қатъий белгиланган соғломлаштириш муассасалари. Уларга дам олиш уйлари, пансионатлари, базалари ва бошқа дам олиш ташкилотлари киради. Бундай ташкилотлар доимий (йил давомида) ёки мавсум давомида (мавсумий) ишлаши мумкин.

11.4. Ижтимоий ҳимоя

Ижтимоий таъминот статистикаси - ижтимоий статистиканинг субъектив бўлими. Ижтимоий таъминот статистикаси қуйидаги аҳоли пенсия таъминотининг сифат ва миқдорий хусусиятларини ўрганади: олинган пенсия турлари, пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчилар сони, тайинланган ойлик пенсиялар миқдори ва пенсияларнинг ўртача ҳажми.

Пенсиялар турлари бўйича пенсионерлар сони - пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартлар асосида уларнинг яшаши учун пул ойлик миқдорда қабул қилиб олувчи шахслар сони (пенсия таъминоти - қарилик моддий таъминот шакли, эрта ногиронлик, ижтимоий суғурта ва пенсия фондлари ҳисобидан боқувчисини йўқотганлар). Пенсионерлар сонига ҳам меҳнат, ҳам ижтимоий нафақа оладиган шахслар киради. Пенсионерларнинг умумий сонига ижтимоий ҳимоя идораларидан пенсия оладиган ҳарбий пенсионерлар ҳам киради. Қуйидаги пенсия турлари ўртасида фарқлар мавжуд:

Тайинланган пенсиялар – меҳнат ва ижтимоий нафақалар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий нафақаларни ўз ичига олади;

Меҳнат пенсиялари - пенсия ёшига етиши муносабати билан, хизмат йиллари учун, ногиронлик учун ёки боқувчисини йўқотганлик учун тўланадиган пенсиялардир. Ҳамдўстлик бир қатор мамлакатларида боқувчисини йўқотганлиги сабабли пенсиялар учун ҳисобга олиш бирлиги – бу оила, шунинг учун бундай ҳолларда нафақахўрларнинг умумий сони ушбу оилаларнинг ногирон аъзолари сонига қараб белгиланади;

Ижтимоий нафақалар болаликдан ногиронларга, ногиронларга ва кексаларга агар улар меҳнат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлмасалар ҳам тўланади;

Ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсиялар - ижтимоий ҳимоя органлари томонидан ҳарбий хизматда ногирон бўлганларга тўланадиган нафақалар ва боқувчисининг ўлими сабабидан қатъий назар, уларнинг оила аъзоларига тўланадиган нафақалар ҳисобга олинади.

Ойлик ўртача пенсия миқдори ижтимоий ҳимоя органлари ҳисобида турган барча пенсионерларга тайинланган жами ойлик пенсия миқдорини улар сонига бўлиш орқали ҳисоблаб топилади. Пенсияларнинг ўртача миқдори тўғрисидаги маълумотлар умуман олганда ҳисобот даврининг бошида (айрим ҳолларда охирида) ажратиладиган пенсияларнинг асосий турлари бўйича ҳисобланади.

Уй хўжалиги кузатуви саволномаси – кузатув давомида уй хўжалиги (шу жумладан, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар) тўғрисида маълумот олиш мақсадида аниқ шакллантирилган саволлар рўйхатидан иборат бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат.

Интервьюер – кузатув жараёнида танловга тушган уй хўжаликлари аъзолари (шу жумладан, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар) билан савол-жавоб (интервью) ўтказадиган ҳудудий статистика бошқармаси ходими.

Респондент – кузатув ўтказиладиган уй хўжалигининг интервью саволларига жавоб берадиган аъзоси. Респондент уй хўжалигининг имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган аъзоси ёки уй хўжалиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган бошқа аъзоси бўлиши мумкин.

Ногиронлик — ҳаёт фаолиятининг чекланишига олиб келадиган ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш зарурлигини тақозо этадиган касалликлар, жароҳат ёки нуқсонлар оқибатларидан келиб чиқадиган организм функциялари бузилишининг анча барқарор ифодаланган бузилишига эга бўлган инсон саломатлигининг бузилиши ногиронликни белгилаш учун мезон ҳисобланади.

Бирламчи ва қайта ногиронлик – кўрикдан ўтувчи охириги тиббий кўрикда белгиланган ногиронлик (касбий меҳнат лаёқатини йўқотилганлик даражаси) муддати тугаган кундан бошлаб беш йилдан ошган муддатда ТМЭК (Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари)га мурожаат қилса, мурожаат кўрик далолатномасида «бирламчи» деб, агарда ногиронлик (касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлик даражаси) муддати тугаган кундан бошлаб беш йилдан ошмаган муддатда мурожаат қилса, «қайта» деб кўрсатилади.

Бирламчи ва такрорий ногиронлик - ТМЭКда текширилаётган шахс охириги имтиҳонда белгиланган ногиронлик муддати (меҳнатга лаёқатини ёқотиш даражаси) тугаган кундан бошлаб беш йилдан ортиқ муддат ичида мурожаат қилганида, ариза имтиҳон гувоҳномасида ногиронлик даври тугаган кун (бирламчи) деб кўрсатилган (касбий меҳнат қобилиятини ёқотиш даражаси), имтиҳон гувоҳномасида апелляция "такрорланган" деб кўрсатилади

Ногиронлиги бор шахсларнинг умумий сонига – ногиронлик бўйича ҳисобда турган ва пенсия ёки ижтимоий нафақа оладиган ногиронлиги бор шахслар киритилади.

Болаликдан ногиронлик 18 ёшгача бўлган туғма касалликлар, касалликлар ва шикастланишлар натижасида юзага келган ҳолларда белгиланади. Тана функциялари бузулиши ва ҳаётий функцияларнинг чекланганлиги даражасига қараб, ногирон деб тан олинган шахсларга ногиронлик гуруҳи, 18 ёшга тўлмаганларга эса "ногирон бола" тоифаси берилади.

Ногиронлиги бўлган шахс – жамият ҳаётидаги ўзаро муносабатларда бошқа шахслар билан тенг равишда тўлиқ ва самарали иштирок этишига турли тўсиқлар билан халақит берувчи барқарор жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки ҳиссий нуқсонга эга ва тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан шундай деб тан олинган шахс.

Имконияти чекланган шахс - жамият ҳаётидаги ўзаро муносабатларда бошқа шахслар билан тенг равишда тўлиқ ва самарали иштирок этишига турли тўсиқлар билан ҳалақит берувчи барқарор жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки ҳиссий нуқсонга эга шахс.

Инновацион фаолият – бу янги билимларга сармоя киритишни қўшган ҳолда ҳақиқатан ёки режалаштирилиши бўйича технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотлар ёки жараёнларнинг юзага келишига олиб келувчи барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорат чора-тадбирларини қамраб олувчи фаолиятдир.

Инновация (янгилик) – лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, сотиш, истеъмол қилиш жараёнларида фойдаланишда олдинги маҳсулот ёки ташкилий-иқтисодий усулга нисбатан қўшимча иқтисодий (ҳаражатларни тежалиши ёки қўшимча фойда кўриш) ва/ёки жамоавий манфаат келтирувчи, яққол афзалликка эга бўлган янги маҳсулот, хизмат ва технология ва/ёки янги ташкилий-иқтисодий усул кўринишида мужассамлашган инновацион фаолият натижаси. Инновация сифатида ҳисобга олиш учун энг кам талаб шундан иборатки, бунда маҳсулот ёки жараён ташкилот учун янги (ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган) бўлиши керак (у бутун дунё учун янги бўлиши шарт эмас).

Инновацион фаол ташкилот – бу охириги уч йил давомида якунланган инновацияларга, яъни ишлаб чиқариш (етказиб бериш) амалиётига ёки бозорга тадбиқ этилган янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизматлари ёки усулларига эга бўлган ташкилотдир;

Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар – булар, ҳам ташкилотнинг умумий инновацион фаолиятсизлиги, ҳам аниқ инновацион лойиҳаларни тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугаллаш каби сабаблардир. Бунга: иқтисодий омиллар (молиявий маблағларнинг етишмаслиги; маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги; янгиликларнинг юқори таннархга эгалиги; иқтисодий таваккалнинг юқорилиги ва ш.ў.), фирманинг ички омиллари (юқори малакали ходимларнинг етишмаслиги, технологик маълумотларнинг етарли эмаслиги, бозор ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги ва ш.ў.) ва бошқа омиллар (инновацияларга эҳтиёжнинг йўқлиги, инфратузилма камчиликлари ва ш.ў.) киритилган.

11.5. Ҳуқуқбузарлик

Жиноятчилик – бу аниқ ҳудудда муайян вақт давомида содир этилган жиноятлардан иборат бўлган ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

Рўйхатга олинган жиноят – ички ишлар идоралари томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноятчилик қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфга эга ҳатти-ҳаракат.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга – қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Оғир ва ўта оғир жиноятлар – юқори ижтимоий хавфга эга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасининг 4 ва 5 бандларида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар.

Фирибгарлик - алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш.

Ўғрилик - яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш, деярли барча юрисдикцияларда жиноят деб тан олинган.

Босқинчилик – ўзгалар мулкини ўғирлаш мақсадида инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган куч ишлатиш ёки уни қўллаш таҳдиди билан содир этилган тажовузлик.

Безорилик – жамиятга очик ҳурматсизликни акс этган ҳолда жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, бунда фуқароларга нисбатан зўравонликни қўллаш ёки уни қўллашнинг таҳдиди билан ёхуд ўзгалар мулкани йўқ қилиш ёки шикаст етказиш билан содир этиш.

Номусга тегиш - зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш - содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида қўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса.

Жиноятларни содир этган шахслар – ички ишлар идоралари томонидан расмий равишда ҳисобга олинган ва уларга жиноят ишлари қўзғатилган шахслар.

Жиноятларнинг фош этилиши – ҳисобот даврида тергов билан тугатилган ишлар бўйича жиноятлар сонининг жиноий иш қўзғатилган вақти ва ушбу жиноят рўйхатдан ўтган вақтидан қатъий назар фош этилган ва фош этилмаган жиноятларнинг умумий сонига нисбати.

11.6. Инновация

Илмий тадқиқот (илмий-тадқиқот ишлари) - янги билим ва уларни қўллаш усулларини олишга қаратилган ижодий фаолият.

Фундаментал илмий тадқиқотлар - табиат, одам, жамият, сунъий равишда яратилган объектлар ривожланишининг асосий қонунлари тўғрисида янги билим олишга қаратилган назарий ва (ёки) экспериментал тадқиқотлар.

Илмий амалий тадқиқот - аниқ илмий мақсадларга эришиш учун фундаментал илмий тадқиқотлар натижаларини қўллашга қаратилган тадқиқотлар.

Илмий ишланмалар - янги материаллар, маҳсулотлар, қурилмалар, технологик жараёнлар, тизимлар ва усулларни, шунингдек уларни такомиллаштиришни таъминлайдиган ишланмалар.

Илмий-техник хизматлар - илмий-техникавий маълумотлар, патентлар, лицензиялар, стандартлаштириш, метрология ва сифат назорати, илмий-техник маслаҳат, илмий билимларни олиш, тарқатиш ва қўллаш соҳасидаги қўмаклашувчи бошқа фаолиятлар.

Илмий-тадқиқот ходимлари - ижодий фаолияти тизимли равишда илмий билимлар ҳажмини оширишга ва ушбу билимларни қўллашнинг янги йўналишларини топишга қаратилган, шунингдек илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ хизматлар кўрсатадиган жисмоний шахслар.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажарувчи ходимлар, фаолият турлари бўйича таснифланиши мумкин:

Тадқиқотчилар - илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган ва янги билимлар, маҳсулотлар, жараёнлар, усуллар ва тизимларни яратишда, шунингдек ушбу фаолиятни бошқаришда бевосита иштирок этадиган ходимлар. Тадқиқотчилар одатда олий маълумотга эга бўлишади.

Ушбу тоифага, шунингдек илмий-тадқиқот жараёнини бевосита назорат қиладиган маъмурий ва бошқарув ходимлари (илмий-тадқиқот ва ишланмалар билан шуғулланувчи илмий ташкилотлар ҳамда бўлимлар раҳбарлари) ҳам киради, аммо магистрантларнинг илмий-тадқиқот ишлари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари маълумотларидан олиб ташланиши керак;

Техниклар - одатда тадқиқотчилар назорати остида (илмий асбоблардан фойдаланиш ва ишга тушириш, лаборатория ускуналари, ҳисоблаш техникалари, материаллар тайёрлаш, чизмалар, экспериментлар ўтказиш, тажриба ва таҳлиллар ҳамда бошқалар) илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажаришда иштирок этувчи ҳамда техник функцияларни бажарувчилар.

Кўпинча техник ходимлар ўрта махсус маълумотга эга ва (ёки) зарур профессионал тажриба ҳамда маълумотларга эга бўлади;

Ёрдамчи ходимлар - илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш билан боғлиқ ёрдамчи функцияларни бажарадиган ходимлар (иқтисодий режалаштириш ходимлари, молиявий, патент хизматлари, илмий-техникавий кутубхона бўлими ходимлари, илмий-техник кутубхоналар; илмий ускуналарни ўрнатиш, ишга тушириш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан шуғулланадиган ходимлар). ва асбоблар; тажриба (экспериментал) ишлаб чиқаришларининг ишчилари; олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган лаборантлар);

Бошқа ходимлар - техник хизмат кўрсатадиган ишчилар ва ташкилот фаолияти билан боғлиқ бошқа умумий функцияларни бажарувчи (бухгалтерия, кадрлар хизмати, моддий-техника таъминоти бўлинмалари, машинистлар ва бошқалар).

Илмий-техник ходимлар - халқаро статистикада мамлакатда истиқомат қилувчи ва фан ва техника соҳасида олий ёки ўрта махсус маълумотли ёки унга эга бўлмаган, лекин бундай малакани талаб қиладиган илмий ва техник фаолият билан шуғулланувчи барча шахслар йиғиндиси тушунилади. Ушбу тоифага илмий ходим ёки техник сифатида ишлаш учун зарур бўлган малакага эга шахслар, яъни тегишли равишда олий ёки ўрта махсус маълумот ёки тегишли касбий тажрибага эга шахслар киради.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар ташкилотнинг ўзи томонидан амалга оширган ички харажатларни (жорий ва капитал) ва шартномалар асосида бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган ишларга харажатларни қамраб олади.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга ички (жорий ва капитал) харажатлар - ҳисобот даврида, мамлакат миқёсида, ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш учун пул кўринишида ифодаланган (шу жумладан чет элдан молиялаштирилган, аммо чет элдан амалга оширилган тўловлар бундан мустасно) амалдаги харажатлари тушунилади.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга ички жорий харажатлар - иш ҳақи, ижтимоий суғурта бадаллари, махсус дастгоҳларни сотиб олиш харажатлари, бошқа моддий харажатлар (хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёкилғи, энергия, саноат ишлари ва хизматларининг нархи ва бошқалар) ва бошқа харажатлар.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга сарфланадиган ички капитал харажатлар - ер сотиб олиш, бинолар қуриш ёки сотиб олиш, дастурий таъминот, ускуналарни сотиб олиш ва асосий воситаларга киритилган бошқа харажатлар. Бунда, амалдаги ёки режалаштирилган амортизация тўловлари илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари бўйича ички капитал харажатлардан чиқарилади.

Ташқи харажатлар - ҳисобот даврида шартномалар бўйича бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ёки илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари натижаларини сотиб олиш қиймати.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш манбалари, буюртмачи ташкилотдан маблағларни ижро этувчи ташкилотга тўғридан-тўғри ўтказиш асосида аниқланади.

Умуман олганда, молиялаштириш манбалари бўйича ташкилотнинг тадқиқот ва ривожланиш учун маблағлари ташкилотнинг ўз маблағлари, давлат бюджети маблағлари, шу жумладан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари, давлат мақсадли жамғармалари ва

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек хорижий манбалар (хорижий инвесторларнинг маблағлари, шу жумладан ссудалар ва қарзлар) ва буюртмачи маблағларига (бошқа ташкилотларнинг маблағлари) бўлинади.

Инновация деганда илмий-техникавий фаолият натижаси, реализация қилиш жараёнида янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (товарлар, хизматлар) ёки технология, шунингдек ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий қарорлари, маъмурий, тижорат ёки бошқа характердаги, технологияларнинг, маҳсулотларнинг ва хизматларнинг бозорларда олдинга силжишга ёрдам берилиши тушунилади.

Янги жорий қилинган маҳсулотлар ва хизматлар, ўзининг характеристикаси ёки фойдаланиш йўналиши бўйича ташкилот томонидан олдин ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлардан сезиларли фарқ қилади. Технологиялар, маркетинг йўллари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари олдин ташкилот томонидан фойдаланилмаган бўлса уни янги жорий қилинган деб атаса бўлади. Технологиялар, маркетинг йўллари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари жорий қилинганидан сўнг уч йилгача инновация деб ҳисобланади.

Инновация, таърифи бўйича, ташкилот учун янги, ички бозор учун янги ёки бутун дунё учун янги маълум миқдордаги янгиликни ўз ичига олиши керак. Янгиликнинг минимал талаб белгиси ушбу корхона тажрибасида, маҳсулот, жараён, маркетинг йўллари, ёки ташкиллаш янги бўлиши (ёки қисман такомиллаштирилган), яъни бошқа корхоналарда аниқ бу инновацияни ишлатиш мумкинлиги, лекин ушбу корхона учун у янги бўлиши шарти билан, шунга ўхшаш нарса корхона учун янги инновация сифатида кўриб чиқилади.

Инновацион корхона белгиланган статистик ҳисоб даврида маълум бир инновацияни жорий қилган корхона ҳисобланади.

Инновацион фаол корхона тоифасига, кузатув ўтказилган даврда, инновацияни яратиш билан боғлиқ бирон бир фаолият билан шуғулланган ва ушбу фаолият инновация яратилиши ёки яратилмаслигидан қатъий назар инновацион фаол корхона деб тан олинади.

Инновацион фаолият – ғоялар трансформацияси билан боғлиқ янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни бозор учун жорий этиш билан боғлиқ; амалда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён; илмий, техник, ташкилий, молиявий ва тижорат фаолиятини қамраб олган ижтимоий хизматларга янгича ёндашув орқали инновацияларга олиб келувчи фаолият тури.

Технологик инновация - бу бозорга чиқарилган, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки хизмат кўринишида, амалда фойдаланиладиган хизматларнинг ишлаб чиқаришнинг (узатиш) янги ёки такомиллаштирилган жараёни ёки усули кўринишидаги инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир. Технологик инновациялар бу маҳсулот, жараёнлар, хизматлар ва ташкилот биринчи марта ишлаб чиқадиган усуллар, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган усуллар бўлиши мумкин.

Маҳсулот инновацияси - корхонада ишлаб чиқаришга жорий қилинган, уларнинг хусусиятлари ёки фойдаланиш усуллари жиҳатидан янги ёки сезиларли даражада яхшилانган маҳсулот ёки хизматни жорий этиш.

Маҳсулотлар соҳасидаги инновациялар техник хусусиятлар, таркибий қисмлар ва материаллар, ўрнатилган дастурий таъминот, фойдаланувчиларга хайрихоҳлик даражасида ёки маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини яхшилайдиган бошқа функционал хусусиятларда сезиларли яхшиланишларни ўз ичига олади. Хизматларни етказиб беришда маҳсулот инновацияси, уларни етказиб бериш (масалан самарадорлик ва тезкорлик), мавжуд хизматларни янги хусусиятлар билан тўлдириш ёки мутлақо янги хизматларни жорий қилишни ўз ичига олади.

Жараён инновацияси ўз ичига ишлаб чиқаришда ривожланишни ва янги технологик ёки сезиларли даражадаги такомиллашган услубий технологияларни киритилиши, моддий-техник таъминот ва маҳсулотларни етказиб бериш жараёни, шу жумладан, барча технологик

жараёнларда дастурий таъминотни қамраб олади. Ушбу турдаги инновациялар янги ишлаб чиқариш ускуналардан фойдаланишга ёки дастурий таъминот, янги технологиялар, ишлаб чиқариш жараёнида ёки уларнинг йиғиндисиди сезиларли ўзгаришларга асосланган бўлиши мумкин.

Бундай инновациялар одатда ишлаб чиқариш таннархини ёки маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга, товарлар (хизматлар) сифатини оширишга ва мавжуд маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки ташиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Улар, шунингдек, анъанавий ишлаб чиқариш усуллари ёрдамида ишлаб чиқарилиши ёки етказиб берилмайдиган, технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун мўлжалланган бўлиши мумкин.

Маркетинг инновацияси - маркетинг (инглизча сўз бўлиб marketing – бозорда сотиш, савдо маъносини англатади) – товарлар, хизматлар ва механизмларни яратиш ягона комплекс жараён сифатида амалга оширишни бошқариш. Маркетингнинг мақсади ишлаб чиқаришнинг жамият эҳтиёжи учун мослашиш, бозорни ўрганиш бўйича чора-тадбирларни бозорнинг талабидан келиб чиқиб ташкилий техник тизимга ишлов бериш йўли орқали, етказиб беришни фаоллаштириш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга шароит яратишдир. Маркетингнинг тарқалиш тушунчаси корхонанинг тўртта муваффақият омиллар тўпламини кўриб чиқади: маҳсулот, унинг нархи, тарқалиши ва тарғиботи.

Шундай қилиб, маркетинг инновациялари маҳсулотларни лойиҳалаш ва қадоқлашдаги жиддий ўзгаришларни, янги нархлар стратегиясини шакллантиришни, маҳсулотларни жойлаштириш ва сотишнинг янги усуллари қўллашни, маҳсулотларни бозорларда илгари суришнинг янги усуллари қўллашни ўз ичига олади. Улар маҳсулот истеъмолчиларининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга, янги бозорларни очишга, сотишни кўпайтириш мақсадида товарлар ва хизматлар истеъмолчиларининг таркибини кенгайтиришга қаратилган.

Маҳсулот ва маркетинг янгиликларини фарқлаш мезони маҳсулотдан фойдаланиш вазифалари ёки йўлларида сезиларли ўзгаришлар мавжудлигидир. Функционал ёки истеъмол хусусиятлари мавжудларига нисбатан сезиларли даражада такомиллашган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) маҳсулот янгиликларини ифодалайди.

Мавжуд маҳсулот дизайнини ўзгартириш маҳсулотнинг функционал ёки истеъмол хусусиятлари сезиларли ўзгаришларга учрамаган бўлса, маҳсулот янгилиги эмас, балки маркетинг янгилиги ҳисобланади.

Жараён ва маркетинг инновацияларининг фарқи шундан иборатки, технологик инновациялар ишлаб чиқариш усуллари такомиллаштириш билан боғлиқ, шу жумладан маҳсулот таннархини пасайтириш ёки сифатни яхшилашга йўналтирилган маҳсулотни узатиш усуллари, маркетинг янгиликлари эса сотувлар ёки маҳсулот нархларини оширишга қаратилган (янги нарх стратегияларидан фойдаланиш).

Ташкилий инновациялар бизнес юритиш, иш жойлари ёки ташқи алоқаларни ташкил этишда янги усулларни жорий этишга қаратилган. Ушбу инновациялар маъмурий харажатлар ва таъминот нархини пасайтириш орқали корхонанинг самарадорлигини оширишга, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳисса қўшадиган иш жойларини (иш вақти) ташкил этиш билан ходимларнинг қониқиш даражасини оширишга қаратилган. Корхона ушбу ташкилий инновацияни татбиқ қилган биринчи корхона бўлиши шарт эмас. Шунингдек, улар қайси корхонада - инновацияни қўллаган корхонада ёки бошқа корхонада ишлаб чиқилганлиги муҳим эмас.

Ташкилий ва жараён инновацияларнинг фарқи шундаки, аввалига кадрлар ва ишларни ташкил этишга таъсир кўрсатса, жараён инновациялари янги ускуналар, дастурий таъминот, жараёнлар ва технологияларни жорий этиш билан боғлиқ.

Инновацияларга харажатлар - корхона миқёсида амалга ошириладиган ҳар хил инновацион тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ пул кўринишидаги амалдаги харажатлар. Инновацияларга жорий ва капитал харажатлар, шунингдек, ташкилотнинг ўз

кучи билан амалга оширган харажатлар ва бошқа ташкилотларнинг ишлари ҳамда хизматлари учун тўланадиган харажатларни ўз ичига олади:

Инновацияларга жорий харажатлар - инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган ишчиларнинг меҳнат харажатлари, ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмалар, шунингдек, йил давомида амалга ошириладиган инновацион фаолиятни таъминлаш учун зарур бўлган хом ашё, материаллар, ускуналар ва бошқа харажатлар;

инновацияларга капитал харажатлар узоқ муддатли инвестициялар бўлиб, инновацион фаолиятда фойдаланиш учун зарур бўлган машиналар, ускуналар, бошқа асосий воситаларни сотиб олишга, инновацион фаолиятни амалга ошириш учун иншоотларни, ерларни сотиб олишга ва табиатдан фойдаланишга сарфланадиган харажатлардан иборат.

Технологик инновацияларга харажатлар, инновацион фаолият турлари бўйича тақсимланади ва қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

янги маҳсулотлар, хизматлар ва уларни ишлаб чиқариш (узатиш) усуллари, янги ишлаб чиқариш жараёнларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;

технологик инновациялар билан боғлиқ машина ва ускуналарни сотиб олиш;

янги ва юқори технологияларни харид қилиш – ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, интеграл микросхемалар топологияларига бўлган мулк хуқуқларни сотиб олиш, уларни лицензия шартномалари, шу жумладан "ноу-хау" дан фойдаланиш ҳуқуқи»;

технологик инновациялар билан боғлиқ компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларини сотиб олиш;

ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш, янги маҳсулотларни чиқариш учун ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг бошқа турлари, янги хизматлар ёки уларни ишлаб чиқариш(узатиш) усуллари жорий этиш;

технологик инновациялар билан боғлиқ ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва бошқалар.

Технологик инновацияларга харажатлар ҳақидаги маълумотлар, ҳисобот йили учун ҳисобга олинади ва инновацион жараённинг қайси босқичида эканлиги муҳим эмас.

Технологик инновацияларнинг капитал ва жорий харажатлари инновацион фаолият турлари бўйича тақсимланади.

Инновация харажатлари молиялаштириш манбаси:

ўз маблағлари;

хорижий инвестициялар;

тижорат банклари кредитлари;

бюджет маблағлари;

мақсадли бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари;

бошқа маблағлар.

11.7. Туризм

Туризм - кишиларнинг доимий яшаш жойидан ташқаридаги жойларга ҳаракатланиши билан боғлиқ ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодисалар тушунилади, одатда бунга сабаб бўлиб сайр қилиш ва дам олиш ҳисобланади.

Ташриф буюрувчи – бу ўзининг одатий муҳитидан бирор-бир белгиланган асосий жойга, ташриф буюраётган мамлакатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган корхонага ишга жойлашиш мақсадидан ташқари, ҳар қандай асосий мақсад (хизмат сафари, дам олиш ёки бошқа шахсий мақсад)ни кўзлаб, бир йилдан кам бўлган муддатга сафарни амалга оширувчи саёҳатчи.

Хорижлик ташриф буюрувчи – ўзи яшайдиган мамлакатдан хорижга сафар қилувчи шахс.

Кирувчи туризм – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлмаган ташриф буюрувчининг кирувчи сайёҳлик сафари вақтидаги ушбу мамлакат доирасидаги фаолиятини ўз ичига олади.

Чикувчи туризм – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидан ташқарига чикувчи ёки ички сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.

Дўстларни ва қариндошларни кўргани бориш – бу тоифа ўз ичига, қариндошлар ёки дўстларни кўриш ташриф буюриш; тўйларга, дафн маросимлари ёки бошқа ҳар қандай оилавий тадбирларга ташриф буюриш; бемор ёки қарияларни қисқа муддат давомида парваришлаш ва бошқалар каби фаолият турларини қамраб олади.

Туроператор – бу лицензия асосида истеъмолчиларнинг оммавий ва индивидуал талабига мўлжалланган туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш, шунингдек, уни туристик агентлар ва туристларга сотиш билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъекти.

Туристик агентлик (Турагент) – туроператор томонидан ташкил этилган турларни сотадиган ташкилот ёки яқка тартибдаги тадбиркор. Турагент туроператордан турларни сотиб олади ва харидорга туристик маршрутни амалга оширади ёки туроператор томонидан тақдим этилган комиссия эвазига турист ва туроператор ўртасида воситачи вазифасини бажаради.

Таълим ва касбий тайёргарлик – бу тоифага, иш берувчи ёки бошқа ташкилотлар, шахслар томонидан тўланадиган қисқа муддатли курсларга қатнаш, тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътилларни қўшган ҳолда муайян ўқув дастурларини ўтиш ёки курсларда муайян малакага эга бўлиш ва ҳоказолар қиради.

Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари – бу тоифа касалланишдан кейинги қўшимча даволаниш мақсадида шифохоналар, клиникалар, санаториялар, умумий спектрдаги тиббий ва ижтимоий муассасалар хизматидан фойдаланиш, денгиз ва бошқа курортларга, шунингдек, тиббий хизматдан фойдаланиш учун тиббий ускуна ва хизматларга асосланган косметик жарроҳликни қўшган ҳолда, тиббий маслаҳатга асосланган бошқа ихтисослашган муассасаларга қатнашни ўз ичига олади. Бу тоифа фақат қисқа муддатли даволанишдан иборат, чунки, даволаш муассасасида бир йил ва ундан ортиқ вақт давомида ётиб узоқ муддат даволаниш сайёҳлик соҳасига қирмайди.

Ишга доир ва касбий мақсадлар – ушбу тоифага, мустақил равишда банд бўлган шахслар ва ёлланма ишловчилар фаолияти, агарда улар билан ташриф буюрилаётган мамлакат ёки жойдаги ишлаб чиқарувчи-резидент ўртасида аниқ ёки назарда тутилган ёлланма меҳнат муносабатлари белгилари мавжуд бўлмаса, сармоядорлар, ишбилармонлар ва ҳоказолар фаолияти қиради.

Сайёҳлик сафари ташриф буюрувчи томонидан амалга ошириладиган сафар ҳисобланади.

Сайёҳлик ташрифи сайёҳлик сафари давомида ташриф буюрувчи томонидан ташриф буюрилган жойда бўлиш ҳисобланади.

Ташрифни сайёҳлик ташрифи деб таснифлаш учун, у албатта кечаси тунаб қолиш билан бўлиши шарт эмас. Шундай бўлсада, ташриф тушунчаси тўхтаб ўтишни назарда тутди, яъни бирор географик ҳудудга кириб келиб, унда тўхтаб ўтилмаса бу ушбу ҳудудга ташриф ҳисобланмайди.

Ички туризм кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидаги ички ёки чикувчи сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади

Мамлакат ҳудуди бўйлаб туризм, ички ва қирувчи туризмни, яъни кўриладиган мамлакатда яшовчи ва яшамайдиган ташриф буюрувчиларнинг ушбу мамлакат ҳудудидаги ички ва халқаро сайёҳлик сафарларига доир фаолиятини ўз ичига олади.

Миллий туризм, ички ва қирувчи туризмни, яъни кўриладиган мамлакатда доимий яшовчи бўлган ташриф буюрувчиларнинг ушбу мамлакат ҳудудидаги ва унинг ташқарисидаги ички ёки қирувчи сайёҳлик сафарларига доир фаолиятини ўз ичига олади.

Халқаро туризм, қирувчи ва қирувчи туризмни, яъни кўриладиган мамлакатда доимий яшовчи бўлган ташриф буюрувчиларнинг ушбу мамлакат ташқарисидаги ички ёки қирувчи сайёҳлик сафарларига доир фаолиятини, ҳамда кўриладиган мамлакатнинг доимий яшовчиси бўлмаган ташриф буюрувчиларнинг ушбу мамлакат доирасида бўлган қирувчи сайёҳлик сафарлари давомидаги фаолиятини ўз ичига олади.

Саёҳатчи деб, турли географик жойлар оралиғида ҳар қандай мақсадда ва ҳар қанақа муддат давомида ҳаракатланаётган шахс ҳисобланади.

Мамлакатда доимий яшовчи шахсларнинг шу мамлакат ҳудуди бўйлаб саёҳати ички саёҳат деб аталади. Ушбу мамлакатда яшамайдиган шахсларнинг бу мамлакатга саёҳати қирувчи саёҳат, мамлакатда яшовчиларнинг унинг ташқарисига саёҳати қирувчи саёҳат деб аталади.

Сайёҳлар (тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар) – ташриф буюрадиган мамлакатнинг жамоавий ёки яқка тартибдаги жойлаштириш воситаларида камида бир кеча тунан қолувчи ташриф буюрувчилар

Бир кунлик ташриф буюрувчилар (экскурсиячилар) – ташриф буюрадиган мамлакатнинг жамоавий ёки яқка тартибдаги жойлаштириш воситаларида кечаси тунан қолмайдиган ташриф буюрувчилар.

Меҳмонхоналар - бу гуруҳ меҳмонхоналар, квартира туридаги меҳмонхоналар, мотеллар, йўл устидаги ва соҳилдаги меҳмонхоналар, яшаш жойи бўлган клублар ва ҳар қанча тўшақларни тўғрида қўйиш, хоналар ва санузелларни тозалаш билан чеklangмайдиган меҳмонхона хизматлари кўрсатувчи шунга ўхшаш муассасаларни ўз ичига олади.

Мотель - йўл бўйидаги кичикроқ меҳмонхона бўлиб унинг номерларига одатда кўча томондан қирилади (автомобиль тўхташ жойидан).

Пансионат - дам олиш уйи, тўлиқ хизмат кўрсатувчи ўзига хос меҳмонхона.

Туристик база - ушбу гуруҳ туристлар ва сайёҳлар учун турар жой, овқатланиш, маданий ва маиший дам олиш, кўнгил очиш ва дам олиш учун мўлжалланган мажмуаларни, ўзига хос спорт базасини ўз ичига олади.

Меҳмон уйлари - хусусий уй бўлиб, унинг эгаси уни тўлиқ ёки хоналарини ижарага беради. Кўпинча, уй эгасининг ўзи ва унинг оиласи ҳам алоҳида қаватда ёки унинг алоҳида қисмида яшайди.

Дала ҳовли – меҳмонлар дам олиш учун шаҳар ташқарисидаги уй.

Хостеллар (ёшлар меҳмонхоналари) - ўз меҳмонларини қисқа ёки узок муддатли, хонада қўшимча қулайликларсиз ётоқ жой билан таъминлайдиган турар-жой тизими.

Ётоқхоналар - бу гуруҳ ёшлар меҳмонхоналари, сайёҳлик ётоқхоналари, гуруҳ бўлиб жойлаштириш воситалари, корхона ишчиларини жойлаштириш воситалари, мактаб ётоқхоналари, шунингдек, ягона тартибга эга бўлган ва аксарият ҳолларда харажатлари қоплаб бериладиган шунга ўхшаш жойларни ўз ичига олади.

Ташриф буюрувчи – бу ўзининг одатий муҳитидан бирор-бир белгиланган асосий жойга, ташриф буюраётган мамлакатда ёки жойда рўйхатга олинган корхонага ишга жойлашиш мақсадларидан ташқари, ҳар қандай асосий мақсадни (хизмат сафари, дам олиш ёки бошқа шахсий мақсад) кўзлаб, бир йилдан кам бўлган муддатга сафарни амалга оширувчи саёҳатчи.

Шу тариқа, “*ташриф буюрувчилар*” тушунчаси “*саёҳатчилар*” тушунчасининг таркибий қисми ҳисобланади, “*туризм*” тушунчаси эса “*саёҳатлар*” тушунчасининг таркибий қисмини ифодалайди ва барча тоифадаги ташриф буюрувчиларнинг фаолиятини ўз ичига олади.

12. Статистик регистрлар ва таснифлагичлар

12.1 Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР)–Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик шахсларни ҳисобга оладиган асосий тўлиқ автоматлаштирилган тизим ҳисобланади.

КТЯДР субъектлари – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, бирлашмалар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган бошқа хўжалик юритувчи субъектлардир.

КТЯДР дастурий таъминот тўплами–юридик шахслар тўғрисида ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотларни ўз ичига олувчи зарур маълумотларни шакллантириш, сақлаш, янгилаш ва тақдим этишнинг ягона услубий, дастурий ва технологик принципларига асосланган автоматлаштирилган тизим.

Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими “Reg-System” – юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш, тўплаш, янгилаш, сақлаш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва белгиланган тартибда тақдим этиш жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган ахборот тизими;

Билдиришнома – юридик шахсларнинг ягона давлат реестридаги юридик шахс тўғрисидаги маълумотларнинг электрон шакли бўлиб, унинг ёрдамида КТЯДРда юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар ёки ундаги ўзгаришларни киритиш амалга оширилади;

Рўйхатдан ўтказувчи– рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими;

Статистик мутахассис – давлат статистика органларининг КТЯДРни юритиш бўйича масъул ходими;

Ташқи фойдаланувчилар – КТЯДРдаги ахборотдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

Рўйхатга олинган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари)

Фаолият кўрсатаётган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Фаолият кўрсатмаётган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ёки белгиланган муддатда устав жамғармаларини шакллантирмаган ҳамда тугатиш жараёнида бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Фаолияти тугатилган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан юридик шахсларнинг давлат реестрига юридик шахсни тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилгандан сўнг бу ҳақда давлат статистика органларига маълумот тақдим этилган юридик шахслар.

Юридик шахс–ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси – маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Кичик корхона ва микрофирмалар – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар – корхонанинг устав жамғармасида норезидентлар, чет эл юридик шахслари (чет эл фирмаларининг филиал ва бўлинмалари), чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мулки иштирокидаги корхоналар.

Статистик регистрлар – статистика мақсадларида фойдаланиш учун зарур статистик бирликларнинг ва улар тавсифининг рўйхати, шу жумладан идентификаторлар;

12.2. Статистик таснифлаш ва ижтимоий-иқтисодий маълумотларни кодлашнинг ягона тизими

Классификация – бирор бир билим соҳасидаги, уларнинг умумий белгиларидан келиб чиқувчи тушунчалар тизими. Классификациялар статистик методологиянинг муҳим таркибий қисми бўлиб, статистик маълумотларни турли кесимларда ягона қоидалар бўйича стандарт тавсифлаш, тизимлаштириш ва гуруҳлаш, шунингдек ягона ахборот стандартларини қўллаш ҳисобига ҳудудий, давлат ва давлатлараро даражада ахборот тизимлари ва ресурсларининг технологик жиҳатдан мослигини таъминлаш имконини беради.

Таснифлагич – бу ҳар бир элементига маълум бир код берилган объектларнинг тизимлаштирилган рўйхатидир.

ИФУТ – Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи - Ўзбекистон Республикаси Классификация ва кодлашнинг ягона тизимининг таркибий қисми бўлиб, Европа статистик комиссиясининг стандарти (NACE) асосида ишлаб чиқилган.

МСТ – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи.

ТХШТ – Ўзбекистон Республикаси ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи – Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига мувофиқ ташкилотлар тузилиши мумкин бўлган шаклнинг (тижорат (масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти ва ҳ.к) / нотижорат (муассаса, жамоат фонди, жамоат бирлашмаси ва ҳ.к.)) коди бўлиб, юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари асосида белгиланади.

АФТ – Ўзбекистон Республикаси асосий фондлари таснифлагичи – МҲТ 2008 халқаро стандартига асосланган активлар тури бўйича асосий фондларнинг коди.

КТК – Кичик тадбиркорлик субъектларига тааллуқли ташкилотлар классификацияси – корхонанинг ўртача йиллик ходимлар сони ва асосий фаолият тури билан боғлиқ ҳолдаги тури коди.

ДБИБТ – Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларини белгилаш тизими идоравий статистик маълумотномаси – корхонанинг қайси ташкилот (хўжалик жамияти) тузилмасига мансублигини кўрсатувчи код.

МҲОБТ - Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларини (объектларини) белгилаш тизими идоравий статистик таснифлагичи – ҳудудий мансублик коди.

МИИТ – Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи. Уй хўжаликлари, давлат бошқарув органлари, уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг индивидуал истеъмолига харажатлари коди.

ДСКШТ – Давлат статистика кузатувлари шакллари таснифлагичи, давлат статистика кузатувлари шакллари идентификация қилиш ва рўйхатга олиш учун мўлжалланган.

Метамаълумотлар – статистик маълумотларни белгиловчи ва тавсифловчи маълумотлар бўлиб, объектларни стандарт шаклда тавсифловчи маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни ўз ичига олади. Улар икки турга бўлинади – таркибий ва маълумотнома тарзидаги.

Таркибий метамаълумотлар - маълумотларни осон топиш ва олиш учун уларни аниқлайди ва тавсифлайди;

Маълумотнома (ҳавола тарзидаги) метамаълумот - статистик маълумотларнинг таркиби ва сифатини, маълумотларни олиш усуллари, масалан саралаш усуллари, маълумот тўплаш, ҳисоб-китоблар ва бошқаларни тавсифлайди.

Метамаълумот шаблони - маълумотларнинг сифат хусусиятларини тавсифловчи элементлар тўпламидан иборат жадвал.

Статистик кўрсаткичларнинг метамаълумотлари тизими - бу стандарт шаблон бўйича давлат статистика органлари томонидан шакллантирилувчи статистик кўрсаткичлар метамаълумотларининг тизимлаштирилган тўплами.

Иқтисодий фаолият тури - бу муайян товарлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун моддий ресурслар, меҳнат ва ишлаб чиқариш технологиялари комбинациясида содир бўладиган жараён;

Асосий фаолият тури - бу йиллик давлат статистика Ҳисоботида асосан махсус методика бўйича аниқланадиган юридик шахснинг йиллик қўшилган қийматининг энг катта қисмини ташкил этадиган фаолияти;

Иқтисодий фаолиятнинг иккинчи даражали тури - бирликнинг учинчи томонларга бериш учун яроқли товар ёки хизматлар ишлаб чиқариш бўйича иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай бошқа тури;

Қўшимча фаолият тури - бу ташкилотнинг асосий ва қўшимча фаолиятига қўмаклашишга йўналтирилган оралиқ тусдаги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни таъминловчи фаолият ҳисобланади;

Қўшимча фаолият тури - бу ташкилотнинг бирламчи ва иккиламчи фаолиятига қўмаклашишга йўналтирилган оралиқ тусдаги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни таъминловчи фаолият ҳисобланади;

13. Очiq маълумотлар портали

Ўзбекистон Республикасининг очiq маълумотлар портали (Портал) – Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида фаолият кўрсатувчи ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очiq маълумотларини жойлаштириш учун мўлжалланган, очiq маълумотларни эълон қилишда ва улардан фойдаланишда Портал оператори, очiq маълумотларни етказиб берувчилар ва фойдаланувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминловчи аппарат ресурси;

Очiq маълумотлар – кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машинада ўқиладиган форматда Интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот;

Очiq маълумотлар рўйхати – зарур очiq маълумотлар тўпламига гиперҳаволаларни ҳам ўз ичига олган, автомат тарзда очiq маълумотлар тўпламини излаш ва ушбу маълумотларни олиш мақсадида яратилган маълумотлар рўйхати;

Очiq маълумотлар формати – маълумотларни машина ўқийдиган кўринишда очиб бериш форматлари (XML, CSV, JSON, RDF ва бошқалар);

Машинада ўқиладиган формат – маълумотларни дастурий қайта ишлашни таъминловчи, ушбу маълумотларни тақдим этишнинг электрон формати;

CSV (Comma-Separated Values – вергуллар билан ажратилган қийматлар) – жадвал кўринишида маълумотларни тақдим этишга мўлжалланган матн формати. Файлнинг ҳар бир қатори – бу жадвалнинг битта қатори. Алоҳида устунлардаги маълумотлар тизимда белгиланган символлар (делиметр) – вергул (,), нуқта-вергул (;) ёки табуляция симболи билан ажратиб турилади;

JSON (JavaScript Object Notation) – JavaScriptга асосланган маълумот алмашинувининг матн формати. JSONни бошқа матн форматлари каби одам томонидан осон ўқиш мумкин;

XML (eXtensible Markup Language – kengayuvchi teglash tili) – Бутунжаҳон ўргимчак тўри Консорциуми томонидан тавсия этиладиган теглаш тили (W3C). XML техник хужжатларида XML-хужжатлари ҳамда XML-процессорлари (XML-хужжатларини ўқувчи ҳамда уларнинг мазмунидан фойдаланиш имконини берувчи дастурлар)нинг ишлаши ҳақида тушунтириб ўтилади;

Очiq маълумотлар тўплами – очiq маълумотларнинг бир турдаги элементлари ва уларни тавсифловчи атрибутлар мажмуи;

Очiq маълумотлар тўплами паспорти – очiq маълумотлар тўпламини бир хил идентификация қилиш имконини берувчи ушбу тўплам тўғрисидаги маълумотлар мажмуи;

Портал оператори – Порталдан фойдаланиш бўйича фаолиятни, шу жумладан Портал маълумотлар базаларидаги ахборотни қайта ишлашни амалга оширувчи юридик шахс;

Очiq маълумотларни етказиб берувчи (етказиб берувчи) – Порталда очiq маълумотлар тўпламларини жойлаштирадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

Фойдаланувчилар – Порталдан фойдаланиб очiq маълумотлардан фойдалана олувчи жисмоний ва юридик шахслар.

14. Ахборот-коммуникация технологиялари

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) – персонал, оммавий ва ишлаб чиқариш коммуникацияларида ахборотни тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар мажмуаси, шунингдек айтиб ўтилган жараёнларни интеграл жиҳатдан таъминлаб берадиган барча технологиялар ва соҳалар.

Давлат статистика қўмитасининг Ягона ахборот тизими (ЯАТ) – давлат статистика органларининг статистик ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва қўлланилишини таъминлайдиган ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, дастурий-аппаратли таъминот ва телекоммуникацион воситалари мажмуаси;

Электрон намуна – кўрсаткичлар тавсифини, бирламчи статистик маълумотларни текшириш қисмларини, зарур меъёрий-ахборот маълумотларини ўз ичига олган махсус дастурий таъминотнинг бир қисми бўлган статистика ҳисоботининг электрон шакли;

Электрон ҳужжат – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот;

Респондентнинг электрон рақамли имзоси (бундан буён матнда РЭРИ деб юритилади) – респондент номидан статистика ҳисоботини тақдим этувчи, калит сертификатининг эгаси бўлган шахснинг электрон рақамли имзоси;

Фойдаланувчи - Интернет ва корпоратив электрон почталарга кириш ҳуқуқига эга бўлган маълумотлар узатишнинг корпоратив тармоғининг фойдаланувчиси. Ҳар бир фойдаланувчига аутентификация қилиш учун идентификатори ва парол берилади

Тизим хавфсизлиги маъмури (шахс ёки шахслар гуруҳи) маъмурий муҳофаза қилишнинг белгиланган чораларини ва уларга риоя қилишнинг доимийлигини амалга ошириб, мунтазам ва уюшган равишда қўлланиладиган жисмоний ва техник ҳимоя воситаларининг ишлашини таъминлайди

Тизимнинг барқарорлиги – бузувчи омиллар таъсири натижасида тизим элементларининг бузилиши рўй берганда тизимнинг функцияларини бажара олиш қобилияти.

Кутилмаган ҳолат - ҳодиса ёки ташқи таъсир туфайли ҳар қандай тизимнинг нормал режимда ишлаш имкониятини йўқотиши ёки сустлашиши.

Кутилмаган вазият - назарда тутилган лойиҳа, норма ёки ўрнатилган регламентлардан ташқари тизимнинг ишламай қолишига ёки тўхташига олиб келадиган хавфли ҳолатларнинг шарт ва шароитларининг уйғунлашуви.

Спам - электрон хабар тизимларини суиистеъмол қилиш орқали бир хил ёки ҳар хил оммавий почта жўнатмаларини тарқатиш

Инцидент - хизматларнинг режалаштирилмаган тарзда узилишига ёки унинг сифати пасайишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳодиса (масалан, инфраструктура элементларидан биридаги узилиш инцидентга мисол бўла олади)

Ахборот хавфсизлиги инциденти - ягона ҳодиса ёки ахборот хавфсизлигининг, бизнес-операцияларининг обрўсизланиши ва ахборот хавфсизлигига таҳдид эҳтимоли катта бўлган қатор номақбул ёки кўзда тутилмаган ҳодисалар

Инцидентга йўналтирилган ҳаракат - ҳодиса билан боғлиқ бўлган маълумотларни аниқлашга, унинг яхлитлиги ва ҳуқуқий аҳамиятини сақлашга, шунингдек, воқеа билан боғлиқ бошқа маълумотларни тўплашга қаратилган ҳаракатлар мажмуи.

Инцидентни текшириш - инцидент ҳолати (характер, хронология ва ҳоказо) ва унга алоқадор шахсларни аниқлаш мақсадида тегишли маълумотларни текшириш.

Бостириб киришларни аниқлаш тизими, Intrusion Detection Systems (IDS) - ахборотни қўлга киритиш, йўқ қилиш, бузиш ва ундан фойдаланиш учун йўналтирилган ҳаракатларни блокировакалаш мақсадида дастурий ёки дастурий-техник воситалар орқали ахборотга (ахборот ташувчиларга) махсус таъсир кўрсатиш тизими.

Бостириб киришларни олдини олиш, Intrusion Prevention Systems (IPS) - компьютер тизимига ёки тармоққа рухсатсиз кириш ёки уларни рухсатсиз бошқариш фактларини аниқлаш ва автоматик равишда улардан ҳимоя қиладиган дастурий таъминот ёки аппарат.

Ахборот - манбаларидан ва тақдим этиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

Маълумотларга кириш - маълумот билан танишиш, уни қайта ишлаш, нусхалаш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш.

Маълумотларга рухсат билан кириш - ўрнатилган қоидаларга амал қилган ҳолда маълумотларга кириш

Фойдалана олишни бошқариш - маълумотларни қайта ишлаш тизими ресурсларига фақат ваколатга эга мантикий объектлар ва фақат рухсат этилган тартиб билан мурожаат қилишни таъминлайдиган усуллар.

Ахборот ресурслари - алоҳида ҳужжатлар ёки ҳужжатларнинг алоҳида массивлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар, банклар ва бошқалар) ҳужжатлар.

Ахборот ресурсларига кириш - субъект томонидан тизим ахборот ресурсларини манипуляция қилиш имкониятига эга бўлиш (фойдаланиш, бошқариш, параметрларини ўзгартириш ва ҳоказо).

Қўмитанинг ягона ахборот тизими (ЯАТ) - Қўмитанинг ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, дастурий таъминоти ва телекоммуникация воситаларининг статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишни таъминлаш бўйича тартибга солинган тизими.

Маълумотларга рухсатсиз кириш - субъект томонидан объектга ёки маълумотларга тизимда ўрнатилган қоидаларни (компьютер технологиялари ёки ахборот тизимларидаги воситалардан фойдаланишда) бузган ҳолда кириш.

Заифлик - тизимда таҳдид юзага келганда муҳофаза қилиниши бузилишига олиб келадиган ҳусусият.

Ахборот хавфсизлиги - ахборот ва таъминловчи инфраструктуранинг табиий ёки сунъий характердаги тасодикий ёки қасддан қилинадиган таъсирлардан муҳофаза қилинганлик ҳусусиятларининг жамланмаси.

Маълумотларни ҳимоя қилиш - маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олишга қаратилган маъмурий, техник ёки жисмоний чора-тадбирлар.

Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассислар - ушбу қўлланмада кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга, ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун маъсул бўлган ахборот хавфсизлиги бошқармаси ходими ва/ёки ҳудудий бошқарманинг штат мутахассиси.

Автоматлаштирилган иш ўрни (АИЎ) - тегишли дастурий таъминот ва маълумотлар тўпламига эга бўлган шахсий компьютер.

Ахборот тизимларига киришни бошқариш иштирокчилари - АИЎ фойдаланувчилари ва хавфсизлик маъмурлари

АИЎ фойдаланувчиси - ахборот тизимларига киришга рухсат берилган давлат статистика органлари ходими

Шахсан фойдаланиладиган АИЎ - давлат статистика органи ходими томонидан шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган иш ўрни

Фойдаланувчининг идентификатори - фойдаланувчини аниқлаш учун маълумотларни қайта ишлаш тизими томонидан фойдаланиладиган белгилар кетма-кетлиги

АИЎ ва периферик ускуналарни функционал инвентаризацияси - автоматлаштирилган иш ўрни ва периферик ускуналарнинг мавжудлиги, ҳолати ва таркибини текшириш, уларнинг жойлашиши ва таркибий қисмларнинг хусусиятларини аниқлаш

АИЎ ва периферик ускуналарнинг таҳлили - компьютер ва периферик ускуналар парки ҳолатига аниқлик киритиш, жумладан, уларни техник таъмирлаш ёки алмаштириш бўйича режалаштирилган ишлар.

Ахборот ташувчи - ўз таркибида. жойлашган маълумотларни сақлаш (олиб юриш) мумкин бўлган ҳар қандай моддий объект.

Электрон ахборот ташувчиси - ахборотни бир ёки бир неча марта электрон усулда ёзиб олувчи электрон ахборот ташувчи.

Қаттиқ магнит дискларда маълумотларни сақлаш (ҚМДМС) - қаттиқ магнит дискларга ёзиш принципларига асосланган электрон сақлаш воситаси.

Ахборотни ташувчи ташқи қаттиқ диск - ташқи USB, FireWire eSATA интерфейслари орқали уланган ҚМДМС ва SSD-га асосланган электрон сақлаш воситаси.

Флеш - ахборот ташувчи - USB интерфейси орқали компьютерга ёки бошқа ҳисоблаш мосламасига уланган флеш-хотира микросхемага асосланган ихчам электрон маълумот ташувчиси.

Оптик ахборот ташувчи - оптик нурланиш ёрдамида ўқиш ва унда ёзиш амалга ошириладиган диск шаклида тайёрланган ахборот ташувчиси.

CD-диск - тахминан 700 MB ҳажмга эга бўлган оптик ахборот ташувчиси.

DVD-диск - CD-дискига нисбатан иш юзаси зичроқ тузилишга эга оптик ахборот ташувчиси.

Идентификация – фойдаланувчини унинг идентификатори (номи) бўйича аниқлаш жараёни. Бу фойдаланувчи тармоқдан фойдаланишга уринганида биринчи галда бажариладиган функциядир. Фойдаланувчи тизимга унинг сўрови бўйича ўзининг идентификаторини билдиради, тизим эса ўзининг маълумотлар базасида унинг борлигини текширади.

Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассислар - ушбу қўлланмада кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга, ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун маъсул бўлган ахборот хавфсизлиги бошқармаси ходими ва/ёки ҳудудий бошқарманинг штат мутахассиси.

Аутентификация қилиш – Мантикий объект томонидан тақдим этилган идентификатор ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилинишини таъминлаш.

МАС манзил – Тармоқ ускунасига ишлаб чиқарувчи томонидан бириктириладиган махсус ноёб рақам. Ушбу рақам ускунанинг тармоқ доирасидаги идентификатори ҳисобланади ва уни ТСП/IP тармоқларида аниқлаш учун зарур бўлади.

Статистика органининг электрон рақамли имзоси (бундан буён матнда СОЭРИ деб юритилади) – электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистика ҳисоботларини электрон шаклда йиғиш тизими доирасида электрон рақамли имзодан фойдаланиш ваколатига эга бўлган, калит сертификатининг эгаси ҳисобланган статистика органи ходимининг электрон рақамли имзоси;

Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистика ҳисоботларини электрон шаклда йиғиш тизими (бундан буён матнда Тизим деб юритилади) – статистика ҳисоботларини Интернет тармоғи орқали электрон шаклда қабул қилиш, жўнатиш ва қайта ишлашни таъминловчи ахборот тизими;

Статистика ҳисоботи олинганлиги ҳақида хабарнома – статистика ҳисоботи келиб тушган санаси ва статистика органи томонидан кўриб чиқиш натижасини тақдим этиш муддати тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган, Тизим томонидан автоматик тарзда шаклланивчи хабар;

Тўғриланиши лозим бўлган статистика ҳисоботини тақдим этиш ҳақида кўрсатма – статистика ҳисоботи бузиб кўрсатилганлиги (ишончсизлиги) аниқланган ҳолларда, статистика органининг СОЭРИ билан имзоланган ва респондентга юбориладиган электрон ҳужжат;

Статистика ҳисоботи қабул қилинганлиги ҳақида маълумотнома – статистика органи томонидан статистика ҳисоботининг қабул қилинганлигини тасдиқловчи, санаси ва қабул қилган ходимнинг фамилияси кўрсатилган, СОЭРИ билан имзоланган ва респондентга юбориладиган электрон ҳужжат;

Қайта ишлаш даври – йиғма статистика маълумотларини ўз вақтида тарқатилишини таъминловчи, олинган статистик ҳисоботларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган вақт оралиғи. Қайта ишлаш даври тегишли йиғма статистика маълумотларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган тарқатиш муддатидан ошмаслиги керак.

Электрон ҳужжат айланиши тизими - электрон ҳужжат айланишини амалга оширувчи дастурий таъминот, ахборот ва аппарат бирикмасидан иборат бўлган ахборот тизими.

Электрон ҳужжатни юборувчи - электрон ҳужжатни юборган жисмоний ёки юридик шахс.

Электрон ҳужжатни олувчи - электрон ҳужжат юборилган жисмоний ёки юридик шахс.

Электрон рақамли имзо - электрон рақамли имзонинг шахсий калитидан фойдаланган ҳолда ва ушбу электрон ҳужжатдаги маълумотларнинг махсус ўзгартирилиши натижасида олинган ва электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланишда электрон ҳужжатдаги маълумотларнинг бузилишининг ёқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзонинг шахсий калитининг эгасини аниқлаш.

ЭРИ шахсий калити - электрон рақамли имзо ёрдамида олинган, фақат имзоловчига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратишга мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

ЭРИнинг очик калити - электрон рақамли имзо ёрдамида олинган, электрон рақамли имзонинг шахсий калитига мос келадиган, ахборот тизимининг исталган фойдаланувчисига кириш мумкин бўлган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш - электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзонинг шахсий калити эгасига тегишли ёки ёқлигини текширишнинг ижобий натижасидир.

Веб-сайт - хусусий шахснинг ёки компьютер тармоғидаги ташкилотнинг битта манзил (домен номи ёки ИП-адрес) остида бирлаштирилган электрон ҳужжатлари (файллари) тўплами;

Техник фойдаланиш - объектни иш ҳолатига келтириш ва сақлашга қаратилган чоратadbирлар мажмуи;

Веб-сайт маъмури - маълумотни (материалларни) жойлаштириш, ўзгартириш ва ёқ қилиш учун расмий веб-сайтга тўлиқ кириш ҳуқуқига эга мутахассис.

Ушбу ҳужжатда қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади: маълумот - уларни тақдим этиш манбалари ва шаклидан қатъий назар, маълумотлар, фактлар, қизиқиш уйғотадиган ва сақланадиган ва қайта ишланадиган шахслар, объектлар, фактлар ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар;

Миллий ахборот тизими - давлат органларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари мажмуи.

Давлат статистика қўмитасининг Ягона ахборот тизими (ЯАТ) - бу статистик маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, сақлаш ва улардан фойдаланишни таъминлайдиган давлат статистика органларининг ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, дастурий-техник воситалари ва телекоммуникатсия воситаларининг ташкилий буюртмаси.

Ахборотдан фойдаланувчи (истеъмолчи) - ўзи керак бўлган ахборотни (ахборот маҳсулотларини) олиш учун ахборот тизими ёки воситачи билан боғланадиган ва ундан (улардан) фойдаланадиган ташкилот.

Киришни бошқариш қоидалари - кириш объектларининг кириш ҳуқуқларини тартибга солувчи қоидалар тўплами.

Кириш объекти - киришни бошқариш қоидалари билан тартибга солинадиган тизимнинг ахборот ресурслари бирлиги.

Парол - аутентификация маълумотлари сифатида ишлатиладиган белгилар кетма-кетлиги;.

Сервер хонаси - жиҳозлар учун мўлжалланган техник хоналар (серверлар, калитлар, уялар).

Автоматик захирага кириш – электр кучланишларни автоматик равишда бир маромга келишини таъминлайдиган электр таъминот тармоқ қурилмаси.

Узлуксиз электр қувват манбаи – сервер қурилмаларини электр энергияси билан таъминлашни кафолатловчи автоматик қурилма.

Фидер – антенна элементларининг бир қисми.

Ўтиш тугмачалари - икки хил таснифлаш ёки бир хил таснифнинг эски ва янги версиялари ўртасидаги ёзишмалар кодлари.

Дастурий маҳсулот - ўрнатиш ва ишлашга тайёр дастурий таъминот, унинг тавсифи, шу жумладан ўрнатиш ва ишлатиш учун зарур бўлган техник ҳужжатлар тўплами.

Янги ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот - Миллий ахборот тизими доирасида амалга ошириш учун махсус "нолдан" ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот.

Дастурий таъминот инфратузилмасини яратиш учун дастурий таъминот – ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотнинг (маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, операцион тизимлар, амалий серверлар ва бошқалар) иш ҳолатини таъминлаш учун фойдаланиладиган дастурий таъминот.

Махсус дастурий маҳсулот – муайян маълумотларни қайта ишлаш фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий маҳсулот.

Электрон ҳукумат

Электрон ҳукумат – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳукуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.

Давлат хизмати – ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар конун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин.

Сўров – ариза берувчининг давлат хизмати кўрсатилиши тўғрисида давлат органларига юбориладиган талаби.

Ариза берувчи – давлат органига сўров билан мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахс.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш – давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш.

Электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари – ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар.

Электрон давлат хизматининг регламенти – электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳукуқий ҳужжат.

Электрон давлат хизмати – ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.